

БОТИРХОН АКРАМ

**ОЛАМНИНГ
БУТУНЛИГИ**

Тошкент

ШЕЪРИЯТДА РОСТ СЎЗ ЗАРУРАТИ

Шоирнинг оламга ўзгача назар солиши, шеъриятда янги сўз айтиши, ўзининг маънавий-ахлоқий концепцияси билан чиқиши - ҳақиқий истеъдодга хос бу сифатлар айти ёшликда шаклланади, камолот касб этади (умуман, ёшлик фаслини янгиликсиз, дадил фикрлар, юксак туйғуларсиз тасаввур қилиб бўлмаса керак). улуғ Навоий йигитлик йилларида жўш урган шеърий илҳомини табиатдаги стихияли дунёдорлик ва фидойиликка нисбат бериб ёзган эди: “Тухм ерга кириб чечак бўлди. Қурт жондин кечиб ипак бўлди, Лола тухмича ғайратинг йўқму?” биздаги ҳақиқий истеъдодли ёшлар Навоий ҳаёл қилганича ижодий “ғайрат ва ҳиммат” кўрсатиш учун ҳозиргидай имкониятлар ҳеч қачон бўлмаганини ҳис қилиб, ўз талантларига муносиб талабчанлик билан ёзишга интиляпти.

Бугун ҳаётнинг ўзи маънавият муаммоларини янгидан илгари сураётган экан, бунга, биринчи навбатда, истеъдодли ёшлар яқиндан дахлдор муносабатда бўлмоқдаларки, бу ҳозирги шеъриятимиз давр руҳи билан, замондошнинг қалб эҳтиёжлари билан ҳамоҳанглигидан далолат беради. Кейинги икки-уч йил давомида вақтли матбуотда (“Гулистон”, “Шарк Юлдузи”, “Ёшлик” журналлари, қатор газеталар) чиққан энг яхши шеърларга разм солиб кўрсак, уларда, хусусан, инсоннинг имон-эҳтиқоди, виждони, ахлоқи билан боғлиқ рўй-рост сўзни тортиниб-ийманмасдан айтиш тамойили, буни мумкин қадар оригинал, бадиий жозибадор, образли тилда ифодалашга интилиш кучли.

Масалан, Абдулла Ориповнинг “Қўриқхона” шеъри табиатнинг камёб жонзотларини муҳофаза қилишдек “инсон қалбида балққан ҳамият”га муносабат билдиришдан бошланади. Лекин маънавий дунё бундан зиёдрок муҳофазага муҳтож. Шоир инсофни, эзгуликни, оқибатни, ҳаёни, имонни, виждонни асрашга даъват этар экан, ҳар гал табиатдан характерли бир нисбат келтиради. Унинг сўзга чинакам поэтик муносабати туфайли табиат - инсон параллелидан маънавий дунёнинг ўзига хос тимсол образлари шаклланади (“Ҳаёни асрангиз, куймасин ҳаё, Оташга дуч келган палапон мисол... Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ, Ягона заминни асрагансимон...” в. ҳ.) Албатта, Абдулланинг истеъдодли бундай ёрқин муқояса-образлар билангина чекланиб қолмай, чуқур умумлашмалар қилинишини кутамиз ва чиндан ҳам шундай бўлиб чиқади:

Тўқайга ўт кетса ёнғай бус-бутун,

Адолат борлиққа ёлғиз онадир.

Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун

Ёвузликка зада Қўриқхонадир.

Шоирнинг “ёвузликдан зада” маънавий дунё башарият, унинг бугунги ҳолати, эрталиқ қисмати ҳақидаги таҳликали ўйлари ўзининг маъно кўламига нисбатан қанчалик мухтасар-умумлашма образда мужассамланган!..

Катта поэтик умумлашмалар, даставвал, шоирнинг истеъдод даражасига, оламга ижодий муносабатнинг қанчалик фаоллиги ва етилганига боғлиқ; қолаверса, бу унинг таассуротлари, характери, кайфияти, ҳатто шеърнинг жанр хусусияти билан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, А. Ориповнинг “Тулки фалсафаси” ўз характериға кўра, масал-сатира жанриға мансуб бўлиб, қаллоблик, риёкорлик, мунофиқлик каби иллатларни халқчил киноявий образларда очиб бериш мақсадини кўзда тутди, лекин аввалги шеърға қўйилган талаблар билан ёндашишға асос йўқ. Зеро, маснавий йўлида қофияланган бу миниатюра ўзининг мажозий маъноси - зоҳиран оддий ҳулосаси билан ҳам жозибалидир: “Қасбини эплолмай қолса аксари Тулкилик қилади ҳайвонлар бари”.

Замондошнинг маънавий оламиға Омон Матжон, табиий, ўзгача нигоҳ ташлайди. Масалан, шоир сарлавҳасиз бир шеърда “ёлғизлик қаърида қолдириб” кетилган аёлнинг руҳий ҳолатини шундай чизади:

Хуш дамлар ҳамдами - кўзға бу кеча,

Тикка турган кўлдек ютишға тайёр...

“Кўрдим Шукур Бурҳон “Ҳамза”дан чиқиб...” шеърда навбатдаги репетициядан сўнг ўз хаёлларига фарқ ҳолда Навоий кўчасидан бораётган улкан санъаткор билан раста оломони ўртасидаги контраст ўткирлашиб берилади. Шоир расталар олдида ғимирлаган, тор манфаатпарастликдан бўлак ташвиши бўлмаган мешчан бир тоифа устидан шундай ҳукм юритади:

Халқми шу нуроний сиймолар қолиб,

Сохта сумбатларни сийлаб турганлар?..

Бу икки сатрда майда-махдуд манфаатлар, худбин майллар, замирида бирон-бир тама ётган нуқтаи-назарлар билан шоир қаҳрамонининг эътиқоди ўртасидаги кураш оригинал ва ёрқин образ-лавҳада ифодаланган. О. Матжон турли мавқедаги, турли ниқобдаги қаллоб, маънавий қашшоқ шахсларнинг кирдикорини атиги икки мисрада очиб беролса. У фақат раста оломони билан кифояланмайди, мантиқ тақозоси билан асосий объект чегарасидан чиқади - моҳиятан улардан кам фарқ қиладиган мансабпараст, шуҳратпараст типларни ҳам аяб-негиб ўтирмайди, бу, шубҳасиз, шоирнинг замон туйғуси кучли эканидан далолат беради:

Халқим шу халқининг номидан сўзлаб

Мингдан бир ваъдасин оқлолмаганлар?..

Токи сўз инсоннинг маънавий софлиги, ҳалоллигига бориб тақалар экан, шоир овози мана шундай виждон ҳаёқириғи бўлиб янграши керак. “Ёлғончи дунё ҳақида Жуманиёз Қўзиев монолоғи” шеърида мавзуга ўзгача - марғуб тамойиллар нуқтаи-назаридан ёндашилади; “Монолог”нинг қаҳрамони “” дунёга баланд маснаддан назар ташлаган, ҳақиқат ва адолат учун курашни эътиқод деб билган иродаси кучли замондош тимсоли сифатида “Илк саробни кўрибоқ курашдан четга чиққанлар” қаршисида улуғвор қиёфа касб этади:

Ёлғончи дунёни рост этмак учун

Аканг қарағайлар келган дунёга...

Ҳаёт, одамлар қанчалар мураккаблигини била туриб, Жуманиёзнинг халқчил журъаткор, ўктамона сўзларига ишонгимиз келади. Зотан, бундай имон-эътиқоди бутун кишиларнинг “рост” сўзи, шижоатли овози бугун ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир. Бу заруратни шоирона ҳис қилиш О. Матжон исдеъдодининг кучидан далолат беради.

Усмон Азимовнинг янги шеърларида қаҳрамоннинг маънавий дунёси кўпинча оригинал символика орқали акс этади. Масалан, “Севги ҳақида уч шеър”да таҳқирланган севги ҳаёли гоҳ “қорли кеча - оппоқ фаришта” куршовида, гоҳ фожеъ манзара орқали берилади: “Занжирбанд қиламан телба қайғуни. Ана қорли кеча - тўзғиган шайтон - олиб кетмоқдадир кучоқлаб уни...”

Шоирнинг ҳозирги ёш ижодкорларга хос баркамоллик даражасини кўрсатувчи шеърларидан бири “Чумоли ҳақида нутқ” исдеъдоднинг теранлиги ҳар бир даврда ҳам, даставвал, унинг гражданлик жасорати билан белгиланиши бежиз эмас. Усмоннинг маънавий сўқирлик, руҳий қашшоқлик кўринишларига қарши мурасасиз қаҳрамони моддий фаровонлик турмуш тарзига айланиб бораётган бир шароитда нафс дардида ўзидан бошқани ўйламай қўйган беномус ва ношукур кимсаларни... чумолиларга ўхшатади (“Ўйга ўзинг... Жовдирар кўзинг... Ҳаёлингда ўзинг, бир ўзинг...”). уларни халқ азалдан таяниб келган инсоф, ҳақиқат ҳаками номидан аёвсиз фош қилади:

Мен эсимни йиғиб бўлгунча

Чумолилар ҳовлиқиб кетди.

Чорсуни-ку қўйинг (у - бозор,
Ўйнар савдо ашуласига).
Чумолилар бормокда қатор
Ана шахсий машинасида...

Усмоннинг “Чумолилари”, О. Матжоннинг “Кўрдим Шукур Бурҳон...” шеърисидаги раста “оломони”ни эслатади. Асли руҳан ўхшашлик, ғоявий яқинлик шундай бўлиши керак. Халқ дostonлари учун характерли драматик эпизодлар, диалог ва айтишувлар шаклида ёзилган “Бахшиёна...” халқнинг пурмаъно содда образлари - поэтик даҳосини ижодий ўзлаштириш намунасидир. Мана, сўнгги шеърий новелла - айтишувда тўғри сўзнинг мўъжизакор кучи, ёлғон сўзнинг касри қандай таърифланади:

Ҳақ сўз учун ҳар бир ишга кўнади эл,
Тўғри сўздан кўпаяди, тўлади эл,
Шоирларни ёлғон айтса, ўлади эл...

Албатта, шоир “ёлғон айтиш”ни касб қилганларга ўзининг ошкора, муросасиз “тўғри сўз”ини қарши қўйиши ижодкорлик ва гражданлик жасоратини тақозо қилади, бу асли имон-эътиқод даъвати бўлиб, истеъдоднинг муҳим кирраларидан биридир. У. Азимовнинг вақтли матбуотда чиқиб турган кўпчилик шеърларидаги образлар ҳам, унинг И. Ҳаққулов билан диалогда (“Ёшлик”) билдирган танқидий фикрлари ҳам бунини тасдиқлайди.

Ҳозирги шеъриятимизда қаҳрамоннинг маънавий оламини тарихий материал орқали кўрсатиш тамойили ҳар қачонгидан кучли. Маълумки, ўтмишнинг буюк ақл ва қалб соҳиблари - бадий сўз даҳолари ўзлари кўтарилган ғоявий-маънавий юксалиқдан туриб, хоҳ лафзан - конкрет тафсиллар, аниқ мисраларда, хоҳ руҳан - рамзий-мажозий образларда бўлсин, эзгу-армонларини яқин ва узоқ халафларига табаррук мерос сифатида қолдирганлар. Айниқса, кейинги 15-20 йил давомида бу хайрли мавзуга қизиқиш ортиб бориши чинакам ғоявий-бадий баркамолликка интилишнинг белгиларидан биридир. Негаки, ўз тарихини чуқур ва асосли билиш ҳеч қачон маънавий биқикликка олиб бормади. Бинобарин, марксистик таълимот бўйича, шахснинг маънавий ривожини жамиятнинг такомил даражаси билан умуминсоний, умуммаънавий тарихнинг узвий қисмидир. Чунончи, ўзбек халқи ўтмишда, айниқса, шарқ Ренессансининг биринчи (IX - XI асрлар) ва иккинчи (XIV - XVI асрлар) давларида жаҳон фани ва маданияти ривожига ўнларча даҳолари билан таъсир кўрсатгани каби, ўз навбатида, у Шарқ ва Ғарб халқлари яратган маънавий бойликлардан баҳрамонд бўлиб

келди... Мана шу қутлуғ ва масъулиятли мавзуга ҳозирги истеъдодли ёшлар ҳавас қилса арзийдиган билимдонлик ва нозик дид билан муносабатда бўлиши қувонарли ҳол.

Ҳозирги навқирон шеърятнинг умидли вакилларида Шавкат Раҳмон ана шу муаммо - маданий-маънавий мерос ва ворислик масалаларига муносабат билдиради. Мен “Бобур ва унинг ҳамроҳларига” ҳамда “Ҳолат”ни (бу шеър кўпроқ “Чумоли ҳақида нутқ” билан ҳамоҳанг), хусусан, аввалгисини ажратиб кўрсатишни истар эдим. Маълумки, аксарият ёш ижодкорларда ўтмиш мавзуини қаламга олиш - бунга чоғлари келадими ё йўқми анчайин таомилга кирган (масалан, 1982 - 1983 йилларда Бобурга бағишланган йигирмага яқин шеър босилиб чиқди). Ш. Раҳмоннинг мазкур шеъри, шубҳасиз, ижодий зарурат ҳисси билан ёзилган; унинг мазмуни мавзу доирасидан кенг: шоир юртдан кетган не-не фозил, комил зотлар, уларнинг армонлари ҳақида ўйга толади.

Мана бугун мозий қаъридан

Ўша азиз, саргардон, сағир

Буюк зотлар сирли ҳадикда

Келаётгандай бўлар бирма-бир...

Мен бу шакли-шамойилига нисбатан кўламли, манодор мисралар замирида ётган ғояни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман: Заҳириддин Бобур каби буюк сиймолар шахсий ва ижодий тақдиридан, қайси давр, қайси юрт фарзанди эканлигидан, қандай тоифа ва мансаб, эътиқод ва дунёқарашга мансуб бўлишидан қатъи назар, **илғор гуманистик ғоялари, бой маънавияти, санъаткорлик даҳоси билан** ҳар қандай сарҳадларни енгиб ўтади (барча замонларнинг бадиий ижод генийлари башариятга, унинг келажагига мансуб, деган ҳурликча таълимотнинг маъноси ҳам шунда).

Улуғ боболар хотирасини, бу орқали маънавий ворислик мулкига айланган она юртимиз шаънини улуғловчи мисраларга шоир яна чуқурроқ маъно беришга интилади. Зеро, ҳақиқий шеър ўзининг ички мазмуни билан китобхонни фикрларга ундаши, ҳатто баҳсга торта олиши керак. Шавкат кейинги мисраларда бугун бизда “қарор топган ҳақ ва адолат”ни авайлашга даъват этади:

Улар келар... Тағин мозийга

Ярим йўлдан қайтиб кетмасин.

1. ШЕЪРИЙ МАНТИҚ ТАҚОЗОСИ

Поэзияга хос бадий мантиқни қандай тушуниш керак? Ҳар бир баркамол асар каби, ҳар бир бутун, етук шеър ўзича миниатюр олам, жонли вужуд бўлиб, унинг истисносиз, барча унсурлари, хужайралари узвий алоқада яшайди - ички таносибни ташкил қилади. Бу давомли изланишлар жараёни маҳсули, унинг ўзига хос қонунияти бор: аввало, оламга ижодий муносабат утилган бўлиши керак, шундагина поэтик мушоҳада конкрет кечинма-образ тарзида шаклланиши мумкин. Катта санъаткорларнинг ижодхонага оид қайдларидан маълумки, шоирнинг ўзигагина аён бўлган яратиш қийноқларидан қатъи назар, ҳар гал янги шеър, янги образлар гўё имконга сиғмаган ҳолатларда, бамисоли мўъжизадай инкишоф этилади. Умуман, поэзияда нимагадир қиёслаш - бадий нисбатлаш усули одатий ва одатдан ташқари - фавқулодда меъёрлар асосига қурилиши мумкин; шоир борлиқнинг турли садо ва акс-садолари таассуротидан лирик манзара тасвирини чизиши ёки унинг турли шакллари ва рангларини ўзгача усулда - оҳанглар воситасида ифодалаш, моддий дунё предметларини руҳий ҳолатлар орқали сувратлаши, бир-биридан узоқ тушунчалардан кутилмаган уйғунлик ва сирли санъат замирида бадий мантиқ деб аталмиш ўзига хос қонуният ётади. Бу - биз одатланган мантиқий тафаккурга аксари итоат қилмайдиган нозик ҳаёл, фавқулодда мушоҳада мантиқи. Шубҳасизки, бу хислат истеъдоднинг ўзи билан бирга туғилади, бирга ўса боради, унинг зарур қирраларидан бирига айланади. Демак, шоир ижодий камолот касб этиши билан унинг бадий мантиқ туйғуси тобора нозиклашиб, ўткирлашиб бориши керак. Катта истеъдод эгаларида шундай бўлади, улар сўз санъати сирларини пухта эгаллагани учун ҳам бирор мисра ё сўзда бадий-мантиқий сакталиқни учратмаймиз. Бу истеъдод даражаси турли босқичда бўлган “яхши ва ҳар хил” (Маяковский) шоирларнинг баъзи бирлари учун ибратлидир. Бу даъвонинг исботи сифатида поэтик истеъдоди умуман эътироф этилган (ёки ҳали умид боғласа бўладиган) шеърятимизнинг турли бўғинига мансуб шоирларда баъзан бадий мантиқ меъёрининг бузилиш ҳолларини кўрсатиб ўтиш лозим. Бунда гап фақат шеър мантиққа хос, одатда руҳий олам манзаралари чизилганда, теран фалсафий ўйлар ифодасида юз бериши мумкин бўлган мураккаблик ҳақида бормаиди (Зулфия, А. Мухтор, Р. Парфининг баъзи шундай таассурот қолдиради), балки руҳий теранлиқни даъво қилмайдиган, оддийгина воқеабанд

шеърларда ҳам баъзан элементлар ҳаётий ва адабий мантиққа етарли роля қилмасилик ҳоллари содир бўладики, биз шу хусусда баҳс юритмоқчимиз. Масалан, қатор яхши қўшиқлари билан танилган Туроб Тўла “Анвар Алиев даласида” манзумасида, даставвал, Турбатнинг бош кўчасидаги кесган сайин ўсаверадиган “қари бақатерак”ни таъриф-тавсиф қилади. Бунда оригинал образ-манзара намунаси сифатида мана бу мисрани кўрсатиш мумкин:

Само тек турарди салобатидан...

Само, ўша терак... машҳур пахтакор пайкалларига қиёс қилинади, аниқроғи, шоирнинг ўзига хос “маҳобатли” васфлари берилади: “... Ногаҳон олади таважжуҳингни, Даласининг кўрки, саховати, **маҳобатли дала саодати**, Забт этади бирдан руҳингни! **Инкишоф кўрасан** ҳар бир нуктада Меҳнат тилсимини, **ҳукминини...**” Натижада шундай бўлиб чиқадики, шеър сарлавҳасида ваъда қилинган “дала”га, заҳматкашлиги, саховатли, самимияти ажралиб турадиган бободехқон дунёсига оид бирор характерли тафсил ё рамзий ифода - чизгини учратмаймиз. Ҳолбуки, бунда мавзунинг ўзи ўзбек даласига хос муайян аломатлар бадий-мантикий асос сифатида хизмат қилишини тақозо этади. Шахсан менга “қари бақатерак”нинг пахтазорга қиёс қилиниши ёки “Кўкараверади сени ардоқлаб, Талъатингга муҳаббат боғлаб” каби фақат зоҳиран сервиқор ташбеҳлар, тумтароқ сатрлар поэтик мантиқдан узоқ бўлиб туюлади. Баъзан шоир сўзларнинг сунъий рангдорлигига берилиб кетиб, умуман ҳаёт мантиқи, бадий меъёр доирасидан чиқади. Тўғри, унинг “Қаламимга сиғинаман” шеърида дастлаб дурустгина сатрларни ҳам ўқиймиз:

Қаламимга сиғинаман, сизни десам...

Сизсиз унинг куйларида бир нарса кам.

Хийла таъби равон бир кайфиятда туғилган бундай мисраларга қараб, шоир шу зайлда - халқчил содда, рисоладаги услубда ёзаверса бўлмасмикан, деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Афсуски, ўша сатрлар билан кетма-кет яна Т. Тўлага хос “кажбаҳс” (шоирнинг ўз ибораси - Б. А.) тавсифлар ғолиб келади:

Етмай афсун, бир издиҳом ўйларига

Забт этади меҳнатингиз **силсиласи**.

Ҳадисингиз, беандоза талъатингиз

Сиз кашф этган **меҳнатингиз зилзиласи**.

Сиз кашф этган бу беқиёс санъатингиз,

Фахр этади бу беадад **фаҳрингиздан**,

Пахтангизнинг нуфузидан, наъъасидан...

Очиғи, ҳурматли шоиримизнинг “афсун”, “издиҳом”, “силсиласи”, “ҳадисингиз”, “зилзиласи”, “фаҳрингиздан”, “талъатингиз” каби ташбеҳларининг на ошкор ё пинҳоний маъносини, на умумий контекстда тутган ўрнини тайинлаш қийин. Масалан, “ҳадис” (пайғамбар сўзи, маълумки, Шайхзода “Келажакнинг саволларига жавоб” шеърида “тафсир”га санъаткорона ёндошган), агар шоир чиндан ижодий муносабатда бўлса, қайта ишланиши тақозо этиладиган - янги маъно қирраси кўриниб туриши лозим бўлган кўҳна истилоҳ. Бошқа антиқа тавсифлар каби “меҳнатингиз зилзиласи” ҳам сайқалталаб. Афтидан, шоир пахтакорнинг табиат стихияси билан йил бўйи мардонавор олишувига ишора қилади, лекин у ўз топилмасига оро бераман деб, бунинг учун муайян замин ҳозирлаш лозимлиги ҳақида, бадий мантиқ, унинг нозиклиги (масалан, “зилзила” билан “кашф этиш” сўзларининг мантикий алоқаси) ҳақида деярли қайғурмайди.

Баъзан поэтик мантиқ меъёри мушоҳаданинг етилгани ёки сунъий заминга қурилганлиги - зўракилиги оқибатида бузиладик, бунда ҳар қанақа янгроқ ташбеҳ-муқояса ҳам ўзича муаллақ ҳолда қолаверади. Масалан, Ҳусниддин Шарипов “Жонажоним ҳаёт” туркумига кирган “Шарқ юлдузи”га шеърини невар ва бобо суҳбати асосига қурмоқчи бўлади. Лекин неваранинг “зўр олим бўлмоқнинг иштиёқида бобосини саволга тутиши” шоир ваъда қилганча умидимизни оқламайди: у, мантиқан, инқилоб ва меҳнат ветеранидан билмаганларини сўраб билиши керак эди, йўқ, бунинг ўрнига нуқул отасидан (яъни шоирдан) эшитган гапларини эзмалик билан қайтаради: “... Инқилоб жанрларин кўрмаган экансиз. Аввал босмачидан қочиб жар оша, Сўнг қувлаб тоққача йўртган экансиз...” Охири антиқа “савол” муҳаббатга бориб тақалади: “Ўша маҳалда ҳам мисоли денгиз, Бедор яшармиди ошиқлар бўзлаб? Қизил чойхонада қизил тўйингиз...” в. х. Ниҳоят, чолнинг жавоби олдиданшоир шундай изох беради: “Отам ғарқ бўлибди сукутга узоқ... Тарихни титкилаш эмас-да ўйин. Албатта, хотира ҳозир сал чатоқ. Умрни бир йўла эслаш ҳам қийин”. ажабо, инқилобий авлод ўз кўрган-кечирганларини - жанговар-романтик ҳаёт хотираларини унутиши мумкинми? “Хотира ҳозир сал чатоқ”лиги, айниқса, инқилоб иштирокчисининг фавқулодда ҳодисаларга бой йигитлик йилларига нима дахли бор? (Бу кейинги - қартайган, хориган чоғдаги таассуротларга нисбатан айтилса, эҳтимол, тўғри бўлиши мумкин.) Мана шу зўрма-зўр, алдамчи тасаввур билан бобонинг “жавоби” осонгина тайёр бўлади:

- бўтам, варақлаб боқ “Шарқ юлдузи”ни,

Ҳаммаси бирма-бир ёзилган унда.

Айтайлик, мазкур журналда босилган материаллар (роман, қисса, ҳикоя в. х) 20-30 йиллар ҳаётини чуқур акс эттирган тақдирда ҳам, бобонинг

шахсий эсдаликлари ўрнини босадими? Борди-ю, шоир журнал шаънига (юбилей муносабати билан) васф айтишни мақсад қилиб қўйган экан, бунинг учун, балким, “Шарқ юлдузи” биографияси билан инқилоб ва меҳнат ветеранлари биографиясини боғловчи мантикий-бадий халқани топиши лозим бўлармиди... Ҳозирги ҳолатда халқани топиши лозим бўлармиди... Ҳозирги ҳолатда шеърдан на боболар юрган, на журнал босиб ўтган шонли йўл ҳақида лоақал кичикроқ, лекин ёрқин бир лавҳа-оразни топмаймиз. Муқояса фақат номига муқояса бўлиб қолади. Шунинг учун шеър интиҳосидаги гўё умумлашма даъво қилувчи сатрларнинг зшракилиги ажабланарли жмас. “Хотараси сал чатоқ” қария гўё “Шарқ юлдузи” босиб ўтган илҳом олиб, сўзини сохта пафос билан тугатади:

Сен ҳам қолгайсан йўлларда толиб

Очгунг фан булоғин янги кўзини,

Бўтам, бораверсанг **мўлжалга олиб**

Қалбларда порлаган “Шарқ юлдузи”ни.

Афсуски, шоир бу алдамчи мисралар, айникса, “қалбларда порлаган “Шарқ юлдузи” каби зоҳиран янгроқ сўзлар чиндан ҳам умумлашма-рамзий образга айланиши учун мантикий-бадий замин ҳозирлаш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрмаган.

Ифода воситалари конкрет мисралар мазмуни билан унчалик мутаносиб келмайдиган ҳоллар туркумидаги бошқа шеърларда ҳам кўзга ташланади. Мана, “Ҳамза ҳақида уч шеър”дан бири- “Изланиш”даги характерли сатрлар:

Фақат бир куй билан нурли эртага

Етиб ҳам бўлмасди томирдай тўлиб,

Шунинг-чун жарчидай тушди ўртага

Гоҳ Гофир, гоҳ эса Жамила бўлиб.

Кифтга юк оларкан тобора кўпроқ,

Бели майишмасдан мисоли тўсин.

Бу парчада, айникса, шоир топган икки муқояса (“томирдай тўлиб”, “мисоли тўсин”)да на мантикий аниқлик бор, на бадий жозиба. Улар китобхонга маълум даражада завқ бериш ўрнига, унинг таъбини ранжитиши мумкин; “бели майишмасдан”, “кифтга юк оларкан” ибораларини ҳам лирик шеър характери билан уйғун келадиган прозаизм намунаси дейиш қийин. Шоир ҳатто Ҳамза дунёсини очиб беришга қобил бўлган “жарчи” сўзидай

ижодий фойдаланиш ўрнига, уни жўнлаштириб юборган (“жарчидай тушди ўртага”).

Баъзан ҳаётнинг турли нарса ва ҳодисалари моҳиятини чуқурроқ ўзлаштирмаслик касридан шеърий мантикка путур етиши мумкин. Масалан, Ётибор Охунова “Сурур” шеърида оқшом чоғи қишлоқ манзарасини чизмоқчи бўлади:

Чўпон йигит қайтарди **чалиб сибизғасини,**

Бўғотларга тизилган қалдирғочлар - садафдир.

Осмон кўз-кўз қилару тиллои сирғасини,

Юлдузларини дув тўкиб, боғларга дур қадарди...

Менингча, пода қишлоққа кириб келган оқшом палласи сибизға, ҳар қандай, дам олса керак, чунки чўпоннинг қўли таёғи билан, оғзиқўйларни ҳай-ҳайлаш билан - ҳаёли подани (айниқса, кўзичоқларни)қўраларга бешикаст, беҳато етказиш билан банд бўлади. Буниси ҳам майли дейлик. Лекин пода қайтган оқшом кези қалдирғочларнинг том “бўғотларида садафдек тизилиши”ни тасаввурга сиғдириш қийин: авваламбор, улар қуёш ботар чоғида осмонда чарх уриб сайр қилишади-да, оқшом кира бошлаганда ўрнини кўршапалакларга бериб, жуфтлари билан инларига кириб кетади; қолаверса, қалдирғочларнинг “бўғотларга тизилиши”, осмон “юлдузларини дув тўккан” чоғда хатарли бўлганидек, “садаф”дек кўриниши янада мантиқсиздир. Шоиранинг “Сунбула” шеърида шундай сатрлар бор:

Тарс ёрилар ақиқ анор боғларда...

Ой баркаш келтирар хусайниларга.

Нигоҳим олмурут тўлган саватда.

Тўғри, сунбулада (кўпроқ унинг иккинчи ярмида) анорнинг “тарс йрилиб”, хусайнининг анча-мунча шира боғлаб пишишига шубҳа қилмаса бўлади. Ётирозимиз учинчи сатрга тегишли. Фараз қилайлик: шеър сунбула ойи, унинг ўзгача нашъаси ҳақида эмас, балки мевалар ё уларга муносабат тўғрисида ёзилганда, эҳтимол, “олмурут тўлган сават”ни ҳозирги музлатгич ускуналар шароитида йилнинг истаган фаслига кўчириб тасвирлаш мумкин бўлар эди (шунда ҳам бадий мантикка риоя қилиш керак, албатта). Бироқ бу шеър ўз номи биланок шоирага ортиқ эркинлик бермайди: бундаги мантиқ саватда саратон олмурути эмас, сунбуданинг меваси бўлишини тақозо этади (маълумки, сунбула 22 августдан киради, олмурут эса ўрик билан кетма-кет пишади ва жуда тез тамом бўлади, уни вақтида узиб олмасангиз, асадга бормай бандидаёқ қораяди; асл деҳқон бу камёб меванинг қолган-қутгани - пишиб ўтиб кетганини ҳам хато қилмасдан қуриб олади, сабаби,

олмурутқоқи халқ табобатида тансиқ дорилардан ҳисобланади). Хуллас, бадий ижодда, хусусан, лирик шеърятда ҳаёл ва ҳофизанинг чексиз имкониятларидан фойдаланиш бошқа, тахминий, таваккалчи тасаввур бошқа.

Баъзан номавзун иўлатилган биргина сўз ё ибора шеърнинг қимматини тушириши мумкин. Масалан, истеъдодли шоира Ҳалима Худойбердиева “Учинчи дўст” туркумига кирган “Фикримча, Жавоҳир тўла бир сандиқ...” деб бошланадиган, моҳиятига кўра эзгу ўйлар даъвати билан туғилган шеърида ёзади:

Ярим умрим, мана, ўйларга чўмиб, -

Шу калитни излаб ўтди бамаъни.

Ажабо, лирик қаҳрамоннинг “юраги тубига кўмиб қўйилган” (“юракка кўмиш”, “қалбга дафн этиш” Гёте, Брайтон, Гейне каби буюк шоирларда, А. Орипов шеъриятида ҳар гал ўзгача сайқал топган, ниҳоят, Ҳалима унга муносабат билдирган сайёр рамзий образ) жавоҳир - ҳақиқий шеърят сандиғини очиш иштиёқида кечирилган бедор эҳсон қилган йилларни **“бамаъни ўтди”** дейиш қандоғ бўлди? Аксинча, ўша мўъжизакор калит ҳали топилмаган бўлса-да, изланиш йўлларидаги “қийноқлар - яратиш дарди” (Зулфия) ўзи бамаъни **эмасми?** Шоирнинг эришиганидан қоникмаслик туйғуси, ҳамиша юксакликни кўзлаб ижод қилиш тамойили ўша сирли калитни бир умр ахтариб ўтишни тақозо этмайдими?.. Эҳтимол, шоира бу биргина қалтис иборани шахсий-интим маънода қўллагандир, деган ҳаёлга ҳам борамиз. Бироқ мазкур шеърда шахсий ҳаётга, қандайдир аламзада ҳолга бирор ишора йўқ. Хуллас, **“бамаъни ўтди”** - шеър мазмуни, ғояси билан ҳар бир сўз-образ бевосита ё билвосита алоқадор эканини чуқур ҳис этмаслик оқибатида юз берган мантиқий сакталикдир.

Ижодий фаол шоирлардан Хосият Бобомуродова, Муҳсина Бобоева қаламига мансуб, аксарият интим кечинмалар анчайин эҳтирос билан тасвирланган шеърларда ҳам баъзан мушоҳаданинг хомлиги оқибатида бадий мантиқ меъёрига ҳалал етганини кузатамиз. Масалан, Хосиятнинг “Севилмаган” шеърига хос зиддиятли нуқтани (йигит-қиз кайфияти билан табиат ўртасидаги номутаносиблик) И. Ғафуров тўғри кўрсатиб ўтди. Мазкур шеърда бошқа бир нотабий манзарага дуч келамиз: **“Ўрик оппоқ гулли шохин эгади”**. аввало, ҳар қандай мевали дарахт гуллаганда ҳарир оқ-пушти ё оқ-сарик япроқчалар ҳали ўохларни эгишга қодир бўлмаса етилиб, бора-бора шохлари эгилган тақдирда ҳам, ўрик шохи, агар меваси кўп бўлса, мўртлигидан синиши мумкин... Шоиранинг “Тўхта томчи” шеърияда шундай сатрларни ўқиймиз:

Қайтақол, жонимнинг қайноқ томчиси,

Қайин бўлса ҳамки, қайтмоғинг бу чоқ.

Рақиблар нигоҳи аччиқ **қамчиси**

Этмасинлар танҳо қалбим **овунчоқ**.

Бунда “овунчоқ” сўзининг, айниқса, “қамчиси”га нисбатан номавзунлиги (наҳот бу қофия зарурати билангина келтирилган бўлса!) шундоққина кўриниб турибди.

1. “ҚАЛБ САХОВАТИ КЕРАК”

Бугунги лирика ҳатто 15-20 йил аввалги лирикадан фарқ қилади: у инсоннинг руҳий оламига ҳар қачонгидан яқинроқ, лирик қаҳрамон дунёси янада бойроқ, қалби саҳийроқ бўлиб қолди. Эндиликда шоир “ўзлиги” ҳақида, лирик қаҳрамон орқали инсоннинг шахсий-интим дунёси, унинг дардлари ҳақида, зарур бўлганда, энг ҳазин оҳангларда ҳам ортиқ қисилмай-қимтинмай ёзиш мумкин, бу муайян ижтимоий, маънавий-ахлоқий заминдан маҳрум эмас.

Модомики, Рауф Парфининг баъзи трагик руҳдаги шеърлари устида мунозара туғилган экан, бунда, даставвал, шоирнинг индивидуал дунёсига разм солиш зарурати сезилади. Менингча, Рауфнинг “ўзлиги”да истеъдод характери - таъби назмида лирик-трагик тамойил устунлик қилади. Шоирнинг табиати ўзининг фавқулудда эмоционаллиги, одатдаги меъёрларга сиғмайдиган субъектив-индивидуал, ҳатто, зиддиятли хусусиятлари билан ажралиб туради; у ҳаётда, одамлар билан муносабатда - бошқача, ижодда - бошқача таассурот қолдириши мумкин. Чунончи, А. Ахматова ҳақидаги хотираларда “даврнинг трагик овози” ҳисобланган хассос шоиранинг ҳаётда қувноқ суҳбатлари юморга бой бўлгани айтилади... Хуллас, ҳар бир шоирнинг дунёси унинг ижодий тақдири тарзида қаралиши, шу нуқтаи-назардан баҳоланиши лозим, Рауф Парфининг маълум маънода мунозарали бўлган баъзи шеърларига келсак, уларда, менинг назаримда, ижодкор шахси билан қаҳрамон ўрнини белгилаш меъёри бир қадар бузилади. Аслида шоир шахси билан коллектив даҳонинг бадиий синтезидан иборат бўлган лирик қаҳрамон Рауф талқин қилганидай, “ўзини йўқотиш” (“Бир лаҳза достони”) эмас, аксинча, уни тўла англаб етиши, “ўзлигидан юқори кўтарила олиши” (Гёте) лозим. Балким, “Бир лаҳза достони”даги ҳолатни чиндан ҳам лаҳзали, мустасно деса бўлар. Ҳаётда бундай ҳолатлар учраб турадику-ку. Шоир ҳаёти янада ўзгача, мустасно эмасми? Рауф, афтидан, биринчи севгининг фожеий қисмати, бунинг оқибатида қаҳрамонни қуршаб олган ёлғиўлик кайфиятини бутун драматизми билан ифодалашга интилади (ҳаётда юз бериши табиий бўлган бундай оғир-танг ҳолларда кўз юмиш мумкинми? Беихтиёр А. Ориповнинг “Икки сония” шеъридаги сатрлар эсга тушади: “Уйдан боши эгик чикдими одам, Ўша кун тор унга буткул коинот”). шу ўринда иқтидорли танқидчи Н. Худойбергановнинг Н. Шукуровга эътироз билдира туриб, масаланинг моҳиятига келганда, менингча, янглишганини

айтиб ўтиш керак. Унинг фикрича, Р. Парфининг баъзи ҳазин оҳангдаги шеърларида шоир кайфияти эмас, қаҳрамон кайфияти акс этади. Ҳалбуки, лирикада ижодкор шахси билан қаҳрамон дунёсини ажратиб бўлмайди. Сўнгра, шоир бевосита ёки билвосита кечирган ҳолат билан унинг бадиий-образли ифодаси ўртасида бутун бир ижодий жараён бор. Менингча, Рауфнинг камчилиги ҳам шундаки, у шахсан (эҳтимол, тенгдошларидан бири) кечирганини - айрим кишининг аҳвол-руҳиясини умумлашма даражасига кўтармагани ҳолда, моҳият эътибори билан универсал характердаги лирик қаҳрамон кечинмалари ўрнида тақдим этади (афсуски, Н. Худойберганов мунозара предметининг энг муҳим ва нозик томонига - шоир нималар ҳақида ёзгану, танқидчи (Н. Шукуров - Б. А.) уни қандай талқин қилаётибди - деярлик тақалмай ўтади).

Мен кескин драматик, ҳатто трагик ҳолатларни акс эттириш социалистик реализм санъатининг ижтимоий оптимизм меъёрига ҳалал етказмаслиги лозимлигини таъкидлаганим ҳолда, ҳар қалай, ижодкор шахсиятидек мураккаб бир дунёга профессионал назар, эҳтиёткорлик билан ёндашиш, хусусан, шоир қалбининг нозик, сирли садоларини мумкин қадар уқиб олишга интилиш йўлини мақбул деб билар эдим. Шоир зоти билан фақат шундай муносабат - бир-бировини ўзаро тушуниш йўли орқалигина лирикада маълум эстетик меъёр белгилаш, баъзан зарурат туғилса, унга “мадад” кўрсатиш мумкин... Профессор Н. Шукуров “Шоир - халқининг дили ва тили” мақоласида келтирган ва атайлаб, зўр бериб писанда қилиб ўтган, лекин аслида руҳий изтиробларнинг ҳазинлиги (масалан, “Бир лаҳза достони”да) шундоғам кўриниб турибди. Зеро, ўзининг орқа тарафи бўлмаган медаль, “ўз нури билан баробар сояси ҳам, алангаси билан баробар тутуни ҳам бўлмаган талант борми?” (Гюго). Бироқ ўша кўчирилган мисралар устидан бирёқлама ҳукм чиқариш ўзи, умуман, инсоннинг шахсий-интим кечинмаларига нисбатан лоқайдлик, ҳиссизлик бўлур эди. Қолаверса, Р. Парфининг поэтик характери тақозоси билан оғир-ўйчан ёзилган, бироқ ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, образларининг драматизми билан ажралиб турган бошқа мисралар ва бошқа шеърлар четлаб ўтилишини қандай тушуниш керак? Гап шундаки, мақоланинг руҳи, ундаги танқиднинг асосий йўналиши Рауф шеърларини бирёқлама баҳолаш, ҳатто маълум нуқсонни ошириб кўрсатиш билан белгиланмайди. Мени тажрибали олимнинг аллақандай гумонли, нодўстона оҳангда, аччиқ истехзо билан сўзлаш усули, гўё шоирнинг ижодий “йўналиши”дан қандайдир шубҳага бориш, ниманидир ҳадиксирашдек ғалати тамойили таажжубга солди. Мақолада, масалан, “Дўстим, дилда не бор сўзлайман сенга...” (“Бағишлов”) шеърининг баъзи мисраларидаги маҳзунлик оширибгина эмас, умуман, асар ғояси қўпол равишда бузиб талқин қилинади. Ҳолбуки, бу шеърда А. Ориповнинг ажойиб

манзумаси - “Ўйларим” билан мавзу, ғоя, ҳатто образларда ҳамоҳанглик бор.
Чунончи, Абдуллада:

Юрагимга бир маҳаллар кирган туйғулар
Энди сендан кетгаймиз деб сўрайди жавоб,
Мени бир зум ҳол-жонимга қўймайди улар,
Қўймадилар, ваъдаларинг чиқди деб сароб...

Рауфда:

Тахайюл майига термуламан жим...
Унда ичилмаган **менинг ёшлигим**,
Хаёл гирдобиди чўмилиб ётар.
Унда юз кўрсатар яшнаган сароб...

Шубҳа йўқки, ҳар икки шоир ўз истеъдоди ва иқтидори даражасида, оламга ўзича қараши, ўз овози билан **болалик ва ёшликнинг** рўё, сароб бўлиб чиққан маъсум хаёлларини алам ва изтироб билан қаламга олади. Н. Шукуров эса кутилмаган тарзда Рауфнинг юқоридаги мисраларидан ғоявий ногиронлик, аллақандай “замини, сабаби ноаниқ, мавҳум”, бир тамойил кидиради ва **ёшликка қарата** айтилган видо сўзларини гўё “**ҳаётга**” **қарши** сўзлар деб ҳисоблаб, тамоман бузиб талқин қилади: “Бу шеърдаги лирик қаҳрамон ҳаётга эмас, “тахайюл майига” термулади, хаёл гирдобиди “яшнаган сароб”ни кўради. Ваҳолангки, шоирнинг қаҳрамони хаёл майида “яшнаган сароб” бўлиб жилва қилган, унинг “гирдобиди чўмилиб ётган... **менинг ичилмаган ёшлигим**” ушалмаган орзу-ўйларимдир, дея очик-ошкор айтади, бизга ишониб ўз дардини изҳор қилади, танқидчи эса қаҳрамоннинг туғёнли руҳий ҳолатини озгина бўлсин тушуниш, ҳис этиш ўрнига, унга беҳудадан-беҳуда таъна тоши отади. Н. Шукуров “таҳлил”ни юқоридагидек оҳангда ривожлантира бориб, шоирнинг ўша болалик, ёшлик хаёлларига таянч нуқта сифатида хизмат қилган, олимнинг ажабтовур даъвосини рад этувчи қуйидаги мисраларни, эҳтимол, атайлаб четлаб ўтади:

Аста варақлайман ўтган кунларни
Гўзал китобимдир қадаҳ лолагун.
Келар болаликнинг азиз унлари,
Азиз жўраларим, қандайсиз бугун?..

Қарангки, сира такрорланмас, қайта топиб бўлмас “**болаликнинг азиз унлари**”ни, ўзининг биринчи “**азиз жўралари**”ни қўмсаб изтироб чекиш ҳаётдан юз ўгириш, деб талқин қилинса! Айниқса, 80-йилларга келиб, танқид

ва мунаққид номига номуносиб бундай тамойилни оқлаб бўладими? Ёки танқидчини аллақандай шубҳага солган нарса - шоир “гўзал китобимдир қадаҳ лолагун” деб таърифлаган “тахайюл майими?” Мен бу силсилани ташбеҳ (ташбеҳи мусалсал)да бирор-бир “ғойиб” маънони сезмадим, аксинча, ёшликнинг мураккаб, исёнкор туйғуларини хаёлдан қайта кечиришдек драматик жараёни “тахайюл майи” тимсолида ифодалаш, бу “мўъжиза шароб”ни “гўзал китобим” деб тасвирлаш Р. Парфининг ўзига хос образлар дунёсини аниқ характерлаб беради. Танқидчи давом этиб шоирнинг энг ҳазин мисраларини келтиради, уларда қаҳрамоннинг болалик ва ёшликни қўмсаб чуқур хаёлга берилгани, “қандайдир изғигани”, ҳатто юлдузлардан илинж излашга бориб етган нажотсиз ҳолати чизилади. Н. Шукуров эса худди шоир энг “қалтис” фикрни айтишини кутиб тургандай, унинг сўзларини илиб олади-да, бундан яна аввалгидай - “ҳаётга” қарши ва узил-кесил ҳукм чиқаради: “Лирик қаҳрамонни реал ҳаётдаги одамлар деярлик чорламайди, унинг хаёлини юлдузлар чорлайди...” Рауф олдиндан кутилган бундай таънага жавоб қилгандай, бошқа бир шеърда ёзган эди:

Юлдузларга иен ҳам қарайман,

Юлдузлар бир самовий хаёл...

Менга керак ердаги ҳаёт.

Қизиғи шундаки, Рауфнинг тенгдоши Абдуллада ҳам шундай контраст характердаги мисралар бор: “Кездим бу ерларда танҳо, шодумон, юлдузларга яқин, кўзлардан йироқ...”, “Сизни (юлдузлар - Б. А.) суронли кунлар қўмсаганман нечалар, Сиз билан танҳоликда сўзлашсам, деб бемалол...”, булар ҳаммаси қайноқ ёшликнинг бўйсунмас туйғулари, зиддиятли хаёллари, айниқса, ёшлик билан тўқнашган “суронли кунлар”нинг аччиқ таассуроти эмасми? Наҳотки улар ғайри-ҳаётий, самовий маъноларни ифодаласа? Мен, аксинча, бундай мисраларда инсон руҳиятининг энг юқори даражаси - драматизми ва трагизмини ҳис этаман; улар, шубҳасиз, ҳаётнинг мураккаблигидан, инсон тақдири, жумладан, муҳаббат қисматининг мураккаблигидан далолат беради. Мана, орадан ўн бир йил ўтгандан кейин яна ёшликка атаб ёзилган шеърнинг бир банди:

Видо табассумли олам, ёшлигим,

Кўзларимда қотган жолам, ёшлигим,

Кўкларга етмаган нолам, ёшлигим,

Сувга чўкиб кетган болам, ёшлигим,

Видо табассумли олам, ёшлигим...

Бу ўша, Рауф қаҳрамонининг бизга таниш ёниқ армонлари! Унинг нидосидан ёшлик тимсолида, ёшликнинг реал имкониятига сиғмас қамрови орқали инсоннинг азалдан тоабод ҳақиқатга, эзгуликка, меҳр-муҳаббатга интиқ табиати, исёнкор руҳияти сезилиб туради. Бу қайноқ ёшлик дунёсини Э. Воҳидов ўзига хос кўтаринки-патетик руҳда, муסיқий-лирик лавҳаларда ифодаласа, А. Орипов уни шиддаткор контраст-полемик образлар орқали умумлаштиради.

Н. Шукуровнинг мақоласида муҳаббат мавзуида 1965 йилда ёзилган “Мана шундоқ кечар кунларим...” шеъри ҳам омонсиз танқид остига олинади. Бунга асосий “сабаб” шуки, шеърда юксак бокира туйғулари оёқости қилинган йигитнинг ўзини йўқотиб, девонавор бир ҳолга тушган, ҳатто дўстлари тарк этган ёлғиз, ғариб кунларини Рауф ўз характери тақозоси билан қабарик ҳолда ифодалайди:

Кўчаларда юргайман сарсон
Адашган ит сингари увол.
Гўё кимса ҳол сўрмас мендан,
Жўраларим сўрамаслар ҳол...

Шоир ўзининг ё тенгқурларидан бирининг шахсий фожиаси - бир умрга **йўқотган муҳаббати** ифодаланган хазин, пурдард мисраларни танқидчи... мана қандай “шарҳлайди” (гўё шоирнинг йўлдан адашганини унинг ўз сўзлари билан “фош этмоқчи” бўлади): “У ўзлигини йўқотганлигидан, шунинг учун кўчаларда адашган ит каби сарсонлигидан надомат чекади...” шоир қаҳрамони - муҳаббат фожиасини тортаётган йигитга мана шу айбнома етмай турган эди!.. Ё бу эл-юртидан, ҳаёт маслагидан ажралган аллақайси аянч бир кимса устидан кулиш бўлса - бундан-хунуги йўқ-ку... Қисқаси, Рауф Парфи юқорида тилга олинган “Бир лаҳза достони”да қаҳрамоннинг оний изтиробли ҳолатини бўрттириб кўрсатиш мақсадида гўё йўл қўйган “хато” (“мен ўзимни йўқотдим бир зум...” - инсон руҳияти бундай “лаҳзалик ситам”лардан холи эмас!) танқидчи фикрларининг таянч нуқтасига айланади-да, “ўзлик” ҳадеб, ўрили-ўринсиз писанда қилинаверади. Ҳолбуки, шоир ўша “Мана шундоқ кечар кунларим” шеърида туйғулар зиддиятининг ҳар икки қутбини аниқ чизиб берган. Мана, иккинчи қутб тасвири:

Ҳамма нарса хурсанд ва кулар,
Бир шодмонлик келади ичдан.
Ҳамма нарса севиниб куйлар
Яралгандек олам севинчдан.

Излаганим ёлғиз муҳаббат,
Саболарга шеърлар куйлайман.
Тоқатимга тилайман тоқат,
Буюк севги, сени ўйлайман...

Мана шундай “олам севинчдан яралгандек” туюлган бир муҳитда **муҳаббатдан, “баъзи дўстлар”**дан кууйган йигит алам ичида маълум вақт мобайнида танҳоликни ортиқ билиб, ғариб хаёлларга борса, бунинг нимаси “мавҳум”, нимаси “гумонли”? Ахир у реал, дунёвий муҳаббатдан қанчалиик ранж-алам кўрмасин, ҳамон хаёлдаги “буюк севгини ўйлаб”, ўз эътиқодига содиқ қоляпти-ку. Профессор Н. Шукуров шунчалар аёвсиз танқидга нишон бўлган шеърдаги ҳаётий зиддиятларнинг бу томонини не боисдан четлаб ўтди экан?

Шоир бахтсиз муҳаббат ҳақидаги ўша шеърини кайфият тақозоси биланми ё қайсидир устоз шоир таъсиридами (эҳтимол, Р. Ҳамзатовга назира-ўхшатма тарзида) куйидаги мисралар билан тугатади:

О, кунларим кўпдир олдинда,
Етиб келар энг сўнгги нафас.
У пайт биров она тилимда
Бошим узра сўзлаб турса бас.

Рауфнинг қандай кайфиятида туғилганидан қатъи назар, гўё кейинги икки “қалтис” сатр танқидчи учун яна бир жиддий дастакка айланади. Н. Шукуров ёзади: “**У Жони узилаётган (!)** пайтда она тилида сўзловчи бирор одам бўлармикан ёки бўлмасмикан деган мавҳум гумонлардан изтироб чекади. Лирик қаҳрамон ҳасратининг асоси “ўзлик”ни йўқотиш хавфи, гумонидан келиб чиқаётгани яққол кўриниб турибди”. Ҳа, шуниси ҳам кўриниб турибдики, танқидчининг биринчи қарашда асослидай туюлган аънаси унинг аввал бедардларча айтган сўзларидан принципда фарқ қилмайди. Ҳолбуки, агар шоир адашган тақдирда ҳам самимий ва эҳтиёткор оҳангда: бу яхши истагингиз, менинг фаҳмимча, шеър мантиқига унчалик мос келмаяпти, деб дўстона тарзда айтиш мумкин эди. Менга қолса, бу ҳақда бошқа ижодкор эмас, балки шоир ёзаётганини (она тилини турли миллий адабиётларга мансуб қанча санъаткор шоирлар улуғламаган!) инобатга олганда, умуман, жиддий эътироз билдирмаса ҳам бўлади. Зеро, Рауф Парфи “Она тилим” шеърида: “Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат Улуғ Алишернинг қутлуғ тилида” дея, айниқса, шеърият, унинг ижодкори учун она тили эътиқод даражасидаги муқаддас тушунча эканини алоҳида таъкидлайдики, бунда халқнинг ўлмаслиги тимсоли, унинг қиёфасини

белгиловчи поэтик даҳолар олдидаги юксак масъулият ва бурчдорлик туйғулари зухур этади...

Хуллас, шоир зоти билан бугунги закий шеърхон ўртасида туришга лойиқ бўлиш учун танқидчининг шеърий диди, профессионал иқтидори, одил ҳакамлиги билан бирга қалб саховати ҳам керак. Том маънодаги шеър, ҳақиқий шеърият устида фикр юритар эканмиз, буни ёддан чиқармаслигимиз лозим.

2. ҲОЗИРГИ ЛИРИКАДА ОБРАЗ-ПОРТРЕТЛАР

Лирик шеърятда поэтик образнинг махсус (ҳали кенг илмий-танқидий муомалага кирмаган) типи мавжуд бўлиб, уни, бизнингча, лирик портрет ёки образ-портрет деб аташга етарли асос бор. Шкбҳасиз, бундай истилоҳ мазкур типга мансуб индивидуал образни унинг бошқа жинсларидан фарқлаш ва мустақил тидқиқ қилиш имконини беради. Образ-портрет ёки лирик портрет кўпинча тарихий шахсларга бағишланган шеърларда (жумладан, лирик хурликномада), автобиографик характердаги миниатюра ва балладаларда, шунингдек, замондошимиз олами - суврати ва сийрати инъикос этган лирик-публицистик ва воқеабанд манзумаларда ўзига хос қирралари билан ажралиб турувчи поэтик фигурадир. Бундай образлар лириканинг бошқа тур кечинма-образларидан бевосита ё билвосита конкрет шахс - лирик персонаж характерини ёки унинг маълум қиррасини (хоҳ лирик кечинма, хоҳ эпик элемент, хоҳ рамзий-мажозий нисбат тарзида) чизиб бериш билан фарқланади.

Образ-портретнинг ҳозирги шеърятда доимий мавзу доирасида янги эстетик ҳодиса сифатида қарор топган ёрқин намунасини, шубҳасиз, лирик хурликнома беради. Масалан, А. Мухтор “Сизга айтар сўзим” шеърида лирик қаҳрамоннинг суҳбати (ҳаёт ва бахтнинг маъноси) орқали чизади:

Бахтимиз шундаки, ҳар кеч,

Сизча тушунамиз бахтни, ҳаётни.

Бизга одамларсиз на ғам, на севинч,

Хурликача бахт билан инсон қанотли.

Бу оддий, самимий мисраларда барча софдил, фидокор замонавий кишиларининг хурликча яшаш ва ишлаш тарзини, ҳамма нарсаси инсон учун деган ҳаётимизнинг хурликча принципига поэтик муносабат билдириш орқали шоир хурлик ғояларини улуғлайди. Лекин қизиғи шундаки, шеърини сатрлар контекстидан хурликнинг халқчил образи, одамларга ғамхўр, камтарин ва дилкаш сиймоси жонланади. Шоирнинг “Хурлик образи” шеърида конкрет тафсиллар ёки унинг характер қирралари тасвир предметиға айланмайди, балки хурлик иши ва ғояларининг қудрати, кўлами, тарихий аҳамияти ҳақидаги ўй-хаёллар бадиий умумлаштирилади, бундан хурликнинг махсус рамзий образи ўз улуғворлиги билан намоён бўлади:

Инсон уни яратолмас
Фақатгина музаларнинг сеҳри билан.
Гавдаланар улуғ образ
Тарих қўли, халқ даҳоси, меҳри билан.
Балки ҳар бир баҳор эли
Битта рангдир унинг ҳислар дунёсида,
Берлингача олов йўли
Битта нурдир унинг кундай сиймосида.
Саодатли алангали
Умрларимиз шу образга сайқал бўлар.

Даҳо номига муносиб ғоявий-маънавий заминга қурилган, бадиий жиҳатдан санъаткорона тарашланган умумлашма характердаги бу мисраларда, даставвал, бир неча мустақил рамзий-мажозий, фалсафий-лирик образлар берилади: “тарих қўли, халқ даҳоси, меҳри билан”, “ҳар бир баҳор эли”, “Берлингача олов йўли”, “Энг мукаммал ҳайкал бўлар” буларнинг ҳар бири ягона ва улуғвор лирик портрет учун зарур чизги - образ-деталларга айланади, бу ташбеҳларнинг тадрижий-мантикий мутаносиблигидан ҳурлик сиймоси ва ғояларининг мужассам поэтик тимсоли, ўзига хос ва такрорланмас “ҳурлик образи” яратилади.

А. Мухтор “1970 йил 21 апрелда ёзилган шеър”ида ҳам юқоридагидай поэтик умумлашмалар усулидан фойдаланади. Шоир мушоҳадаси бу гал янги бадиий қўлам ва масштаб касб этади.

...У эса довулдан топиб жасорат
Қонунларни жиловлаб олди.
Жаҳон тақдирдан бериб башорат,
Тарихни адолат йўлига солди.
У бирдан кўтарди минг йиллик юкни
Минг йилларни яшаб улгурди.
Кейин замонни ҳам, ҳатто мангуликни
Ўз мазмуни билан тўлдирди.

Шоир ҳурликнинг инқилобий курашларда том маънода буюклик ва теранлик касб этган ҳаёт йўлига, унинг суронли манзилларига ҳар бир

мисрада оригинал фалсафий хулоса ясайди: “довулдан топиб жасорат” (Лермонтовнинг машҳур “Бўронларда бордек ҳаловат” образидан ижодий фойдаланган ҳолда), “қонунларни жиловлаб олди”, “жаҳон тақдиридан бериб башорат, тарихни адолат йўлига солди”, “у бирдан кўтарди минг йиллик юкни, минг йилларни яшаб улгурди” каби ҳар бири ўзгача пурвиқор ижтимоий-фалсафий маъно ташиган лирик умумлашмалар силсиласидан ҳурликнинг ўзгача шеърий тимсоли, бетакрор образ-портрети яратилади.

Шайхзода башарият доҳийсининг лирик портрети устидаги давомли изланишлар жараёнида ўзининг поэтик тафаккурига хос кутилмаган ташбеҳ ва тафсилларга мурожаат қилади. Масалан, “Салом!” шеърида ҳурликнинг номи ва иши қачон, қаерда бўлмасин, ҳақиқат ва адолатнинг беназир ҳаками сифатида талқин қилинади:

Ҳақсизликка йўл қўймадинг, емирдинг

ва тикланди ҳурликнинг удуми.

Ғаразғўйлик қалъасини ўпирдинг

Ҳар даврий - офтобнинг ходими.

Адолат нафасидан тирилди эзгу номлар...

...Ҳадсиз йўллар учида,

Коинотнинг ичида -

Порлаётган қуёшдир муҳаққақ.

Инсоният тарихининг кўз илғамас авжида

Ҳурликнинг иши ҳақ!...

Шайхзода қаламидан сайқал топган бу оригинал мисраларда зоҳиран ҳурлик ҳаётига, характериға оид чизиқлар яққол кўзга ташланиб турмаса-да, моҳият эътибори билан, бутун шеър контексти ва айрим мисралар подтекстидан ҳурликнинг мислсиз адолатпаноҳ сиймоси, унинг, айниқса “дарёдай музлаган йиллар” (А. Мухтор)да “ҳақсизлик”, “ғаразғўйлик” касридан зада бўлганларға нисбатан қуёшдек ҳаётбахш ва нажоткор образи жонланади. Гениал йўлбошчининг лирик портрети “ҳурликнинг умриға қўшилди бир йил” шеърида янги поэтик мушоҳада самаралари - фалсафий умумлашмалар билан тўлдирилади.

Ҳурликнинг умриға қўшилди бир йил...

Бу - яъни дунёнинг ва кишиликнинг,

Ёруғнинг, инсофнинг ва яхшиликнинг

Эзгу истаклари ўлмайди демак.

Бу -зулму жабрнинг ҳам ваҳшийликнинг

Мухлати бир йилга камайди демак...

Хурликнинг умрига қўшилди бир йил...

Бир йилга яшарди бу қадим башар.

Фақат Шайхзоданинг поэтик тафаккури инкишоф эта оладиган бу фалсафий-лирик лавҳалар хурлик портретини бевосита - конкрет деталлар билан эмас, балки билвосита - “дунёнинг ва кишиликнинг” ўлмас ғоялари, эзгу умидлари воситасида чизади. Чиндан ҳам хурликнинг барҳаёт сиймоси, аввало, бизнинг турмуш тарзимиздан, ўй ва амалимиздан, қолаверса, ҳақиқат ва социал адолат тантанаси учун курашаётган бутун башариятнинг идеаллари дунёсидан жой олиб, ўзига хос рамзий маъно касб этгандир. Бу фавқулодда символика хурликнинг образ-портрети учун қанчалик уйғун ва мутаносиб: “хурликнинг умрига бир йил қўшилиши” барча “эзгу истакларнинг ўлмаслиги” рамзи, бутун ёмонлик, ёвузликнинг “муҳлати бир йилга камайиши” рамзи, ниҳоят, бу “қадим башарнинг бир йилга яшариши” тимсоли эканлиги китобхонда чуқур маънавий-эстетик қониқиш ҳиссини уйғотмайдими? Бу шоирнинг хурлик образини яратишдек қутлуғ мавзуда чинакам ижодий самарага эришганини кўрсатади.

Рауф Парфи “Хурлик мақбарасига гулчамбар” шеърида ўз қаҳрамонини “замҳарир қор” бўралаб ёғиб турган кунда “муқтадир даҳо” зиёратига бораётган сўнгги кўринмас “дунёвий издиҳом” иштирокчилари қаторида тасвирлайди. Шоир бу сукутли манзаранинг руҳини, моҳиятини ифодалашга алоҳида аҳамият беради: “Унинг мотамида бўлганман гўё, Кўксимда йиғлайди қадимий йиғи. Ўйларимни мен қорларга қораман. хурликнинг қошига бўзлаб бораман”. Рауф қаҳрамонининг тасаввурида хурликдек буюк ҳақпараст ва покдомон зотнинг вафоти инсоният тарихи учун ҳамиша бемаҳал бўлиб қолаверади, бу мотам асло эскирмайди: “Уни елкасида олиб ўтади Тафаккур дунёси мақбара томон”. айниқса, бу муборак манзилда “қор ипи”дай чексиз хаёлларга чўмиш теран маънога эга.

Бу ердан ҳақиқат овози келур...

Бу ер - муқаддаслик тимсоли эрур,

Қалбим мақбарида олиб юрармен.

Бу ердан ўтадир имон излари...

Абаднинг кўксига юмиб кўзларни

У дунё ҳақида суради хаёл.

Бунда у кўзларни тингламоқ керак,

Покланмоғи керак ҳар қандай юрак.

хурлик мақбараси фақат буюк инсон хотираси учун азиз манзилгоҳ бўлиб қололмайди. Зотан, хурликнинг реал ҳаёт йўли, “курашчан ҳаёли” башарият тақдири билан шунчалар чуқур боғланганки, чиндан ҳам, у “барча тириклардан тирикрокдир” (Маяковский). шу маънода, масалан, “Адибнинг кўксида юмиб кўзларин У дунё ҳақида суради ҳаёл” образи қанчалик шартли-рамзий маъно англатса, шунчалик бадиий мантиқ кучига эга. Демак, “муқаддаслик тимсоли” бўлмиш мақбарадан... “ҳақиқат овози келиши” ҳам, “имон излари ўтиши” ҳам ажабланарли ҳол эмас. Айниқса, “бунда... ҳар қандай юракнинг покланмоғи керак” деган поэтик жумла-образда катта маънавий-бадиий ҳақиқат мужассамланган. Шу тарзда, ҳар бири поэтик конкретлик ва индивидуаллик касб этган “ҳақиқат”, “муқаддаслик”, “имон”, “покланмоқ” сўзлари хурликнинг образ-портрети учун ёрқин рамзий қирра-чизгиларга айланади. Бу Рауф Парфининг юксак маҳоратидан далолат беради.

Лирик портретда буюк ва машҳур шоирлар, адиблар, давлат ва маданият арбоблари, саркардалар, қаҳрамонлар, қолаверса, оддий замондош ҳаёти, тақдири, жасорати бадиий ифода этилади. Бунда тарихий фактлар ва хужжатли материалга шоирнинг индивидуал-ижодий муносабати, нуқтаи назари, тажрибаси, маҳорати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Масалан, Навоий ё Пушкинга бағишланган шеърларда уларнинг шеърӣй даҳоси учун характерли сатрлар, биографик фактлар умуман асос қилиб олинса ҳам ҳар гал ҳар бир шоир дунёси янгидай кашф этилади. Маълумки, улуғ шоир ва адиблар дунёси ўзида ижодкор шахси билан коллектив даҳони, ҳалқ ва Ватан тақдирини, кенг маънода башарият тақдирини мужассамлантирган бўлади. Шунинг учун бўлса керак, доҳӣй ижодкорларга бағишланган шеърларда фавқулудда фикрий теранлик, мушоҳада ва муҳокама кўламдорлиги кўзга ташланиб туради, улардаги образ-портрет кўпқиррали-полисемик характер касб этади. Масалан, А. Ориповнинг “Алишер” шеърдаги:

Байтингга бир бора қовушган ҳар лаб,

Такрорлаб кетгуси машҳаргача то.

Қаратиб турибсан бу ён, не ажаб,

Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто,-

каби фикр-ҳаёл миқёси кенг, умумлашма мисралар улуғ шоир биографиясини бирон-бир конкрет тафсили билан боғланмаса-да, моҳият эътибори билан Навоий шеърӣй даҳосининг илоҳӣй қудратини ғоят аниқ ифодалагани учун лирик портретни ҳаёлий-романтик (“такрорлаб кетгуси

махшаргача то”) ва реалистик (“қаратиб турибсан бу ён... миллиард мартабали жаҳонни хатто”) қирраларда кўрсатишга хизмат қилади. Китобхон, шубҳасиз, бундай салмоқдор мисраларнинг ички маъносидан гениал шоирнинг лирик портретни ўзича тасаввур эта олади. Умуман, А.Орипов шеърляти чуқур подтекстга, кўпқиррали-полисемик маъноларга эга бўлган образлари, шу жумладан, образ-портретлари билан ажралиб туради. Унинг “Аллома”, “Алишер”, “Бағишлов”, “Маяковскийга”, “Некрасов ҳасрати”, “Ҳамза монологи”, “Генерал”, “Отелло”, “Алвидо, устоз!”, “Ҳамид Олимжон хотирасига”, “Карвон” каби шеърларида Беруний, Навоий, Некрасов, Горький, Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Миртемир, Собир Раҳимов, Аброр Ҳидоятлов образлари - ўзига хос, бетакрор лирик портретлари яратилади. Уларда баъзан бевосита аниқ, характерли фактлар бадиий ўзлаштирилса, баъзан аниқ, характерли фактлар бадиий ўзлаштирилса, баъзан билвосита - шоирнинг ўша азиз сиймолар ҳақида ўй-хаёллари умумлаштирилади.

Бу шеърларнинг аксариятида мазмун ва мантиқ тақозоси билан лирик портретнинг ҳазин-фожеъ характердаги чизгиларни кузатамиз. Масалан, “Отелло”даги: “...Шунда сен келасан кўзингни ёшлаб: - Қайда ишқ, қайда рашқ, қайдадир улар?! Шу шўрлик заминни кетмангиз ташлаб муқаддас туйғулар, олий туйғулар...” ёки “Алвидо, устоз”даги: “Сарбоним, не учун кўтармайсан бош... Ажал, сен найзангни санчдингни чиндан ўзбек шеърлятин паҳлавонига...Ёруғ бу оламда бормикан ахир Шоир вафотидан ортиқроқ мотам!” каби чуқур трагик сатрлар нафақат буюк актёр ва буюк шоирнинг ларзакор хотираси - унутилмас образини гавдалантиради, балки ҳаётни, эзгуликни, покиза туйғуларни қадрлашга, эъзоз қилишга даъват этади...

Рауф Парфининг “Усмон Носир” шеърляда лирик портретнинг янада ўзгача фожеъ қирраларини кузатамиз.

Шеърлят, йўлларида сенинг

Эҳ, кимлар зору зор кезмаган.

Эҳ, кимлар чок қилиб кўксини ,

Қалбини ғижимлаб, эзмаган...

Ён, шеърлят, тутунга айлан,

Ўз шеърини ул ўзи билан

Ёндиргани рост бўлса агар!

Буюк курашлар йўлида, асосан, субъектив сабаблар билан, қолаверса, машъум ғаразгўйлик ва ҳасад туфайли йўл қўйилган тузатилмас хатолар,

кечирилмас гуноҳлар касрига “яланғоч виждон” азобларини тортиш наинки шоир қаҳрамониға, шу билан бирга ҳақиқий шеърятнинг ҳар бир шайдосига дахлдор туйғудир. Шу маънода, мазкур шеър қаҳрамони - фидойи шоирнинг образ-портрети, аввало, фожеъ ҳаққонийлиги билан ажралиб туради, қолаверса, чинакам шеърят, қайтарилмас истеъдод тақдири халқ, унинг умуммаданияти учун, кенг маънода башарият ва тарих учун не чоғлик азизлиги ҳақида баралла, қалб ҳайқириғи билан сўзлаш ғоятда ибратли авлодлар учун сабоқ бўларлидир...

Р.Парфи “Нозимнинг садоси”, “Ойбек хотирасига”, “Верлен”, “Бетховен”, “Байроннинг сўнгги сафари”, “Александр Ульянов”, “Тавфик Фикрат китобига ёзув”, “Егише Чаренц хотирасига”, “Николай Рубцов хотирасига”, “Пабло Неруда ўлимига”, “Виктор Харанинг сўнгги кўшиғи” шеърларида башариятнинг барҳаёт сиймолари хотирасини асосан оригинал тимсоллар тилида, фақат рауфона рамзий образлар (масалан: “Виктор Харанинг кўзлари ўнгида Унинг ўн фарзандини ўн дилбандини Унинг сарбаст-сарбаст кўшиқларига “Доим жўровоз”...Бармоқларини сўйди жаллодлар”) орқали гавдалантиради. Чунончи, шоир “”Ван Гог” шеърида буюк рассомнинг яна ўзгача образ-портретини чизар экан, гўё тасвирий санъат воситаларини сўз оламиға кўчиради.

Буюк севги рангин излаб юарди...

Ёзар мовийликка рангни қасида.

Бироқ хайрат ичра қалқар юраги

Яхшилик, ёмонлик чегарасида...

Бунча ғариб, разиллар кўп дунёда?!

Уни англамади кибор оломон...

Билмоқчи бўлди у, бу қандай замон?

Юрагин рангини кўрмоқчи бўлди...

Поэтик мушоҳада тиниқлиги, айниқса, ижодкор-мусаввир дунёсига монанд ва ҳамжинс ифода изланишлари бетакрор образларни “буюк севги ранги...”, “мовийликка рангин қасида”, “юрагин ранги...” туғдиради. Лекин шеър қаҳрамони - гениал санъаткорнинг ҳар қандай ғубордан, таҳқир ва иштибоҳлардан холи бўлган бокира қалби ҳаётнинг азалий зиддиятлари (“яхшилик, ёмонлик чегарасида”), давр фожеалари (“...бу қандай замон”) билан тўқнашади. Аввал бошда гўзал хаёллар оғушида, фақат илҳомнинг илоҳий қанотида ҳаволанган бениҳоя нозиктаъб мусаввир “уни англамаган... оломон” - маънавий сўқирлар муҳитидан изтиробға тушиб, қаттиқ нафратлана бошлайди (“Бунча ғариб, разиллар кўп дунёда?”), оқибат шунга

олиб борадики, қаҳрамон ундан бош олиб кетишга рози бўлади (Юрагин рангини кўрмоқчи бўлди...). Шу тариқа улуғ мусаввирнинг асосан ранглар символикаси, қисман турму тафсиллари билан йўғрилган портрет чизгилари фожеъ характердаги нисбат - “юррак ранги” воситасида ниҳоясига етказилади. Бу лирик портрет яратишдаги индивидуал поэтик усул бўлиб, шубҳасиз, Рауфнинг юксак сўз маҳоратидан далолат беради.

Образ-портрет фақат бағишлов характеридаги манзумалардагина эмас, балки бошқа мавзудаги шеърларда ва қасидалар таркибида ҳам берилиши мумкин. Масалан, А.Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидасида Беруний, Улуғбек, Навоий, Ҳамза, Ҳабиб Абдулла, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ҳафур Ҳулом, Собир Раҳимовлар шаънига битилган мухтасар, лекин ёрқин шеърӣй портретини характерловчи образ-тимсолларга айланади: “Беш асрким назмӣй саройни титратади занжирбанд бир шеър. Темур тӣғи етмаган жойни қалам билан олди Алишер...”, “Балки устоз Ойбекдек тўлиб ёзажаксан янги бир дoston, балки Ҳабиб Абдулла бўлиб саҳроларда очажаксан кон...” Қолаверса, бундай шоҳ сатрларнинг маъно салмоғи, бадий умумлашма кучи шундаки, улар бир вақтда ҳам улуғ зотларнинг шеърӣй портретини чизади, ҳам халқнинг бадий умумлашма кучи шундаки, улар бир вақтда ҳам улуғ зотларнинг шеърӣй портретини чизади, ҳам халқнинг бадий тафаккур кудратини, унинг яратувчи, дунёни ўзгартирувчи даҳосини аниқ гавдалантиришга хизмат қилади. Абдулла Ориповнинг “Баҳор ” манзумасидаги “”Ўн ойким сўнмишдир у таниш наъра...О суру куйчиси, донгдор замондош...Қандай чексиз эди руҳӣй поёнинг!” каби катта истеъдод муҳри аён кўриниб турган мисралардан Ғафур Ғуломнинг тирик сиймосини тасаввур қиламиз, улар ўша таниш наъра, донгдор замондош образларини тиклашда характерли тафсил ё ташбеҳ сифатида хизмат қилади. Мазкур шеърдаги: “Балхдан ҳориб келган Алишер мисол энди тўлғазганди чўккан давотин..Кетди пок бир сиймо, теран бир хаёл...Бақою бебақо аён буюклик ўтди сўнгги дамда бош эгиб куйи...” сингари баланд этиқод билан битилган ўйчан сатрлар Мақсуд Шайхзоданинг лирик портрети учун зарур, умумлашма характеридаги “эстетик элемент”- образ-тимсол, образ-деталга айланади. Баъзан маълум бағишлов шеърдаги асосий образ-портретдан ташқари билвосита берилган ёндош лирик портрет ёки унинг характерли чизгилари бўлиши мумкин. Масалан, Миртемирнинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган “Шоир қабрида” марсиясида асосий образни нисбатлаб, тўлдириб келган бандлар қаторида Ғафур Ғулом шаънига битилган шундай мисралар бор: “Ўлбарсдай ўкириб келади яёв, ўзингдай билағон, ҳақғўй, дилчўғли, ўзингдай дилкашу довқалб, беаёв, Ғулом оқсоқолнинг ўтнафас ўғли...” Ғафур Ғулом шахсини, шеърӣят оламини мухтасар, лекин аниқ ифода этган бу сатрлар унинг ёрқин лирик портретини

гавдалантиради. А. Ориповнинг “хурлик” манзумасида Улуғбек, Эзоп, Искандарларга бағишланган мисралар ҳам шундай характердадир.

Лирик портретнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг кўпинча аниқ прообразга эга бўлишидир. Лекин ижод жараёнида муайян фактнинг хужжатли аниқлиги, қай даражада муҳимлиги ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Асосий масала ўша фактнинг бадиий ўзлаштирилишида, образ-портретнинг характерли унсурига айланишида, китобхонда ҳис-ҳаяжон уйғотишида. Шу маънода ҳоҳ тарихий шахс портрети, ҳоҳ шоирнинг автопортрети ишланган шеърда бўлсин- турли лирик образларда шоир шахсига хос аломатлар билан замондош ўйлар, кечинмалари акс этган жиҳатлар ўзаро қўшилган бўлади.

Шоир бирор тарихий шахснинг портретини яратиш жараёнида таассурот предмети- муайян ҳаётий материални “ўзлаштириш”, неча бор қайта ишлашдан ташқари ҳаёл ва фантазиясидан, қалб хотиротидан, зарур бўлиб қолса, шахсият- ўзлигидан, гражданлик ва ижодкорлик биографиясидан ниманидир қўшади. Шунинг учун ҳам энг ёрқин шеърлар, образлар шоирнинг ижодий тақдирига ёки унинг узвий бўлагига айланиши мумкин. Бу даъвонинг ёрқин далили сифатида Зулфиянинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган шеърларини, уларда чизилган ўзига хос лирик портретларни кўрсатса бўлади. Уларда, бир томондан, “қўшиғи мавжланиб бир дарё оққан?”- “ўрик гулларининг мафтуни” бўлган шоирнинг фақат “ўз-ўзига ўхшайдиган” (Светлов) бетакрор образи, қалби ҳаёт, баҳор илҳомлари билан тўла, “дарё каби уйғоқ” сиймоси Зулфияга хос ёниқ ва тиниқ рангларда сувратланса, иккинчи томондан, ҳассос шоиранинг бизга кўпдан азиз бўлиб қолган ўйчан, бениҳоя саботли, фидойи қиёфаси- ўзига хос лирик автопортрети яратилади: “Қалбда кўрғошиндай ётиб ҳасратим, кўзларим жаҳонга бахтиёр боқар , “Эриб кетмагандим севгингдан бўлмасликчун бахтингдан жудо, бирга қолиш учун сен билан куяману бўлмайман адо”, “Мана бир умрни яшадим сенси, қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб...”, “Мени шодлик, бахт бошлаб юрар, мен қалб аталган дардни”, “Тоқатни тишга тишлаб, излаб тонгни топаман, қалбимдаги нурлардан тун зулмати бўлар даф”, “Мен суянган токнинг сирқирар занги, иккимизда бир хил пўлат чидам бор: изтироб меваси, шодликнинг ранги” ва хоказо. Бу шундай мураккаб, кўпқиррали лирик портретки, унда фақат Ҳамид Олимжон ва Зулфия образларига хос чизиқларгина эмас, балки шоир - санъаткор тақдири, яшашнинг маъноси, фожеънинг маъноси, ижод жасорати, фидойилик, вафо, абадият каби ғояларнинг бадиий ифодаси - полисемик образнинг маълум қирраси сифатида уни тўлдириб келади.

Образ-портрет шоирнинг автобиографик характердаги лирик ёки воқеабанд шеърларида, шеърят ҳақидаги программ мазмундаги, ижодхона спецификасига оди ёки, умуман, шоир субъекти билан коллектив даҳо

кўшилиб кетган санъаткор олами ҳақидаги, баъзан “автопортрет” деб номланган миниатюра ва манзумаларда яна ўзгача қирралар билан намоён бўлади. Бундай махсус шеърларда шоир шахси гоҳ оддий китобхонлар - оламни образли тафаккур қилишдан узоқроқ кишилар учун мўъжизакор, сирли бир дунё шаклида, гоҳ кег планда - ҳаёт, давр зиддиятлари ва уларга шоирона муносабат тарзида очилиши мумкин. Умуман, автопортрет типигади лирик образларнинг ўзгачалиги шундаки, уларда, бир томондан, ижодкор табиатига хос яратиш дарди, шавқи, ҳайрати, шоир шахсининг бетакрорлиги, танҳолиги зухур этса, бошқа томондан, унинг ҳаёти, ижодий тақдири замондошлар ташвиши, замон муаммолари билан чамбарчас боғланган ҳолда гавдаланади. Бу чизгилар ижодий индивидуаллиги билан ажралиб турган ҳар бир шоирнинг лирик портретида ўзига хос тарзда ифодаланади. Масалан, А.Мухторнинг “Поэзия” шеърида лирик қаҳрамон, табиий, ижодкор қиёфасида намоён бўлиб, оламга шоирона шавқу ҳайрат, айна соғда жавобгарлик ҳисси билан нигоҳ ташлайди - оддий нарса ва ҳодисаларда ҳам поэзия мўъжизасини кўради. Оламни гўзаллик асосида кашф этиш унга ўзгача тароват, теран маъно, инсоний ҳарорат бағишлайди.

Сени танидиму олам сирга тўлди,
Япроқни китобдай ўқий бошладим.
Қалбимда булбуллар сайрайдиган бўлди,
Ойга қараб туриб кўзим ёшладим.
Дарёда сув эмас, хотиралар оқар,
Дарё кечалари - узоқ ёшлигим.
У соҳилдан ҳижрон бўлиб оқар,
Дарё кечалари - узоқ ёшлигим.
У соҳилдан ҳижрон бўлиб боқар
Илк бўсам, вафосиз чилвир сочлигим...
Сени танидиму қалбда сеҳрли ганж,
Олам гўзаллиги - қалбимнинг мулки.
Одам гўзаллиги - қалбимнинг мулки.

Катта санъаткорнинг самимий иқрори, ажойиб ижодий тақдир ифодаси - фаҳрияси бўлган бу сатрлардан лирик қаҳрамон - бу гал бевосита шоир портретининг уч муҳим қиррасини: “табиий борлиқ -олам гўзаллиги”, руҳий-маънавий дунё - “одам гўзаллиги” ва ниҳоят, ижодкор шахси - субъектив-

индивидуал дунё (моҳиятан у “объект”ни ҳам ўзига сингдирган) бир-бирига мутаносиб ҳолда тажассум қилганини сезиш қийин эмас.

Одатда “Шоир”, “Шеърят” ёки мазмуни, руҳи шунга яқин бошқа бир сарлавҳали махсус шеърларнинг асосий образлари - шоир характери билан лирик қаҳрамон образида маълум умумият бўлади. Ўртадаги фарқ шундаки, лирик қаҳрамон универсал образ сифатида ўзида ҳам шоир дунёсини, ҳам “коллектив даҳо” (Гёте)ни тажассум этади. Айни пайтда “соф” автобиографик ёки специфик (фақат поэзия ҳақидаги) характерга эга бўлган автопортретда ҳам маълум даражада воқелик детали ёки у ҳақидаги ўй-хаёл, кечинма ифодаси - тимсоли иштирок этади. Шунга қарамай, поэзия ҳақиддаги шеърларнинг қаҳрамони шоир шахсига бевосита алоқадор бўлгани учун уни биринчи навбатда образ-портрет сифатида ўрганиш лозим. Масалан, А. Ориповнинг “Шоир”, “Созим”, “Альбомга”, “Уйқу”, “Ўйларим” каби шеърлари, ундаги лирик автопортретлар шундай таассурот қолдиради. Шуниси характерлики, гражданлик ҳисси жўшқин бўлган ҳар бир шоир учун субъектив-интим дунё ҳам, моҳият эътибори билан объективлик - ижтимоий маъно касб этиши мумкин:

Юзлаб шоир ётган қабристон аро
Кўймоқдаман мен ҳам қалбимни...
Юзлаб шоир ётган шу альбом ичра
Мен ҳам қалбим учун қабр қазаман.
Ҳали из тушмаган оппоқ вараққа
Мен ҳам ўз дардимни ёзаман.
Аммо кеча кўрган тушимни эмас,
Даврим сўзин ёзаман, ўртоқ!
Зотан, бугун мен учун
Барча шахсий ишдан кўра шахсийроқ.

Шеърятнинг олижаноб миссияси, катта шоирнинг гражданлик қиёфаси ёрқин ифодаланган бу сатрлардан кўринадики, лирик қаҳрамон образида ижодкор портрети чизиқлари билан илғор замондошнинг характер қирралари қўшилади, улар бир-бирини тўлдиради.

Албатта, ҳар бир истеъдодли шоир автопортретида унинг маънавий-эстетик позициясини белгиловчи, характерига хос чизгилар ажралиб туради. Масалан, Рауф Парфи А. Ориповга бағишланган “Шоир” шеърида ўз характери тақозоси билан шоир портретини ҳозирги воқеликда бўлгани каби ўткир зиддиятли қирраларда, асосан, дардли-нолакор ва исёнкор ноталар

орқали-яратади. Бунинг учун дафъатан санъаткор олдиға фавқулудда талаб-саволлар қўйилади: “Биз кимни шоир деб атаймиз бу кун?.. Кимдир ул, эмак деб куйларми нахот, Сохта эхтирослар чулғарми уни?” Рауф автопортрет чизгилари учун характерли воситалар кидириб, социал адолат ва ҳақиқат учун умумбашарий курашнинг олдинги жабҳаларига назар ташлайди. (“Йўқ!.. Йўқ, яралмади у билан ҳаёт, Ҳали туғилмади шоирнинг куни. Ҳали қайлардадир жанг борар ёвуз, Маъсум гўдакларнинг шаъми ўчмоқда!”) Шоирнинг ғоявий юксаклик туйғуси, ижодий позициясининг аниқлиги кутилган бадиий самарани беради: дадил айтиш мумкинки, ҳозирги катта поэзиямизнинг махнавий баркамол, илҳор курашчи образи - санъаткор-шоир автопортрети яратилади:

Кимдир ул жафокор шу хилқат аро

Ҳамишин тутинган оддий қаламга?

Юзма-юз келгандек гўё ўт ва сув,

Юзма-юз келадир шоир ва замон.

Буюк эътиқоддир бу даҳр аро йўл.

Буюк эътиқоддир муборак илҳом,

Шоир юрагида очилмаган гул,

Шоир юрагида собит интиқом.

Бу шаклан мухтасар бўлса-да, мазмунан теран ва кўламдор мисраларда шоир шахсияти билан коллектив даҳонинг ажойиб синтези - махсус бадиий образи (мазкур шеърда ҳозирги шеъриятимиз ижодкорларининг мужассам тимсоли бўлган қаҳрамон - курашчи шоир портрети) ишланганки, улар, убаҳасиз, Рауфнинг катта поэтик умумлашмалар, кўпқиррали, полисемик образлар яратиш маҳоратидан далолат беради.

Тарихий шахслар ёки ижодкор сиймосигина эмас, умуман, замондошнинг руҳий-маънавий олами акс эттирилган шеърларда ҳам образ-портретнинг оригинал намунасини учратиш мумкин. Масалан, Зулфия онанинг образ-портретини гоҳ бевосита - унинг характер чизиқлари орқали, гоҳ билвосита - ўз қаҳрамонининг она ҳақидаги армонли ўйлари, эзгу хотиралари тарзида яратади. Чунончи, шоира “Мен туғилган кун” шеърда янги инсон - фарзандни дунёга келтириш дақиқаларида она кечирган таърифдан ташқари мушкул ҳолатнинг аниқ манзарасини чизиб беради: “Лабингиз дашт жўягидай қоқ, оғзингизга тикиб сочингиз, танингизга соларлар тўлғоқ... Беш болангиз дарча ортида жонингизни кўриб ўтирган...” Зулфиянинг “Менинг меҳрибон онагинам” манзумасида шундай чуқур ўйчан сатрлар бор:

Эй менинг бир умр бедор зўр дунём.
Бир чоқ ухладингми мириқиб, қониб,
Бир нафас бўлганми бурчларинг унут!
Биламан, мизғисанг ҳаёт бўш қолиб,
Коинотга қайта чўкади сукут...
Кўзимда илоҳий эзгу сукут.

Бундай ғоятда ҳаётий ва айни чоғда ҳаёлий маъно ташиган мисралар фақат оналик дунёсининг бутун қувончлари ва аламларини шахсан кечирган ёки чуқур ҳис етган аёл қалбида - шоира тафаккурида туғилиши мумкин. Айниқса, катта санъаткор тасвирида бу азиз сиймонинг “Илоҳий эзгу сурати” барча оналарнинг фарзандлар хотротидан ўчмас, ҳар қачон ҳар ерда мададкор тимсолига айланади.

А. Ориповнинг турли мавзудаги шеърларида замондошимизнинг мураккаб дунёси, аниқроғи, лирик-драматик портрети чизилади. Гоҳ “ўзи банди бўлган олам устидан ҳоким бўлмоқ”ни ният қилган исёнкор характерли одамлар (“Асримиз одами”), гоҳ, аксинча, чин маънода камтарин, камсуқум, хоксор, “шон-шуҳрат талаган турфа хил ғариб”, шўрлик кимсаларга кулиб боққан, “ар қайда илинж ахтариб юрмаган, қалбида бир дунё гувлаб оққан”, ҳар қандай таъмадан узоқ кишилар (“Номаълум одам”), гоҳ вафонинг тирик тимсоли бўлган, “севгидан етиму умрдан ярим”, “қақраган лаблардаоловли нафас” янглиғ бахт насибаси юлинган покдомон, фидойи сиймолар (“Аёл”), гоҳ ҳиммат ва жасоратда “тенги кам” (Миртемир), “наҳорлаб чиқиб келган”, “манглайи тер билан қотиб, бераҳм оташга тоб берган” бениҳоя заҳматкаш бободехқон (“Саратон”), гоҳ “ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол”, миллион эгатларга эгилган

Қаҳрамон, ватанпарвар халқ (“Ўзбекистонда куз”) ҳар бири ўзининг такрорланмас қиёфаси билан махсус образ-портрет ҳуқуқини олади.

Шайхзода “Билет”, “Асримизга розилик”, каби шеърларида замонамизнинг юксак эътиқодли, мард ва фидойи курашчисидавийрининг лирик портретини чизади. Мана, “Билет”дан характерли сатрлар;

Кураш бизнинг тупроғимиз,
Ёруғ иқбол фазомиз.
Биз ҳаммамиз, ҳаммамиз
Битта улуғ оҳангда куй айтамыз...
Жавобгармиз бу дунёга, инсониятга,

Жавобгармиз биз бу кунга, эртаги кунга.

Ойга, кўкка, китобларга, маданиятга,

Ўрмонларга, уммонларга, тонгга тўлқинга...

Хуллас калом: даврийнинг ҳуқуқи бугун

Тақдирларга кўпроқ масъул бўлмоқлик ҳаққи.

Хусусан, инсон тақдирига, кенг маънода инсоният тақдирига жавобгарлик туйғулари даврийик портрети учун ёрқин ва характерли чизикдир. Шоир лирик қаҳрамон тилидан айтган, ўз шаклига нисбатан кўламдор, ҳар бири чуқур маъно ташиган сўзлар (“жавобгармиз бу дунёга, инсониятга, жавобгармиз биз бу кунга, эртаги кунга. Ойга, кўкка, китобларга, маданиятга...”) даврий замондошнинг бугунги воқеликда, унинг ғоят мураккаб муҳитида эгаллаган юксак мавқеини, олижаноб тарихий миссиясини ҳайратомуз аниқ ва ёрқин очиб берувчи образларга айланади.

Миртемирнинг “Оқсоқол”, “Саҳройи”, “Сажда эмас”, “Амаким”, “Тошбу” каби шеърий новеллаларида ўзининг меҳнат жасорати, ирода ва саботи билан эл-юртда қадр топган кишиларнинг халқчил содда, илиқ сиймоси - эпик элементлар билан йўғрилган махсус турмуш портрети чизилади. Бундай шеърларда конкрет турмуш тафсиллари устунлик қилгани учун, биринчи қарашда лирик портрет истилоҳини қўллаш номавзундай туюлади. Бироқ воқеабанд шеърлардаги эпик элементлар проза асарлардаги, ҳатто дostonдаги эпик тасвирдан тубдан фарқ қилади. Зеро, ҳар қандай шеърда ҳам шоир субъекти, тасвир предметиға унинг индивидуал муносабати сезилиб туради, худди шундай, воқеабанд шеърда лирик қаҳрамон лирик персонажни бевосита бошқаради, аниқроғи, у билан бирга қувониб, бирга изтироб чекади. У маънода шеърий новеллалардаги лирик персонажни образ-портретнинг ўзига хос конкрет-предметли бир кўриниши деб аташ мақбул ва мавзундир. Мана, “Сажда эмас” шеърида, асосан, прежетли-эпик тафсиллардан яратилган лирик портрет:

Кекса қалбда тўлқин... Жовдирар икки кўзи

Бир зум ўрнида тўхтаб, қарор наридан.

Дарров пайқаб олди чол: Бу - ўша, ўзи! Ўзи!

Бу дунёнинг ҳеч ўлмас одамларидан.

...Бошини ерга қадар эгади чол бир нафас,

Юир нималар пичирлар... Юракда болқиш.

Наҳот бу сажда бўлса? Йўқ, асло сажда эмас,

Бу фақат кекса дилда жўш урган олқиш...

Бу имони бутун кекса замондошнинг ўзидай содда, табиий, ҳатто анчайин “бепарвоз” лавҳада инсон, предмет, ҳодиса, манзара тасвири - карақалпоқ чол, унинг хатти-ҳаракатлари (эпик моментлар), ташқи безак - суврат бўлса, унинг руҳий кечинмалари - “кекса дилда жўш урган” чуқур эътиқод, чексиз миннатдорлик ва шукрона туйғулари (лирик элементлар) сийрат - руҳият ифодаси сифатида ўзига хос оригинал образ-портрет яратиш учун хизмат қилади.

Умуман, шеърятда тарихий шахслар, улуғ сиймоларининг лирик образига ёки шоир-ижодкор автопортретига нисбатан замондошнинг лирик портретини яратиш имконияти катта. Чунки автопортретлар ҳам, машҳур шахслар образи ҳам, асосан, муайян зарурат тақозоси билан (турли саналарга, маросимларга муносабат ёки ижодхонага экскурсия тарзида) майдонга келса, инсон-замондошнинг портрети учун деярли ҳар бир янги шеърдан бирор лирик лавҳа-чизги топиш, аксарият ҳолларда муҳим қирралар кашф этиш - бу ижодий стихия даражасидаги ҳодисадир. Шу тарзда замондошнинг лирик портрети бадиий образнинг энг интенсив бир жинси унинг турли кўринишлари орасида муштарак ҳодиса деса бўлади.

СЎЗИ АЛЁР, ҚЎШИҒИ СЕЛ САНЪАТКОР

1. ЁДГОРЛИК, ЭЗГУ ХОТИРОТ ОБРАЗЛАРИ

1945 йили, Ҳамид Олимжон хотираси кунларда: “Қоқиндиқ... Сени жуда соғиндик...” деб ёзган эди Миртемир. Мана, фалак айланиб, унинг ўзи - боқий шеърият чаманзорининг хушилҳом куйчиларидан яна бири мухлисларини “жуда солиштириб” кетди. Том маънодаги халқ шоирининг ўрни жуда йўқланяпти. Миртемирнинг пурмаъно, ёлқинли, мухтасар сўз-образлари, ўтилган йўллар, манзиллар чарчоғи анчайин сезилса-да, ўша ўзбекона оғир-босиқ, кўҳна урғулари, зарблари, лекин ларзакор оҳанглари билан ажралиб турган беназир овози, оҳанграбоси ҳеч кимникига ўхшамайдиган ўша таниш жилмайиши, кўли қулоғида- ҳамсухбатини болаларча шавқу ҳайрат билан тинглаши, камтарин ва шикаста, “жаҳон заҳматкаш ва уринчоқ” табиати- бутун сиймоси билан “жуда соғинтирган” бўлса-да... Начора, бу гал ҳассос шоир билан, халқчил шеърият билан “Ёдгорлик” орқали мулоқотда бўлайлик.

“Ёдгорликдаги шеърлар Миртемирнинг ардоқли мавзулари, севимли туркумларини ўзича тўлдиргандай бўлади: ҳурлик, инқилоб, Ўзбекистон, бободеҳқон, она, барҳаёт жангчи, фидойи аёл образлари, қардошлик, дўстлик, муҳаббат тароналари, болалик, йигитлик хотиралари, табиат лавҳалари, шеър дарди-рағбати - ўша кўнгилга яқин туйғулар, эзгу хаёллар шеър мисраларига, образларига айланади. Китобдаги йирик манзумалар асосан патетик руҳдаги сиёсий-публицистик лирика ёки воқеабанд лирика намуналари бўлса, бошқа шеърлар бевосита куй-оҳангдан йўғрилган қуйма мисралар тарзида, армонли қалб хотиралари тасвири сифатида шаклландир.

Шоир аввалгидай, “Ёдгорлик”да ҳам биринчи шукрона сўзини, фарзандлик туйғуларини она халқига бахшида қилади:

Мен сенга суянгандим,

Мен сен суянгайман.

Сендан сал нари бўлсам,

Ёнгайман - ўртангайман.

Миртемир, камоли имон-этиқод овози бўлган бу сўзларига ҳамиша, ҳаётнинг охирги, бешафқат хасталик билан олиша-олиша рўй-рост амал қилиб яшади. Маълумки, талантнинг кучи, миқёси, парвози турли шоирда турли даражада бўлади. Миртемир бор шеърӣ иқтидорини ижодий ҳалоллик ва заҳматқашлик билан уйғунлаштира олгани учун “кўнгли сел” бўлиб ёзди. Хусусан, ўзбек ҳурликномаси, Қардошлик, Дўстлик, Ўзбекистон, бободехқон каби катта мавзулар шоир такрор-такрор қаламга олган, лекин ҳар гал бетакрор образлар ярата билган “ардоқли мавзу”га айланди.

Миртемирнинг тақдирлашга лойиқ фазилатларидан бири унинг деҳқонча содда самимияти ва ҳақгўйлигидир. У тарих синовларидан ўтган ғояларимизни ҳамиша ёлқинли эҳтирос билан тарғиб этди, кези келганда эътимодли ва фидойи курашчилардай ҳимоя қилди (эсингизда бўлса, шоир “Тавҳар” манзумасида бир олчоқ сотқиннинг куруқ тухматига қанчалик ғазабнок бўлиб, айнаи чоғда ҳудудсиз ғурур ва ифтихор билан, халқимиз номидан жавоб қилган эди!) Ғоявий маслагӣ собит ва бутун бўлган шоир инқилоб йўлимиз равон ва осон ўтилмаганини, эркимиз ва бахтимизни курашларсиз, қурбонларсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигини рўй-рост айтишдан чўчимади. “Ёдгорлик”да ҳам Миртемирнинг қаҳрамони ўзининг ўша характери - очиқ самимияти, тўғри сўзлиги билан ажралиб туради:

Мен ўтган йўл чағирлик,

тошлоқлик бўлган эди,

Азиятлик, чигиллик,

жумбоқлик бўлган эди.

Мен ўтган йўл шиддатлик,

беаёв бўлган эди...

Бу оддий, лекин ҳаётӣ мисралар мазмуни кўп қиррали: уларда бирийўла субъектив ва объектив олам - айрим бир шахс ва халқ тақдири акс этади. Гарчи “мен ўтган йўл” ибораси замирида, биринчи навбатда, Миртемир шахсияти, унинг мураккаб ҳаёт йўли, ижодий қисмати англашилиб турса ҳам, барибир, унда шоир қаҳрамонининг умумлашган фикр-ғояси тажассум қилган, зеро лирик қаҳрамон образи ўзида ижодкор дунёсини ҳам, коллектив даҳони ҳам бирлаштиради. Шоир назари, айниқса, тухмат, ғаразгўйлик, ҳасад каби офатларга қарши қаратилганда, унинг сўзлари момақалдиروقдай шиддатли, яшиндай аёвсиз тус олади, гўё !адолатнинг

нафасидан тирилган эзгу номлар! (Шайхзода) овозидай партиявий
ҳақиқатнинг қудратли акс-садосидай жаранглайди:

Тангрига тухмат қилманг,

Шайтонга тухмат қилманг...

Замонга тухмат қилманг...

Замонга ишонгандим,

Инсонга ишонгандим,

Халқимга ва инсоний

Ҳаққимга ишонгандим...

Яхшики, бу оламда

Ҳурлик бор ва барҳаёт,

Шарманда бўлмай қолмас

На малъун, на ёвуз зот...

Шоирнинг бундай ҳақ сўзларини, кучли мантиқини эндиликда ўзбек
адабий-танқидий фикри ҳам холисанилло баҳолашга қодир, баркамол
даражага етди. Бугунги адабиётимизнинг кучи шунда.

Миртемирона ҳақгўйлик, чунончи ўлкамизнинг жафоли ўтмишини
чизишда, шоирнинг хос топилма-тафсилларида аниқ акс этиб туради. Шоир
“Бахт қўшиғи”да аجدодлар ёзмишини: “Ё подачи бўлурмудим, ё қароқчи, от
ўғриси, ё қиморбоз, ё тиланчи, бободарвеш... ё елкамда ҳўкиз юки,
чорбозорда абжақ ҳаммол, ё ўроқчи, ё бўёқчи, ё улоқчи, ё шувоқчи...
карнайчими, қизикчими, ё қалпоқчи, жўн ямоқчи, ё туякаш, букри кулол, ё
капсанчи, ё ясовул, ёки саёқ чархчи, дастёр, кўкнори, ё беданавоз... косиб,
Қўшчи ё мардикор” каби аввал шу мавзудаги шеърларда учрамаган
ташбеҳлар ё бошқа ранг, бошқа оҳангдаги тафсил-деталлар воситасида
ифодалайди. “Ёрти аср қўшиқларидан...” шеърида “қадим заҳматкаш
халқ”нинг не-не офатларни кечирган даҳоси, драматик ҳодисалар билан тўла
тарихи янада чуқурроқ очилади, шоир яратган контраст нисбатларда фожеъ
ҳолнинг сабаблари янада кўламлироқ, ёрқинроқ намоён бўлади:

Расо эдим,

Нодонларнинг майли билан ёй бўлганман.

Олтин эдим,

Қора тақдир -ққора ботқоқ, лой бўлганман

Оқин эдим,
Чопқинларда вайрон, курғоқ жой бўлганман.
Ёғду эдим,
Сўна-сўна қўрқинч, қора тун бўлдим мен,
Чолғу эдим,
Ёна-ёна жигар-бағри хун бўлдим мен...

Шоир кечмиш мавзуига тез-тез қайтар экан, толону вайрон ўлка образини, чорасиё ва нажотсиз халқ образини шеърдан шеърга томон пурдлард маънолар билан тўлдириб, янги қирралар очиб, тарашлаб боради. Бу, масалан, “Сен борсан” шеърида аён кўринади: “Эл охи осмонга ўрлаб ҳар сахар... номимиз ўчишга оз қолган эди... эвоҳ, асрий тушдан эдик кўп карахт, кирилиб кетишга сал қолганди вақт, бегонадай эдик ўз юртимизда...” Миртемир Қўқон хотираларига бағишланган “Арк” шеърида ҳам бугунги замонга контраст ҳолда ўтмиш лавҳаларини яратар экан, янги ташбеҳ, тутилмаган нисбатлардан фойдаланади: “Бетийиқ базм қурбони - не олмос доналарда... адолат деган сўзнинг маъниси пуч, диёнат деган сўзда қолмаганди қиттак куч... Жаҳолат қоронғулик - бутун эл қуршовдайди, бўғзидан олинарди ҳақ излаган тапа-тақ”.

Шоирнинг шавқу рағбати бугуннинг мужассам образини яратишга амр қилганда сўз тарзи, оҳанги ўзгаради, қаҳрамон туйғулари шеърий фахрия даражасига кўтарилади:

Тарих тўлқинида оқсак, бўйласак,
Гурур чулғаб олар сени ўйласак...
Тиниқ оқар бахтнинг жўшқин сойлари.

Миртемир, айниқса, ўзбек пахтакори номидан сўзлаганда, унинг меҳнат фалсафасидан баҳс очиб, мислсиз ҳимматини қўшиқ қилиб алёр ўқиганда қалб қувончини, қонуний ифтихор туйғуларини еру кўкка сиғдиrolмай қолади:

Ўтган йўлим Довон-Довон мўл ёғду,
Диёримдан кўкка нарвон мўл ёғду.
Хира бўлур оқ тонгларнинг оқлиги,
Ортиб келдим жаҳон-жаҳон мўл ёғду.

Бу чиндан ёғдули, пурмавж мисралар ўз сираси - саноғига нисбатан хийла кенг маъноларга жой бера олади. Биз-ку тўрт мисрагина келтирдик.

Аслида “Пахтакор тилидан...” номли шеър давомида неча ранг, неча оҳангда товланган “ёғду” тимсолида, унинг биридан бири фузун, кўламдор маъно жилolari орқали ўзбек пахтаси, ўзбек пахтакорининг, кенг маънода, Ўзбекистоннинг янги, кўпқиррали образи ишланганини сезиб олиш қийин эмас. Эсингиздадир, Миртемир, айниқса охирги йилларда, хоҳ йил бошида, хоҳ кўкламда, хоҳ саратонда бўлсин, ҳар доим бободехқон билан “сен - пахтанинг шоири, мен - шеърнинг деҳқони” (Шайхзода) дегандай ҳамдамлик, ҳамкорлик қилар, хусусан, кузги умумхалқ айёмларда чин маънодаги халқ шоири “бахти сел, ишқи сел, кўнгли сел” бўлиб шодиёна ўқишни, алр айтишни канда қилмасди.

Миртемир миллий колоритни асосан ўзбек қишлоғи, бободехқон дунёсига хос аломатлар, тафсиллар орқали ифодалагани учун шоир лирикасининг умуминсоний мотивлари ҳам, дафъатан, шу миллий заминдан сув ичади. Китобдаги “Сойдан ўтиб олсак...”, “Қишлоқда қиш”, “Кўк чой”, “Паттининг ҳасратлари”, “Мўнди”, “Тошбу”, “Бу ўша...” каби шеърлар ўзбек деҳқонининг кенг феъллиги, азалий умидлари, ер-сувга, фарзандга, рўзғорга, турмушнинг заҳмат ва фароғатига бўлган муносабатини аниқ ифода қилувчи тафсилларга бой. Уларда “яшил гўша”ларнинг ўзгача файзи, таровати, айрим этник қатламларгача сақланган турмуш тарзи табиий унсурлари билан ўзига тортиб туради:

Бу - ўша меҳнаткаш деҳқон қайлиғи,
Теримчи, пазпнда, бешик, кўзмунчок...
Жами барноларнинг энг чиройлиги,
Кўли гул, укувлик, дилбар, уринчок...
Қалов-қалов кўрпа, намат ва кигиз,
Қизноқлик, чортоқлик, кўли қадоқлик...
Ховли тўла гўдак - ҳар йили эгиз,
Умри шундай гаштлик, ўзи ардоқлик.
Дастурхон ёзуғлик, бор-йўғин тўкар,
Ўлкар тукқанида оҳиста чўкар...

Бу айти қайноқ турмуш прозасидан олиб ишланган, халқчил поэзия намунаси бўлган мисраларда “трактордан тушиб, ҳамир йўғурган”, “кўноқсиз куни кам бўлган”, лекин на “кўли қадоқлиги”ни, на кеч ётиб, эрта туришини ҳеч қачон писанда қилмайдиган, ҳаётни кундалик меҳнат ва ташвишларсиз тасаввур эта олмайдиган “ўша деҳқон қайлиғи”нинг реалистик образи яратилади. Улар халқ турмуши, характери ва аъмолини шоир яқиндан

билишини, дилдан ҳис этиини, билган ва кечирганлари - таассуротларини табиий таровати, санъаткор самимияти билан аниқ ва ёрқин ифодаб беришини кўрсатади.

“Тошбу” шеърида ҳам чинакам шоирона назар, инсон тақдирига чинакам ҳамдарад муносабат туфайли уруш даври воқелигидан олинган характерли прозаизм унсурлари шеър жисмига жон бағишлагандай бўлади:

Ёри жангга жўнарган: “Бўшашма” девди,
Бўшашган пайтда ҳам бўлолдинг тетик...
Эгнингда тўн, оёқда этик,
Жўякларда қолдинг қош крайгунча.
Тер тўкиб кўз тикдинг ўз девқорингга,
Вафо бўлса агар, бўлурда шунча!
Бурмалик кўйлак ҳам нимчаю ғижим
Сирғалар сандиққа тушди. Бардош бу...
Хилватда ёш тўкдинг ёмғирдай сим-сим,
Кейин йиғи ҳам тарк. Бош бўлдинг, Тошбу.

Образларининг ҳаётийлиги билан кучли бўлган бу шеърнинг, айниқса, сўнгги сатрларини хотиржамлик билан ўқиш қийин. “Қорахат, ним қахат чанг сололмаган” бениҳоя оғир кунларда “эркак меҳнатига кўниккан”, жасоратда, бардошда, вафода “тенги кам” бўлган ўзбек аёллари Тошбу тимсолида идеаллаштирилади: “Сени сал хўрлаган сира инсонмас, кўзларингга ғурур ва бахтдан ёш бу... Сенсиз Ўзбекистон - Ўзбекистонмас, сенсиз кенг жаҳон ҳам сира жаҳонмас, Тошбу!” Ва биз бу - ҳам идеал, ҳам реал қаҳрамон образи қаршисида ларзага келамиз. Чиндан ҳам Улуғ Ватан уруши йиллари шароитида замонавий аёли, жумладан, ўзбек аёли кўрсатган жасорат башарий маъно касб этмайдими?

Миртемир шеъриятига хос халқчиллик унинг бой шеърӣ лӯғатидан, тасвир воситаларидан ҳам сезилиб туради. Асли шоир шеърӣида кучли бўлган, жўшқин лиризм билан йўғрилган прозаизмни - характерли турмуш тафсиллари маҳорат билан шеърга киритилишини ҳам халқчиллик аломати деб ҳисоблаш керак. Шоирнинг бой, рангин лексикаси, халқ кўшиқлари билан ҳамоҳанг ўйноқи, ғамзали, кинояли тасвир усули, ҳатто адабий тил меъёрларига унчалик ён бермайдиган баъзи шева элементлари, гоҳида деҳқонча содда, анчайин бепардоз, лекин оригинал ва танчик тафсиллар, ташбеҳлар Миртемирнинг ҳофизаси кенг ижодкор, халқ тилининг заршунос ва заҳматкаш таъмирловчиси, эҳтиёткор ҳазинадори эканидан далолат

беради. Шоирнинг поэтик муқоясалари ҳам халқнинг тарихидай кўхналиги, халқ сўзларидай пурмаъно соддалиги билан жазб этади:

Келгин... Ҳовлим Афросиёб

Ё Ўтрорга ўхшаб қолди -

дейди унинг қаҳрамони “Бир кез” шеърида. Миртемир халқ кўшиқларига хос ҳам оддий, ҳам силсилали ташбеҳлардан ижодий фойдаланади:

Кўзим кўзингга тушди - чакмоқ чакқндай бўлди,

Учқуни дилга тушиб, олов ёққандай бўлди...

Асли классикадан ўтган силсилали ташбеҳ ташбеҳи мусалсал усули халқ поэтикасидаги ўта муболаға - ирғоқ билан мутаносиб келади:

Ёнмасдан иложим йўқ, ўт тушди ширин жонга,

Ўт тушмасайди фақат ногоҳ чексиз жаҳонга.

Муҳими шундаки, шоирнинг кўпчилик ташбеҳлари, лирик лавҳа ва образлари фақат чиройли, оригинал восита бўлмай, нозик ҳис, салмоқли фикр самари сифатида яратилади: “Ўтмиш садосидай узун бир оҳанг... қанот қоқар оҳанг бетоқат, бесабр, талпиниб-талпиниб оқади равон ғуссаларни барбод этувчи оҳанг”, “кўнгилларга ёғар мовий бир зиё”, “кўзларида чакнар қора чакмоқлар...” (“Ҳинду раққосага бағишлаганим”), “Яшиллик салтанат курмиш беғубор, ўпич олгинг келур ҳаёт бетидан, кўкракка уради ёқимтой салқин” (“Ҳандалак”), “Мавж урар кўм-кўк дунё, тупроқ бағирлаб ётур яшил тўлқин - кўкпалак”, “ўйинчилар оқар сув - қалбида доим чакмоқ чакқани рост...” (“Йилбоши орзулари”) ва ҳоказо.

Лирик шеърият, унинг образлари фақат ғойибона кутилмаган ҳолат, лаҳзали кайфият сирли-пинҳоний кечинмалар самараси ёки суронли давр, мўъжизаларга бой воқелик таассуротлари синтезидан, ё бўлмаса шеърий новелла, баллада типидagi воқеабанд сатрлардагина яратилмайди. Унга кўпдан шоир армонига айланган хаёллар, илк бор болалик тасаввурида ўчмас из қолдирган, бора-бора унинг шахсиятига, тақдирига айланган руҳий олам - қалб хотиралари доимий озиқ беради. “Ёдгорлик” лавҳаларига ҳам ана шундай хотиралар битилгани аниқ сезилиб туради. Миртемир айниқса, она ҳақидаги армонли ўйларини шеърдан шеърга олиб ўтади: “Эсимга тушади гўдаклик замон, ўт ўриб, даладан ҳориб келганим. Ҳали олов нафас ва сўлқилдоқ нон, совуқ сувга ташлаб еганим. Онам жилмайганча ўчоқ бошида ҳалим гўжа сузар заранг товоққа...” (“Тоҳи”) “Товоқчада ўртага қўярди онам шўрлик, танглайда лекин ўша сумалак мазаси бор, кўнглимда ҳануз-ҳануз онамнинг азаси бор, мазорини тополмай ҳануз-ҳануз мен ҳалак” (“Сумалак”) “Қайдан билсин не савдолик ёш бошим, она қалби ўхшар ойдин булоққа,

хаёлларда совиб қолар сўк ошим... онагинам ўтин қалар ўчоққа...” (“Онагинам”, 1972).

Шуни айтиш керакки, армонли туйғулар, ҳазин кайфият ёлғиз она хотирасига бағишланган шеърлар учун хос эмас. “Ёдгорлик”даги анчагина шеърларда, анчагина мисраларда зуҳур этган гоҳ аламли, гоҳ туғёнли ноталар шоирнинг кексалик, хасталик йллари таъсири сифатида ҳам туғилган бўлиши мумкин. Бироқ, моҳият эътибори билан олиб қараганда, шеърият ҳеч қачон дардсиз, шоир армонсиз бўлмаган. Бу эркин замон, бахтли тақдир куйчиси учун ҳам эзгу туйғу - асли ҳаёт, унинг доимий зиддиятлари тақозоси. Аксинча бедардлик, беармонлик маҳдуд, худписанд кишиларнинг фалсафасидир. Албатта, шоирнинг дарди, алам-армони, узлатнишин кишининг ғариб нолалари эмас, балки у азалдан ҳаёт маслаги бутун ва собит бўлган халқнинг бўйсунмас, исёнкор туйғулари даражасида бўлмоғи керак. Миртемирнинг “Онагинам”, “Асо”, “Бетоблигимда”, “Ёдгорлик”, “Тушмасин” каби шеърларида турли маънодаги руҳий изтироблар: ё оғир йўқотишлардан мотамсаро нидолар, ё ёшлик, йигитлик чоғларининг армонли хотираларидан ларзага келиб, табиатга, тақдирга қарши исён туйғулари, ё “Дарё каби музлаган йиллар” (А. Мухтор), ёвуз кимсалар етказган битмас жароҳат учун ғазаб, нафрат туйғулари гўё халқ, давр ҳаками чиқарган ҳукмдай уткир мантиқ билан, кучли контраст образларда ифодаланади. Биргина “Бетоблигимда” шеъридаги: “Мажнунтол Тагига ўтқазинг мени, мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим” сатрлари замирида қанча армон, қанча туғён нидолари бор. Эътимол, уларда она хотираси олдидаги фарзанд изтироблари, бахтсиз муҳаббат фожиаси, тақдирнинг баъзан шафқатсиз муносабатидан чекилган озорлар, ҳаётнинг бошқа аччиқ-чучук, иссиқ-совуқлари қолдирган асорат, ниҳоят, шоирнинг ушалмаган ижодий ўйлари, хаёллари - ҳаммаси бирйўла темир қаҳрамонининг бу чуқур, пурдard афғонидан ҳаёт, инсон, унинг тақдири, умр маъноси учун, яхшиликнинг ёмонлик устидан, меҳр-шафқатнинг бедардлик, лоқайдлик устидан тантанаси учун куйиниш, курашга чорлаш овозини эшитса бўлади. Зеро, “мажнунтол йиғиси” трагик образида берилган инсон дарди, армонлари, унинг кадр-киммати муаммоси санъатнинг “абдий мавзу”ларидандир.

ШЕЪРИЯТГА ЎТГАН ҲАЁТ

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир салкам ярим асрлик улкан ижод маҳсулидан саралаб асарлар мажмуасини чоп эттирди. Ўзига хос ва туғма истеъдод соҳиби, элу юрт ошиғи, халқлар дўстлиги ва қардошлигининг ҳассос куйчиси, ҳаёт гўзаллигини, давр ҳақиқатини эътиқод ва ҳақгўйлик билан тараннум этган тўла маънода халқ шоири Миртемир қадимий шеърият мулкига ўз “танбурининг товуши” билан кириб келган ўша ўн олти ёшлик машқларидан то республика вақтли матбуотида куни кеча эълон қилинган янги шеърларигача аввалу охир ҳалол, оташқалб ижодкор бўлиб қолди.

Ҳар бир истеъдодли шоир, дафъатан шеърият стихияси - “соф” лирика билан танилса ҳам, бу ғоят қийин ва олийжаноб мақсад йўлида катта ижодкор мартабасига кўтарилиш учун ватандошлик руҳи - шеърларининг ижтимоий салмоғи, ғоявий мазмундорлиги ҳақида ўйламаслиги мумкин эмас. Миртемир бу ижодий заруратни жуда тез - биринчи қадамлариданоқ англаб етолди. Шоир танбурининг садолари “тебранмас тош юракларда” ҳам бир нашъа уйғотишини истайди, у ўз туйғуларига кўпроқ рамзий-мажозий тус беришга интилади:

Чарх уриб ҳайрат-ла чаманга тушсин

Кўкдан завқ излаган дардли булбул ҳам...

Нозли нигоҳларинг керакмас сенинг,

...Тортган у “оҳ”ларинг чин эмас сенинг.

18 ёшида ўз тенгдошларига қарата: “Кўрқоқларга бахт қаёқда дунёда?.. олиш, қувиш, тўлқиндан ўз!” дея ҳайқиради. Табиий, 1930-1932 йилларда ёзилган “Дарсдан”, “Холиниёзга бағишлаганим”, “Саломнома”, “Сафарбар”, “Бонг” каби шеърларда ўша даврнинг ижодий ўсиш қийинчиликлари кўзга ташланиб туради: ҳаёт ҳақиқати ҳали чинакам поэтик ҳақиқат, бадий умумлашмалар даражасига кўтарилмагани сезилади, айти пайтда бу шеърларда илк беш йилликлар даврининг зарбдор руҳи, ўзига хос

романтикаси, янги ғоя, янги амалларнинг ҳаётбахш қудрати эҳтирос билан тараннум этилганини кўрамиз. Даврнинг ғоявий пафосини ҳам, айна пайтда бадий оживотларини ҳам ўзида акс эттириши жихатидан “Дарсдан” шеъри характерлидир, унда машғулотлардан бирида қўйилган саволга жавобан, сиёсий зийраклик ва ҳозиржавоблик руҳи кўзга ташланади. Шу билан баробар, ўша вақтларда “Юқори унум!” деган даврнинг олти шартини трактор бармоқларила ёза олмасак, “кескин чизикдан тойган бўламиз-ку”, “югурик аср ёрлиғини ўташимиз керак” каби сиёсий шиорларини шарҳлаш, аксари янгиликнинг ташқи аломатларини чизиб кўрсатиш тамойили кучли эди. Лекин шоирнинг 1934-1935 йиллар шеъриятида поэтик умумлашмалар яратиш томон олға силжиш сезила бошлади:

Бу - қир, бу - жар демай,

Бу - кенг, бу - тор демай,

Бу - йўқ, бу - бор демай,

Бу - бўрон, қор демай,

Ерга сурон солаётган

Биз бўлмасак ким?

Шоир ўзи синов йиллари деб таъбирлаган, ўша 1934-1935 йиллар шеъриятида шундай баланд руҳ ва самимият ҳокимки, уларни ўқиб ўзининг шоирлик тақдири учун катта синов деб билган кишининг олижаноб нияти, комил эътиқоди оптимистик кайфият билан ифодаланганига амин бўламиз. Тошкент- Москва йўлида, Москвада, Дмитров ва Пушкинода - иккинчи беш йиллик иншоотларида майдонга келган шеърларда давр нафаси уфуриб туради. Миртемир, хусусан, Москва таассуротларини зўр ҳаяжон билан ифодалайди, реализмнинг улўғвор қурилишидаги иштироки билан ғурурланади. “Яхши қиз”, “Бу кеча”, “Қадах” каби шеърларнинг фавқулудда мажозий образлари китобхонда илиқ таассурот қолдиради. Бу ҳақиқий ижодкорлик салоҳияти - келажакда халқнинг ардоқли қуйчиларидан бири бўлиб етишиш бахти ўз ёзмишида бор бўлган кишида кўринадиган ҳайрли бир аломат эди. Ҳатто ёш шоир кўнглига қаттиқ таъсир этувчи маълум изтиробларини ҳам мардона кечиргани, “ғуссаларга кафан бича олгани”, қаерда, қайси шароитда бўлмасин, ўз таъбининг маҳрам майли - шеърият, нафосат туйғуси билан , давр садосига акс-садо берувчи баравж қўшиқ яратиш орзуси билан яшагани сезилиб туради. Давр ёшларининг ғояси - Ватанга бирон-бир наф етказиш ўйи Миртемирнинг ҳам ҳаёт матлаби эди: у кундузлари қурилиш шиддати билан қуйиб-пишиб яшади, меҳнат, мардлик руҳи кечалари ижод шавқи-рағбатига айланди, бу илҳомбахш ҳолатни шеър мисраларига қўчиришга интилди. Шу тарзда пойтахт ва Волгострой ҳаёти -

ўша даврнинг жарангдор шиорларигина эмас, иш-амаллари, ғалабалари мазмуни, шукуҳи шеърятга ўта бошлади.

Янги муносабатларда, реал воқеликда тез суръатлар билан юз берган ўзгаришлардан қатъи назар, ҳар бир даврнинг кучли ва ёрқин томонлари - мардлиги, курашчанлик, ғоявий юксаклик руҳи, ўзига хос образлари кейинги йилларга мерос бўлиб ўтади. 30-йилларнинг биринчи ярмида яратилган шеърларда умуман ўша давр муҳри аксланиб туришига қарамай, шоирона ёниқ эҳтирос маҳсули бўлган поэтик лавҳаларни ҳаяжонсиз ўқиш қийин.

Шонли Ватан, фармон ёз,

Бўлур кимнинг шубҳаси,

Ки, биз ағдаролмаган

Қоя бормикин?

Ки, биз боғлай олмаган

Дарё бормикин?

Ёшлик кучи, ҳарорати мавжланиб турган бу сатрлар 1934 йил шеърларидан олинганки, улар ўша йиллар поэзияси ҳақидаги бир ёқлама тасаввурлар туманини тарқатиб юборади. Шоирнинг 30-йилларда ёзган шеърларида дастлабки беш йилликлар руҳи, пафоси, хужумкор юриш зарби, янги йўл очиб, янги йўл солиб бурвчиларнинг шиддати, қатъий, инқилобий азми-қарори, ҳатто шовқин-суронлари уқилиб, сезилиб туради. Ташқи дунёга поэтик муносабат ҳам дадил, ошиғич. Ҳар бир сиёсий воқеага бағишланган ёшлик юришлари, митинглар кайфияти шеърларга ўтган. “”Тонг”, “Пойтахт”, “Шаҳар бўсағасида”, “Аскардай” каби кучли эҳтирос билан инқилобий эътиқод билан битилган шеърларда даврнинг баравж, лекин анчайин риторик садолари аксланиши, баъзан яланғоч декларация кўриниб қолишидан қатъи назар, ёшликнинг ҳар қандай ўлчовга сиғмас жасорати, тўсиқларни писанд қилмайдиган кучи, матонати, ҳар қандай худбинлик, худписандликдан холи характери поэтик жозиба билан ифодаланган. Янги дунё кашшофларининг, биринчи бошловчиларнинг характери қизиқ эди: улар нафақат ҳамжиҳат, Ватан манфаатлари билан яшарди, балки инсониятнинг эркин, бахтли истиқболини қандай бўлмасин тезлаштириш, яқинлаштириш ҳақида ўйлардилар. Ўша пайтларда, Ҳамид Олимжон тарих пойгасида ўзиш, кувиш ҳақида ёзган, “Нима бизга Америка?” деган ёшликка хос ўт-оташ билан, дадил ва шиддатли савол ташлаган, Ғафур Ғулом: “Ҳеч қандай бир кўрғон бормикан, бизникилар қўлга олмаган!” дея ҳайқирган бўлса, Миртемирнинг пойтахтга қарата: “Балки эртан куррага пойтахт бўларсан!” - деб хитоб қилиши ажабланарли эмасди.

1936-1940 йилларда яратилган шеърларда мажозий рангдорлик ёки маълум деклативлик ўрнини образлар аниқлиги, тиниқлиги, аввал нишонлари кўринган мазмун ва шакл бир бутунлиги, поэтик умумлашмалар ола бошлади, бу сифатлар ижодий меъёрга айланиб борди. Яъни, шеъриятдаги бундай ўзгаришни бошқа атоқли шоирларда ҳам кузатиш мумкин. Миртемирнинг ўнлаб шеър ва манзумаларида ўша бунёдкор, янги маданий кўтарилиш йилларининг қайноқ нафаси, янгича руҳи, янгича характери ўзининг поэтик ифодасини топганини кўрамиз. Бу асли реализмнинг шеъриятдаги ғалабаси эди. Лирикада воқеликнинг ҳаққоний тасвири - реалистик тасвирнинг кучайиб бориши романтик руҳга ҳалал бермади, аксинча, унга маъно салмоғи, янги мантиқий замин, тўлақонлилик, бадий баркамоллик бағишлади.

Миртемир лирикада образлиликл меъёрини тобора чуқур ҳис эта бошлайди, ўз таассуротларига тутилмаган нисбатлар, шеърий андозалар кидиради, изланади. Чунончи, анъанавий шафақ образига кутилмаганда курашчан мазмун, замонавий жило беришга муваффақ бўлади:

Кўк юзини тутар олов ловва лов.

Гўё қанотини ёяр жаҳонга

Жаҳонни тутгулик қирмизи ялов.

Нималарнинг рамзи бу ол ранг хил-хил...

Узоқ уфқларда не ҳодиса бор -

Дунёдан хабар ол, оловли кўнглил!

Бунда Миртемирнинг дастлабки шеърларига хос мажозийликка тамойил излари сезилиб турса ҳам, шоир ўз мақсадини мумкин қадар конкрет ифодалашга, образлиликл меъёрини аниқ белгилашга интилади, чунончи, лирик образ “лов-лов олов”, “қирмизи ялов” нисбатлари - ташқи белгиларидангина иборат бўлиб қолмаган, балки инсониятнинг ўша пайтдаги аҳволи, эрталикл кунлари тўғрисидаги безовта ўйлар заминига қурилган, тўғрироғи, мажозий тасвир шеърнинг ички мазмунига - дунёнинг ташвишлари ҳақидаги ғояни очишга хизмат қилади.

Миртемир шеъриятининг муҳим хусусияти - унинг халқчиллигида. Халқ характериға, унинг ҳаёти ва аъмолиға, анъаналарига, тилиға хос тафсилларни ўрганиб, ўзлаштириб олиш кифоя қилмайди. Халқчиллик шоирнинг маънавий позициясига, поэтик мушоҳада тарзига айланиши, шеърларнинг мазмуни ва интонацион тасвирий воситаларига сингдирилиши лозим. Халқчиллик шоирнинг маънавий позициясига, поэтик мушоҳада тарзига айланиши, шеърларнинг мазмуни ва интонацион тасвирий

воситаларига сингдирилиши лозим. Халқчил шеъриятнинг характерли хусусиятларидан бири “тархи тоза, беандоза” (Навоий) мусаффолик - мушоҳаданинг табиийлиги ва самимийлигидир. Мажмуадан жой олган турли жанр, турли мавзудаги шеърларда бундай белгилар барқ уриб туради.

Майли, кўклардан ошсин шўх суронлари,

Булар - менинг ўлкамнинг эркаларидир.

Булар - менинг ўлкамнинг болажонлари,

Булар - менинг ўлкамнинг бекаларидир.

Шоирнинг муסיқий такрорларида қанчалик теранлик, тиниқ қалб нигоҳи бор. Воқеликка шундай беғубор, беминнат, олийжаноб муносабат бўлмаса, лирик қаҳрамоннинг дил қувончи бунчалар мавжланиб чиқармиди? Оталик, дўсту муносилик, меҳр-муҳаббат туйғулари, она юртнинг тоза ниҳоллари - нурли истиқболи билан фахрланиш туйғулари нақадар кучли, табиий, самимий! Мана шундай кенгфёъл, меҳри тошқин шоиргина халққа манзур, китобхоннинг маънавий мулкига айланувчи асарлар яратиши мумкин. Умуман, Миртемир шеъриятида ажиб бир оҳанграбо сезилади: бу - наврўзий тиниқлик, табиатнинг наврўз тонгларидаги уйғониш ҳаракати, нимагадир ошиқлик, кўклам чиройига сира тўймас мастона кайфият. Шеъриятнинг ибтидосида ана шундай беғуборли бўлиши учунг биринчи жозиба манбаидир.

Оҳ сулув чечаклар, сулув чечаклар,

Қирмизи барглардан кўз узиш маҳол.

Қиз бола кулгуси янглиғ қувноқсиз,

Қиз бола уйқуси янглиғ юмшоқсиз...

Шеърият, дафъатан, гўзалликни асл бўёқларда, ҳаётӣ ва халқчил мотивларда ифодалашга даъват қилинган экан, унинг ибтидоий беғуборлиги нақадар зарур. Албатта, гўзалликни тараннум этиш кифоя қилмайди. Шеърият Ҳақиқат ва Курашнинг ўзига хос тимсоли ҳамдир. Бошқача айтганда, реализм ижодкорининг ғоявий эътиқоди тақозоси билан поэзия даврининг муҳим ижтимоӣ-сиёсий интилишларини бадиӣ инъикос этиши лозим.

Миртемирнинг “Аччисой”, “Байрам кўшиқлари”, “Эртаги кун” сингари манзумалари ана шундай ижодий зарурат билан яратилган. Катта таассуротлар йирик формани тақозо қилганидек, мазкур шеърларда шоирнинг давомли ўйлари, неча-неча бор кузатишлари, ботиний тажрибалари ижодий жараёнда муайян шеърий меъёрга солинганини,

умумлаштирилганини кўрамиз. Масалан, “Аччисой” манзумасида конкрет ҳаётий таассурот шоир фантазияси билан, оний кечинма кўнгил хотироти билан органик равишда, бирлашганини, бу мавзу доирасини кенгроқ олишга, бошқа ёндош мавзулардан фойдаланишга имкон берганини сезиш қийин эмас, натижада дарё ва чўл тимсолида халқимизнинг нажотсиз кечмиш тақдири, ҳозирги азми-иродаси, даврнинг қудрати ва улуғворлиги, ўлканинг нурли истиқболи, хуллас, дарёнинг уч даврига хос қиёсий образлари яратилади. Миртемир асрий сув ва ҳаёт, ер ва инсон муаммосида шеърий баҳс объектида қилиб оларкан, бободехқондаги руҳий ташналикбилан сўзлайди - эҳтиросли мисралар яратади. Шоир дарё, унинг воҳаси манзаралари тасвирида такрорланмас аниқликка эришади.

Тошганингда асло бўлмас ёндошиб,

Ночор от чопишар мироббошилар...

Денгиздай мавж урар тизза бўйи ўт,

Маст бўлиб чопишар, қулунлар, тойлар.

Бу мисраларда фавкулудда ҳол - поэтик кашфиёт йўқ, лекин тасвир предмети - дарё воқелиги шоирнинг ўзига хос кўнгил нигоҳи билан тадқиқ қилингани учун жозибадор поэтик лавҳа яратилади. “Аччисой” дан - асов дарё, ёввойи чўл ҳақидаги бу шеърий қиссадан, аввало, Ватаннинг ҳали учратилмаган тасвирини кузатамиз. Ватан тимсоли шоир кўз очиб илк бор кўрган, таниган дунё - она қишлоқ таассуротларидан, тоғ бағридаги табиатнинг сўлим, эрка бир воҳасида кечган болалик хотираларидан бошланади. Ўлка қиёфаси бошлаб манзаралар фонида берилади. Бу табиий гўзаллик шундай жонли чизиладики, гўё бизга ҳам бир қадар таниш қирлар, тепалар, тоғ ёнбағирлари, анҳор ва сой қирғоқлари, мўъжазгина ойна қўллар намоён бўлади. Албатта, шоир табиий гўзалликлар тасвири билан кифояланиб қололмасди. Манзаралар фонида тўқилган қўшиқ замирида она қишлоқ доирасига сиғмайдиган ҳали уйқуда ётган моддий ва маънавий имконлар, ҳозирча сирли туюлган улуғ қудрат, романтик руҳ мавжудки, лирик қаҳрамон уларнинг истиқболи башорат беради:

Чўпон қўшиғини тинглаган тоғим,

Кўклам тошқинидан бадмаст, тентак сой,

Яйлоғим, қишлоғим, навниҳол боғим,

Қулочингни кенг ёй, қулочингни ёй!

Одамни сергаклантирувчи, унинг руҳига рағбат берувчи бу сатрлар шоир кўнглида кўпдан авайлаб юрган ўй-хаёлларнинг поэтик маҳсулидир. Шу юксак орзу, эзгу армон бора-бора Миртемирга катта ижодий уфқлар

очди, у нафақат Ўзбекистоннинг, балки, қардош дўст диёрларнинг ҳам ардоқли куйчиси бўлиб қолди. Бу асли “боболар юрти - бужур Қоратоғ” ва унинг этаклари тасвиридан бошланган эди.

Она-заминга табиий гўзалликка шайдолик ҳисси сатрдан сатрга кучайиб, салмоқдор ижтимоий мазмун касб этиб боради. Шоирнинг лирик қаҳрамони - табиат ошиғи беихтиёр стихияга қарши курашувчи, уни ўз мақсадларига хизмат қилдириш йўлида астойдил бел боғлаган, янги дунёнинг биринчи шижоаткор разведкачилари, қурувчиларининг умумлашма қиёфасини олади. Шу тарзда, баҳор мавжлари тасвиридан бошланган шеър шоирнинг ижодий фаоллик туйғуси кучайиши билан янги меҳнат лирикасига айланади.

“Аччисой”да халқимизнинг азалий орзуси - сув учун, ҳаёт учун кураши, асов, телба дарёларни жаловлаб, қақраб ётган чўлларда яшнаб турган боғу бўстонлар яратишдек эзгу армони оригинал, ёрқин поэтик лавҳа-образларда ифода этилади. Муҳими, шундаки, табиий стихия, ўжар, “ҳовлиқма” дарё қанча қутуриб қаршилиқ қилмасин, охири инсон измидан юришига айрича аҳамият берилади, шундай қилиб, янги киши - замондошнинг умумлашма образи яратилади.

Одам бу ўлкада соҳиби фармон,

Одам бу ўлкада соҳиб ихтиёр,

Одам бу ўлканинг танидаги жон,

Янги дунёларни қурувчи девкор.

Шоирнинг лирик қаҳрамони шу “соҳиби фармон”, “соҳиб ихтиёр”, “янги дунёларни қурувчи девкор” кишиларнинг мужассам тимсолидир. У она юрт табиатини, тошқин сойларини, бағрида битмас-туганмас ганж сақлаган тоғларини, пичанзор тўқай ва чўлларини севади. Лекин табиий стихия уни безовта қилади. Наҳотки, азалдан жонсиз ётган, нафсиз ётган ерларга ҳаёт, хусн, бойлик бағишлашга, янги водий, янги бўстонлар, нурхоналар учун жон, қон нажот манбаи бўлишга қодир бўлган бир улуғ қудрат беҳуда ҳовлиқиш, тошиш, кўпиришни, тошларни тошларга уриб, харсангларни кўпоришни, тўғонларни, бандларни бузиш, ўтовларни оқизишни, буғдойзорларни яксон қилишни касб қилган бўлса!.. Миртемир “бадмаст, тентак сой” образига чуқур ижтимоий маъно беради: охири унинг инсон азми-иродасига бўйсунитишни, табиат стихиясидан мўъжизалар яратишга қодир давр, жасорат ва шижоатда “тенги кам” замондош қудрати қаршисида лол қолишини ўша халқчил оддий ва жонли тилда ифодалайди:

Ҳали бир қатранг ҳам бекор кетмагай,

Ҳали тўлқинингга зор қишлоқлар бор.

Тўлғонарсан одам ихтиёрида,

Ҳали зор, армонлик бўз тупроқлар бор.

Оқарсан одамзод истаган ёққа,

Йигит қўл солгуси ёри бўйнига.

Ўйнаб-ўйнаб кирарсан ўзинг

Ошиқ ва ташна лаб тупроқ қўйнига.

Урушдан аввал яратилган бу сатрлар шоир даврнинг яратиш, ўзгартириш шиддати ва суръатини маҳорат билан шеъриятга олиб киргани, йирик санъаткор даражасига кўтарилганини кўрсатади.

Миртемирнинг махсус бир шеъри орқали унинг маънавий позицияси, эстетик дунёси, қаламининг қудрати - маҳорати ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилса бўлади. Ёшлик туйғуларининг бокиралиги, мавжи, туғёни, чунончи, “Қизғалдоқ” шеърида ёрқин образ-лавҳаларда акс этади.

Шоирнинг лирик қаҳрамони боболар замини - она қишлоғини зиёрат қилгани борган баҳор кунларининг бирида ясси тепадаги қизғалдоқ беихтиёр ўзига тортади: у кўп нарсаларни эсга олади, эсга соладигина эмас, қайта жонлантиради, аниқроғи, қаҳрамоннинг эски дардини янгилайди. Унинг теграсида севинч ва алам, ўкинч ва ифтихор туйғулари, турли зиддиятли ўйлар чарх ура бошлайди. Дастлаб болалик чоғи хотиралари ўзига хос завқлари, жумбоқлари билан тез қизиқувчан, тез ўзгарувчан табиати, ўзига хос жозибаси билан чизилади.

Кўнглимни тутолмас на ов, на ўйин,

Нимадир излардим, билмайман ўзим.

Хаёлимни олар чўлларда қуюн,

Тепаларда ҳайрон боқарди кўзим.

Боланинг безовта кўнгли, ҳайратли кўзлари, кўнимсиз хаёллари қаршисида кутилмаганда, ҳали ўзи нима эканини англаб етмаган нарсаси ясси тепалардаги қизғалдоқлар бўлиб чиқади. Лекин аслида бунинг ажабаланарли жойи йўқ эди - табиатнинг гул-гул очилиб келаётган “сўлим боалси”, қишлоқнинг шўх, эрка бир қизи шу қизғалдоқларни жуда-жуда севар, қувона-қувона чаккаларига тақарди. Ўша беихтиёр кезларда шу қизга “даста-даста қизғалдоқ” келтириб беришдек бахт бормиди дунёда! Сокқалар. Алқор ошиқлари, қафаслардаги каклик жўжалари, қийғир, бедана, қашқа, куён, тўриқ ғунон - ҳаммаси бир-бир тарк этилганди. Қизғалдоқ келтириш

баҳонасида “оқ парда остидан қадалган кўзлар”ни кўриш, қизнинг бениҳоя тиниқ, жарангдор овозини эшитиш - бундаги сеҳр билан тўла болаларча шайдойи ва бедор кайфият, ўзи моҳиятига етмаган, сир-синоатини билмаган маъсум туйғулар кейинчалик унутилмас, армонли муҳаббат бўлиб, кўнгилда ўчмас ҳам нурли, ҳам дардли хотирот бўлиб қолишини ким хаёлига келтирибди! Тақдир селоби қирларнинг у беғубор гулини аллақачонлар номаълум ёқларга оқизиб кетди-ку!..

Лола юзлигимни кўролмас бўлдим,

Далани тарк этди Лола таққан ой.

У қиз бир ўзи кетмади - бутун болалик, масъум йигитчалик дунёсини бирга ола кетди. Қоратоғ этакларидаги сўлим воҳа, жонажон қишлоқ ўзининг сахий, оромижон бағри, барча яхшиликлари, гўзалликлари билан ҳам навқирон йигитнинг дардига - кўнгил захмига малҳам бўлолмади - у бошини олиб чиқиб кетди. Фақат йиллардан ўтиб ўша қадрдон тепаларга... энди шоир бўлиб қайтди. Лекин йигитлик хотиралари, армонлари ҳамон эзгу, ҳамон ўтли-аламли - ҳеч бир қийноқ билан қиёслаб бўлмайдиган даражада оғир.

Бир йигит умимга топмайман баҳо,

Ёдимга тушганда йиғлаб кетганлар...

Лекин йиллар ёшлик эҳтиросларига маъно ва салмоқ бағишлади. Қирларнинг ёввойи чечаги - қизғалдоқ илк муҳаббат рамзигина эмас, табиий мусаффолик ва қайтарилмас гўзаллик замирида шоирнинг она тупроқ - туғилган қишлоқ ҳақидаги эзгу ўйлари, фарзандлик армонлари ҳам жойланган. Миртемир талқинида қизғалдоқ ҳаёт, тақдир йўлининг турли манзилларини, кечмиши ва ҳозирини бир қадар боғлаб турувчи полисемик мажозий образ даражасига кўтарилади. Шунинг учун шоирнинг қаҳрамони уни ҳамма гуллардан ортиқ кўришга ҳақли, ҳолбуки, бугун инсон қўли билан қишлоқда ҳам анвойи гуллар, чаманзорлар бунёд этилган.

Қирларим ҳусни, эй сулув қизғалдоқ,

Гулзор ўртасида турсанг ҳақлисан...

Оддий, ёввойи қир чечаги ҳақида ёзиб, қизғалдоқ тасвири орқали шунчалик сермавж туйғуларни, зиддиятли ўйларни ифодалаш, бу кўпқиррали мажозий образ орқали қалб хотиротини, руҳий олам сирларини очиб бериш катта санъаткорлик намунасидир.

Шеърый мусиқийлик Миртемир қўшиқларининг хужайрасини, ўзак-ўзагини ташкил қилади. Маълумки, қўшиқ мураккабликни хушламайди, соддалик,

равонлик эса қуйма характерда бўлиши, бир сўзнинг ўзида маъно теранлиги ҳам, образлилик жилоси ҳам мужассам берилиши лозим. Шоирнинг қўшиқларида сўзнинг мантикий, тасвирий, интонацион-музикаий имкониятлари зўр маҳорат билан тадқиқ қилинганини кўрамиз. Бу халқ қўшиқларининг бадиийлик сирларини яхши билиб, ўзлаштириб олиш самарасидир. Умуман, Миртемир қўшиқларида фақат музика учун ижод этилган, наволар тили билангина шарҳлаб бериш мумкин бўлган нафосат бор.

Сув усти қора бахмал,
Шуълалар нақши зарҳал.
Ой тукқандан яхшироқ,
Оқшом сен келган маҳал,
Бир йўл кўрдим - тўймадим,
Юз йўл кўрдим - тўймадим.
Бир бало бўлса керак,
Минг термулдим, тўймадим.

Бу ташқи рангдорлик, юзадаги ўйноқилик ё сўзларни атайин саралаб териш санъати эмас, аксинча, эркин эрка ва шўх туйғуларининг ошиқона, ишвали-ғамзали кайфиятларнинг қизғин бир таассурот орқали илғаб олинган, моҳирона тартиб берилган миниатюр-лирик образларидир, бундаги такрорларда озгина бўлсин зўракилик, қийин-қистов излари сезилмайди. “Боғ кўча”, “Яли-яли”, “Бир гўзал” каби шеърлар ҳар бири ўзининг алоҳида олами билан яратилгандир.

Тарихий қарорлардан кейин, мисли кўрилмаган ижодий активлик бошланди, илҳомнинг эркин ва юксак парвози адабиётнинг барча турларида, айниқса, лирикада тўла намоён бўлди. Ҳаёт уммонининг кенгликлари ва теранликларига, улуғ замонамиз, узоқ ва бой тарихимиз қатламларига, воқеликнинг моҳиятига, инсоннинг руҳий оламига ҳар қачонгидан кўра тийрак разм солиниши лириканинг мавзу ва мундарижасини бениҳоят бойитиб юборди. Бундай шароитда Миртемир фаолияти ўзининг янги босқичига кўтарилди. Бу иккинчи баҳорда шоир илҳоми оромни, ҳордиқни тарк этди. Унинг мусаффо, тинимсиз шеърият чашмасидан қардошлик қўшиқлари, Қорақалпоқ дафтари, Янги йил ўланлари янгидан Сирдарё ва Самарқанд, қозоқ ва қирғиз шеърлари туркумлари, инқилоб мавзуидаги аксарият воқеабанд шеърлар, онаизор, она юрт, унинг узоқ кечмиши,

инқилобий тарихига, чорвадор ва чўлқуварларга, ёшларга, уларнинг интим туйғуларига бағишланган лирик, лиро-эпик манзумалар, автобиографик хотиранома ва фахриялар, янги, назири йўқ кўшиқ-ўланлар, болажонларга аталган “қуш тили” назмлар ва яна бошқа шеърларнинг бутун-бутун чаманлари бунёдга келди. Миртемир ишлаган поэтик образлар мазмунан салмоқдорлиги, ҳаққонийлиги, такрорланмас рангинлиги билан халқчил, жонли тафсилларга бой, деклоративликдан, китобийликдан холи санъаткорона тарашланган тили билан ажралиб туради. Шоир анъанавий шеърининг деталлар - ташбеҳларни янги фикр ифодаси учун хизмат қилдиради, “янгилайди”. Бинобарин, қадимий сўзни поэтик сўзга айлантириш, унга ўзгача жило, янги садо бериш шоирнинг дидига, маҳоратига боғлиқ. Миртемир танлаган, ўрнини топиб ишлатган, тартиб ва оро берган сўз чиндан ҳам янги ҳаёт касб этади, миртемирона образли сўзга айланади. Шоирнинг сўзга максимум маъно юклаш санъати, маънони тиниқ, ёрқин образларда ифодалаш маҳорати, биринчи навбатда, ёш ижодкорлар учун ўқиш, ўрганиш намунасиндир.

Шоир қайси мавзуда ёзмасин, унда бободехқон табиати, характери, камтарин, ҳақгўй ва донишмандлиги зухур этиб туради. Отахон шоир шеърлари, манзумалари замирида унинг лирик қаҳрамони - кўпни кўриб-кечирган, зукко, бениҳоя билагон ва заҳматкаш, ҳалол ва фидойи бир инсон, беғубор, беғараз дўст, яқин дўст, яқин жўра ўртоқ, самимий, беминнат маслаҳатчи ва мураббий сиймоси, дўстлари, шогирдларининг кичик ютуғидан ҳам бир олам қувонч ва нашъа оладиган, кичик қалб эгаси жойлангандир. Шоир сатрлар саҳифалар орасидан аксари дилкаш, илиқ жилмайиб турган, тақдирига, давр-давронига туганмас, шукрона ўқиган, шу билан ифтихор қилган, бурчдорлик туйғуси билан безовта, ўзига яраша армонли, лекин ҳамиша сергак, қатъий ва ўктам қиёфада боқиб туради, аҳёнда-аҳёнда - ёвузлик, хиёнат ва қаллоблик тутаққан, дарғазаб кайфиятда кўрамиз.

Шоир қаҳрамонининг оддий, лекин беҳаловат характери, масалан, “Қалбимда” шеърида шундай умумлаштирилади:

Қалбимда дунёнинг дунё қайғуси,

Елкамда оламнинг олам ташвиши...

Умрим оддийлардан тагин оддийроқ.

Ҳамма етук, санъаткор шоирлар ғоявий юксаклик позициясида туриб ёзганлар. Бу замоннавозлик билан, давр даъватларига ҳамиша камарбасталик билан изоҳланади. Миртемир куллийетининг қайси китобида бўлмасин, даставал инқилоб, Ватан, халқлар дўстлиги мавзуларида, беш йиллик иншоотлари, Ватан уруши фидойилари, кўриқ ерлар ва мард чўлқуварлар

хақида ёзилган эҳтиросли, чуқур халқчил мазмунли шеърлар эътиборни тортади. Шоир бу мавзуларни ҳар гал ҳаётий эҳтиёж тарзида қаламга олганини, уларга қалбининг кўри қўшлиганини сезиб олиш қийин эмас.

Чунончи, Миртемирнинг эркимиз, бахт ва истиқболимиз йўлида жонини фидо қилган кишилар хотирасига бағишланган “Мангу олов”, “Азалик” каби шеърларида унинг инсонга меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим қалби бир йўла намоён бўлади:

Сукут сақла бир нафас,
Кўзда милт-милт ёшим, ҳей!
Шу оловда ёна ол,
Ёрти аср, ёшим ҳей!

Самарқанд исёнкорлари мозорида - мангу олов қаршисида туриб, юракдан сирқиб чиққан аччиқ кўз ёшидан бамисоли жонли бир вужуд, бетакрор тирик образ яратиладики, бу ҳақиқий санъат намунасидир. Чиндан ҳам Миртемир ўша муқаддас деб билган нарсага - Гўзаллик ва Эзгуликка бутун меҳрини боғлаб, чуқур эътиқод ва фидойилик билан яшади, ижодда ўз аҳдига амал қилиб, турли шеърларида турли даражада “ёна олиши”ни кўрсатди. Шоир Ватан ва фирқа мазуидаги шеърларида анчайин схемага айланган таъриф-тавсиф усулидан, мадҳия ва васф йўлидан бормайди. У одамлар кўнглига жо қилиб, дилига тугиб қўйганини, элнинг чуқур миннатдорлик туйғуларини умумлаштириб, халқчил оддий, лекин пурмаъно образларда беради:

Асрлар учдилар сўхта ва дилхун,
Чўккан тошдай ғойиб эди бахт бурун.
Боримиз мўл бўлди, йўғимиз-чи бор...
Гўдаклар юзида гулларнинг ранги,
Бу бахтга қўнолмас ўтмишнинг чанги...
Гўдаклар юзида гулларнинг ранги,
Бу бахтга қўнолмас, ўтмишнинг чанги...
Сочи оқарса ҳам йигит фирқам!
Алп сиймонгга талай қиёс изладим,
Пастда қолиб кетди не-не тик қоя,
Порлоқ даҳонгга ҳам бир мос изладим,

Не-не зукколар ҳам фақат бир соя!..

Сени улуғлайман!

Бу қуйма сатрларда Миртемирнинг ижодий ўй-хаёллари, давомли изланишлари, кўнглида ардоқлаган меҳригиёси - эътиқоди, қизгин таассурот ва кечинмалари санъаткорона умумлашгани сезилиб туради. Шоир муносиб нисбат-тимсол излаб топмай ё топганидан кўнгли тўлмай, халқ даҳосига мурожаат қилади. Ҳақиқатдан ҳам асарлар бўйи эрку бахт ахтариб сарсон ва дилхун бўлган, тарқоқликдан, талондан, йўлсизликдан ҳудудсиз азоб-укубатлар кўрган халқнинг бугунги олқиш ва шукрона туйғуларини ифода этишга сўз йўқ. Ахир Ватан иродаси фирқа иродаси билан юзага келган, жаҳон афкор оммасини ҳайратга солаётган мўъжизакор ўзгаришлар маъносини, аҳамиятини айтиб адо қилиб бўладими? Шоир сатрларининг халқчил, ҳаққонийлиги, лўнда ва мухтасарлиги ҳам шунда.

Миртемирнинг инқилоб шаънига ёниқ эҳтирос билан айтган сўзларида ҳам унинг чуқур эътиқод ва эътимоди, ғоявий-маънавий юксаклик туйғуси барқ уриб туради:

Ўлмас ғояларнинг олмосдай тиғи,

Беомон ҳам ўзинг, омон ҳам ўзинг...

Эй, сен Нозимона оташин илҳос,

Ҳамид рубобида,эй жаранг мақом,

Меҳнаткаш дунёга хос соғинч калом...

Инқилоб!

Топқирлик, нуктадонлик, сўз заршунослиги намунаси бўлган бу мухтасар мисраларнинг маъно қирраларини, бадий-образли жилваларини истаганча шарҳлаш мумкин. Уларни ҳар бир ўқувчи ўзича ҳис этиб, ўзича талқин қила олади. Бу қуйма мисралар ўзбек шеъриятининг ғоявий-бадий баркамоллигидан далолат бериб туради, муҳими. Инқилоб шаънига айтилган кўшиқларни бирор жиҳатдан такрорлайди, фақат Миртемир қаламига, унинг поэтик дунёсига, “уринчоқ” табиатига хос тарашланган лирик лавҳалар, рангин сўз-образлар намунаси бўлиб қолади.

Миртемирнинг кўпгина шеърларида тиним ва ҳаловат билмас бобо деҳқон образи тарзида яратилади, бу мантиқан жонажон Ўзбекистоннинг кўп-қиррали-полисемик образи билан кўшилиб кетади: “Тупроғи бут, мўлтўкис - жаҳондай ёйиқ халқим”, “Замонлар мудроқ юртим, хорғин ва чарчок юртим, эсингдами тоқлигинг, шўрлик ва тарқоқлигинг, бас бўлди чанқоқлигинг, ямоғу қуроқлигинг”, “Ёрти эмас, бутуним, ёрқиним, ёруғ

куним қалб тўлкиним”, “қўллари қадок халқим, кўзлари чақноқ халқим, йўллари порлоқ халқим”, “Белим боғлоқлиқ бўлсин, давлатинг оша берсин, маҳоратинг, кудратинг Амудай тошаберсин...” ва ҳоказо. Бундай оригинал образ-лавҳалар силсиласини давом эттиравериш мумкин.

Шоирнинг шундай шеърлари, туркумлари борки. Улар Миртемирни тўла маънода халқлар дўстлигининг оташин куйчиси, мартабасига кўтаради. Шоир учун Ватан мавзуининг, дўстлик қардошлик мотивларининг манбаи, аввало, Ўзбекистондир. Бинобарин, халқимизнинг ўйи ва амалида, ғайрати ва ҳимматида бошқа халқларга хос сифатлар бўлгани, ўзбек тупроғида яқин қардошларгина эмас, балки бутун башарият баҳра оладиган яхшилик, эзгулик уруғлари самара берганидай, Миртемирнинг республика ҳақидаги, ўзбек диёри, унинг заҳматкаш, олийҳиммат, фидойи кишилари қиёфаси санъаткорона чизилган шеърларида барча иқлим кишилари диққатини торта оладиган маънавият, самимият, жозиба бор. Демак, шоирнинг, аввало, ўз юртида ҳақиқий куйчи сифатида қадр топиши унинг қўшни, қардош элларда ҳам иззат-эътиборлик бўлишининг биринчи омилидир.

Шоир шеърдан шеърга томон мушоҳада доирасини кенгайтириб, қардошлик мавзуида бутун-бутун туркумлар яратди, уларни янги шеърлар билан тўлдирди, натижада халқлар дўстлиги мотивлари шоир ижодининг асосий, белгиловчи йўналишларидан бўлиб қолди. Шу маънода, Миртемир ўз халқининг ардоқли миллий шоиригина бўлмай, балки қадимдан ери ҳам, дили ҳам яқин бўлган халқлар, шунингдек, ери қўшни бўлмаса ҳам йўли бир, мақсади муштарак қардошлар ҳаётидан олган қайноқ таассуротларини ўз таровати билан ифодалаган, интернационал диапазонга эга бўлган куйчидир. Миртемирнинг, айниқса, “Элу юрт мақтови”, “Олим”, “Елкадош”, “Дийдор”, “Украинамсан”, “Қозоғим”, “Гул кўчат”, “Кончи чироғи”, “Қирғизистон”, “Қирғиз халқига”, “Кўл бўйида”, “Қорақалпоқда Тошкентни соғиниш”, “Барҳаётлик” каби шеърлари, янги “Қирғиз шеърлари” туркуми ўзбек шеърятининг халқлар дўстлиги чаманзоридан дид ва меҳр билан тартиб берилган, эъзозлаб сараланган гулдасталар. Шоирнинг рус, украин, туркман қардошлар шаънига битган қўшиқлари, хусусан, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ оға-инилар таърифида яратган ниҳоятда синчковлик, билағонлар маҳсули бўлган оригинал образлари бу ижодий ҳофизаси кенг ижодкорни ҳеч бир муболағасиз қардошлик мамлакатининг забардаст куйчиси даражасига кўтаради. Интернационал мазмун ана шундай табиий ва ҳаётий заминда яратилади. Бу шоир ижодининг муҳим бир йўналишини, халқлар дўстлиги ғоялари ва образларининг бутун бир силсиласини ташкил қилади. Шоир кишиларга хос бўлган янги муносабатларнинг ҳаётбахш мазмунидан, воқелигимизнинг ички маъносидан шундай поэтик умумлашмалар, шеърый ҳикматлар кашф қилади: “”Қанча элу элат жигарбанд, қариндошлик тик қоя монанд, минг иблис ҳам беролмагай панд”, “дўстлигимиз халқ ғоясидай ҳақ”,

“тоғларни кўтаргай, дўстликнинг кучи, дўстлик кучи - янги жаҳон қургувчи”, “дунёмизнинг умрига тенг бизнинг дўстлик, қардошлик умри, дунёмиздай теран ва кенг бизнинг дўстлик, қардошлик умри...” Миртемир халқ ижоди чашмасидан ҳамиша баҳраманд бўлганидан, табиий, унинг мисралари халқчил муסיқийлик, ўйноқилик касб этади: “замон биру амал бир, хирмон биру шамол бир”, “эл ўртада, юрт ўртада, тупроқ ўртада, бахт ўртада, қут ўртада, қирғоқ ўртада, мулк ўртада, мол ўртада, дарё ўртада...”

Қардошлик мавзуидаги шеърларнинг ғоявий кучи, бадиий жозиба сири шундаки, шоир маълум қардош ўлкага хос миллий хусусиятларни мумкин қадар аниқ беришга интилади, шу юртнинг табиий шароитини, характерли белгиларини, азалий анъаналарини, баъзан этник чизиқларригача поэтиклаштиришга эришади. Бунда шоир ўзини эркин ҳис этади, ўша элнинг фарзанди, ошиқ куйчиси каби самимият, меҳр ва ҳарорат билан ёзади. Лекин, муҳими, у ўзбек шоирининг кўзи билан қарайди, ўзбек қалби билан ҳис қилади.

Китобларда Миртемирнинг диапазони кенг санъаткор эканини кўрсатувчи характерли мисоллар кўп. Чунончи, буни асосий мавзу атрофида тармоқ мавзуларда ҳам баҳс юритган, бир-бирини тўлдирувчи Ватан, дўстлик, бахт, интернационализм, тинчлик мотивлари, муҳаббат ва нафрат туйғулари ажойиб бутунликда берилган “Қорақалпоқда Тошкентни соғиниш” шеъри таҳлилида кўришимиз мумкин. Шеърнинг мазмунидан, образларидан ажиб бир ҳаётий зиддият борлиги сезилади: кўшни, қардош ўлкада ўз элини соғиниш ҳисси ўша қардош элга бўлган меҳр-муҳаббат билан кутилмаган бир тарзда “рақобат”га киради. Ҳаётда бундай зиддиятли ҳоллар бўлиши табиий, лекин шоир буни такрорланмас аниқлиги билан шеърга кўчириб, бизни тўлқинлантиради.

Бир ой ўтмайин, қаранг, дилда соғинч туйғуси,

Кўз ўнгимда чўнг шаҳрим чарх урар юз бўёқда,

Соғинганда қочаркан кечанинг сут уйқуси,

Ҳолбуки, мен ҳар қалай, ардоқдаман бу ёқда...

Икки олийжаноб ўй-хаёл, икки шаклдаги гўзаллик ўзаро баҳслаша туриб, бир-бирини улуғлайди. Қардошлик, дўстлик туйғуларини ўзи туғилиб ўсган ерни қўмсаб, соғиниш ҳисси билан параллел ҳолда, ҳатто маълум зиддиятда бериш мантикий жиҳатдан у қадар асосланмаган бўлур эди. Лекин Миртемир нафақат Ўзбекистоннинг узвий бир бўлаги бўлган, балки шоир қалбидан ҳам муносиб ўрин олган Қорақалпоқ юртини танлади, имконсиз кўринган муаммони гўё осонгина ҳал қилди:

Ҳар нечук қирғовулга ошён бўлган тўқайлар.

Кечалари чўпонлар айтган қўшиқ, ҳой-ҳойлар.

Тун чоғи Орол кўли - юлдузларнинг кўзгуси...

Ҳар қалай қололмайман бепарво, беписанд ман.

Сирли, кўҳна Аму ёқаси, жийда, тўқайлар, қамишзор, кўл тўрғай, турна овозлари, орол ва ўтлоқларнинг шифобахш тўлқинлари, саҳронинг ном топилмас чечаклари, баҳшиларнинг ҳузурбахш ўланлари, чўпонларнинг самимий бепардоз гурунги. Бу элнинг дов ўғлонлари, сухсурдай қизлари, янги шаҳар ва кентлари - ҳамма-ҳаммаси шоир учун қадрли, ўзиникидай...

Ҳолбуки, мен ҳам ахир у юртга жигарбандман...

Қорақалпоқ халқининг менга азиз шеваси.

Тилигача билиш дилигача йўл топиш демакдир, лекин шунчалар яқинликка қарамай, она тупроқ, ота-боболар юртини қўмсаш, унга талпиниш ҳисси устунлик қилади. Бу шеърнинг ниҳоятда ҳаётийлиги ва ҳаққонийлигини кўрсатади.

Шоир учун Тошкент унинг ижодий тақдирида бешик бўлган она шаҳар, ҳам пойтахт, қарангки, у бу жаҳатдан қорақалпоқ учун бирдай севимли шаҳар. Лекин Миртемир Тошкентнинг ана шу хусусиятларини қаламга олиш билан кифоялана олмас эди. Шоир кўз ўнгида Тошкент мамлакатимиз улуғворлигининг ёрқин бир тимсолига, эркпарвар, тинчликсевар, дўстпарвар сиёсатимизнинг ёрқин бир кўзгусига айланади, бу билан шоир пойтахт образига алоҳида кўлам, жаҳоний бир мазмун бағишлайди. Биз Тошкент ҳақида, она-юрт ҳақида одатдагига ўхшамаган, фақат Миртемир назари, диди, эҳтироси билан янги маъно, ўзга жило олган бир шеърни, фикрлар баҳсидан туғилган шеърини фалсафани ўқиймиз, жозибали, ҳаракатдаги лирик манзарани кузатамиз.

ЛАРЗАКОР ЖАНГОВАР-ЛИРИК ЛАВҲАЛАР

Ватан уруши ва Ғалаба... Мундарижа кўламига, ҳаётий моҳиятига, тарихий аҳамиятига ҳаёл ва нигоҳ етмайдиган мавзу. Бадий ижоднинг барча турларида кўп бора ишланган, энг самарадор, ҳамон янги, ҳамиша қадрли бўлган бу мавзу хусусида ҳар қанча сўз юритилса оз.

Бу қутлуғ мавзуда, хусусан, шеъриятимизнинг дунёга машҳур асарлари бор. Бу аввало, Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғуломнинг ёлқинли, наърадор ватанпарварлик лирикаси билан характерланади. Ўзбек ёзувчилари яратган унутилмас жангнома ва зафарномада Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Миртемир уруш қаҳрамонларига Ўзбекистон зиёлилари номидан ёзилган “Салом хат” - шеърӣ нома муаллифидир. Шоирнинг Ватан уруши ва урушдан кейинги йилларда яратган “Вабо”, “Тўйчи Эрийгит ўғли”, “Отлиқ аскар”, “Сен - она...”, “Боғ кўча”, “Кўзларим йўлингда”, “Ёдгор”, “Азалик” ва бошқа эҳтиросли, ўзига хос жарангдор шеърлари фашизмга қарши олиб борилган муқаддас уруш ва Ғалабага бағишланган энг яхши поэтик асарлар саноғида туришга арзигуликдир. Бу даъвонинг дадил-исботи учун бир неча шеърга шарҳ бериб ўтиш кифоя.

Тўрт йиллик мисли кўрилмаган оғир жанглар, афсонавий қаҳрамонликлар, ўти-доғи битмас қурбонлар эвазига эришилган ғалабага барча қардош халқлар қатори ўзбек халқи ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Миртемир қаламкаш дўстлари сафида, жанговар постда туриб, она халқининг кўрсатмасини ҳалол бажарди. Буни, айниқса, “Салом хат” манзумаси аён кўрсатиб туради. Маснавий усулида қофияланган, анъанавий нома жанрининг янги намунаси бўлган бу кўламли шеър ўз мундарижасига монанд халқчил баланд руҳ, ватанпарварлик пафоси билан суғорилган эди, десак муболаға бўлмас. “Муболаға бўлмас” дейишимизнинг боиси бор: “Салом хат” кўпгина шеърлар каби уруш даврининг шиддадкор вазиятида, “оёқ устида ёзилган” эди. Тугал, расо бадий сайқал устида, ҳар бир сўз, образ устида ортиқ ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ эди. Миртемирнинг хотирлашича, Ҳамид Олимжон ўзининг машҳур сафарбарлик шеърлари ҳақида: “Бу шеърларга урушдан кейин, албатта, сайқал бераман” деган экан. “Салом хат”

харбий зарурат билан ёзилган, китобча ҳолида ўзбек ва рус тилларида зудлик билан чоп этилиб, совға эшелони билан фронтга йўлланган эди. Хат, айниқса, ўзбекистонлик жангсиларга бошқача таъсир қилгани, уларнинг руҳига руҳ кўшиб, кучига куч бағишлагани, жангчиларнинг эл-юртида эса аёлларга, ексаларга, ўсмирларга умид, нажот улашгани шак-шубҳасиз эди. Дарҳақиқат, 85 байтлик номада даврнинг оловли нафаси, безовта ва бедор нигоҳи, таранг тортилган асаблари, ғалабага қатъий ишонч туйғулари ёрқин тил билан ифодаланган. Сатрларнинг мантиқи содда, лекин улар ларзали, халқчил жозобага эга: “Бахт қандили ёнди ҳар ғамхонада”, “уйлик-жойлик бўлди кечаги қашшоқ”, “қурч қоя мисоли юксакдир ғоя”, “уни ололмайди минг жанг, минг амал, жаҳон меҳварида порлар бу амал”, “Ўзбекистон мижджа қокмайин ишлар, душман фитнасига бокмайин ишлар”, “ғўдақларни етим қўймайди ўзбек, етим ранжитгани суймайди ўзбек”, “унутманг, ғўдақлар найза учиди, унутманг, дўсту ёр зиндон ичиди”, “сингилларни булғар беуют ҳайвон”, “сизга кўз тикади ҳаттоки жаҳон” ва ҳоказо. Халқчил пурмаъно соддалик, равонлик бу шеъринг мактаб учун биринчи зарурат эканини чуқур ҳис этган шоир халқимизнинг ўткир, тарашланган образли ибораларидан фойдаланди.

Ҳа, денг, дам бермасдан уринг, ўғлонлар,

Ҳа, денг, тез бўғилсни сариқ шайтонлар.

Ватан ! - деб борилса ҳарб кетмас хато.

Ватан! - деб урилса зарб кетмас хато.

Бугун башарият тақдири ҳал қилинаётган тарихий кунларда оловли жабҳаларда, қонли истехкомларда оташнафас билан ўқилган, халқ кўрсатмасми бўлиб янграган бу шеъринг ҳақиятини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу ажойиб мулоқотнинг тирик қолган шоиҳидлари бўлса, шубҳа йўқки, уни сира унутмайди...

Миртемирнинг халқ кўшиқлари йўлида ёзган “Саҳарларда”, “Пилла”, “Мард йигит, ёринг бўлай”, “Қора кўзли”, “Боғ кўча” , “Ёр” каби мусиқий равонлик, бадий соддалик намунаси бўлган шеърларида ўзбек қизлари ва келинларининг бетакрор лирик характери чизилади. Мен “Пилла”, “Боғ кўча” кўшиқларини ўқиб, беихтиёр уруш йилларидаги қишлоқларимизнинг болалик ҳофизамда ўрнашиб қолган оғир шароитини, ўзлари барг кесиб, бутаб, қурт бокқан, пилла териб ўзлари заводга топширган, фронт учун зарур хом ашё етказиб берган, ўз кўллари билан иссиқ кийим-кечак, қуруқ мевалардан совғалар тайёрлаб жўнатган, ором билмас, толиқмас хотин қизларни эслайман. Пиллани топшириб пахтага қараганлари, “сувчи”, “кетмончи” бўлганлари, зиммаларидаги қийин бурчни ўйлаб, дард-аламни ҳазил ва шўхлик билан, гоҳ иш билан овуниб, гоҳ кўшиқ айтиб енгганлари,

дам ёш тўкиб, дам кўз ёшисиз фронт тўғрисида куйиб-ёниб гапирганларини эслайман, бунинг чин маъносини энди-энди идрок қиламан. Уларнинг ҳиммат ва матонатлари, шахсий дарду мусибатлари қанчалик буюк бўлганини эндигина ҳис қила оламан, бундан ҳайратланаман, вужудимни ўша қаҳрамон ва фидойи инсонлар билан фахрланиш туйғулари чулғаб олади... Менга айниқса, “Боғ кўча” - меҳнат қўшиғи, кўзга ташланишни хушламайдиган беминнат мардлик ва шижоат соҳибалари қўшиғи бўлиб туюлади. Бу қўшиқда миллий колорит товланиб туради, унда ўзбек қишлоқларидаги одатий манзара: ҳаётни меҳнатсиз, унинг ўзига хос завқу рағбатсиз тасаввур эта олмайдиган ажойиб танти, камтар шўх шаддод, айна чоғда бениҳоя бардошли, кенг феъл қиз-жувонларнинг табиати, руҳияти, бетакрор образлари барқ уриб туради.

Боғ кўчадан ўтаман тутзор томон,
Тутзорим орқасида гулзор томон,
Кўнглим қургур учади дилдор томон,
Қизларжон, қайдасиз?
Боғ кўчадан ўтаман барг тергани,
Юртимга олтин пилла мўл бергани,
Ёри жангда, уят қиз ўлтиргани,
Қизларжон, қайдасиз?

Бу куйма сатрларда ажиб сирли, теран подтекст бор: бамисоли бир ҳис устидан бошқа бир ҳис куйилиб, тошиб, бири иккинчиси учун бадий-мантикий зарурат бўлиб келади: ёр ҳажри билан диёр муҳаббати бири ўт, бири унинг манбаига айланади. Қизлардаги ватанпарварлик туйғулари табиий бўёқларда, табиий оҳангларда, уларнинг ўзлари каби самимият билан, ҳаётнинг доимий стихияси тарзида берилиши шеърга ўзгача руҳ бағишлайди. Қўшиқнинг санъат эканини, унинг ўз дунёси, ўз қонунлари борлигини яхши била туриб, бу сатрларнинг ҳаётга нақадар яқин, инсон қалби билан, руҳий ҳолатлари билан қанчалик ҳамоҳанг эканидан ҳайратланасан киши. Бу шоир шеърини илҳоми, шеърини назарининг ўткирлигидан, замон туйғусининг юксаклигидан далолат беради. Ҳар бандда гўё сирли бир оҳанг билан такрорланиб, унга бўлакча жозиба берган “Қизларжон, қайдасиз?” сатри-чи! Мен бунда ўзига хос мусикий жило, ритмик ородан ташқари ҳар бир бандни кўтариб турувчи салмоқли ижтимоий маънони, уруш даврининг меҳнат зарбини, оташ нафасини, эрталиқ яхши кунларга, ғалабанинг муқаррарлигига умид, ишонч ҳиссини уқаман. Назаримда, “Қизларжон қайдасиз?” ҳар қандай каттиқчилик, қийинчиликларни писанд қилмайдиган эржурот хотин-

қизларнинг доимо илгарига, бксак марраларга чақириғидай, фақат ўша йилларга хос қудратли руҳий-маънавий манбанинг шеърий акс садоасидай янграйди, бу ҳам оддий, ҳам сирли юрак сўзлари элу юрт ташвиши билан банд бўлган бениҳоя заҳматкаш кишилар ҳаётининг жонли рамзидай янграйди...Зеро, уруш йилларидаги меҳнат фронти ана шундай тинимсиз, ҳордиқсиз, айна пайтда зўр умидбахш кучга эга эмасмиди?!

Миртемирнинг “Отлиқ аскар”, “Қора кўзли”, “Севги” каби шеърларида сафарбар жангчи сиймоси, унинг чин йигитлик аҳд-паймони, ғурури ва номуси сатрларнинг руҳига мос улуғвор ва мардонавор оҳангда тараннум этилади. Шоир “Отлиқ аскар”да халқимизнинг афсонавий баҳодирларига хос енгилиш билмас дов табиатини, душман сафларига саросима солишга, жанг майдонидан, албатта, ғолиб чиқишга ишонувчан кайфиятни қуйма мисраларда ифодалайди:

Йигит - арслон, ор талашур,

Ёвни янчар қон ичинда.

Ватан учун доvon ошур

Аланга, бўрон ичинда.

Арғумоқлар ўйнар асов,

Якка-якка, ясов-ясов,

Солар қирғин, кўтарар дов

Ёвуз оломон ичинда.

Шоирнинг халқ шеърияти ритмикасини, шеърий тимсол ва мажозларини яхши билиши, санъаткор қалбидан ҳис қилиши уруш воқелигини, даврнинг суронли ҳақиқатини ўша бадий содда, табиий равон ва рангин тил билан ифодалаш учун ажойиб имконият яратади. Халқчил оҳанг, халқчил ибора ва тафсиллар мисраларга қанот бағишлайди, чинакам кўшиқ жозибасини беради. Айна замонда Миртемирнинг поэтик уқуви ва маҳорати билан халқ шеъриятининг ҳаёлий-романтик образлари, анъанавий шеърий тимсоллари конктрет жанговар руҳ, замонавий маъно касб этади.

Майдон устин қоплар сур чанг,

Ёвни этинг лол ва тажанг.

Бу сўнгги жанг, бу қатъий жанг,

Уринг, чанг-тўзон ичинда.

Омон қолса бермас ором,

Қонимиздан тўлдирад жом,

Оламга танилган ём-ём

Жон берсин армон ичинда.

Ўша жанговар йиллар даврий матбуотида чоп этилган, юксак ватанпарварлик туйғуси, ҳақ ишимизга комил имон-этиқод туйғуси барқ уриб турган бундай ҳужумкор шеърлар адабиётимизнинг энг яхши асарлари қаторида одамларга бамисоли жон улоғи, руҳ озиғи, умид чироғи бўлиб хизмат қилгани шак-шубҳасиздир. Халқ кўшиқлари йўлида ёзилган шеърларда уруш воқелиги, қаҳрамонлик, фидойилик туйғулари асосан анъанавий усулда - севишганлар тили билан, уларнинг арзи-тили тарзида ифодаланса, “Вафо”, “Бу менинг - Ватаним”, “Она шаҳар”, “Сой”, “Денгиз бўйида”, “Ўч” каби манзумаларда Миртемирнинг лирик қаҳрамони эркесвар, дўстпарвар ўзбек халқи номидан гапиради. У муқаддас еримизга ёпирилиб кирган ёвузлар галасини халқ мифологиясидаги жонлигу жонсизни “ямламай ютар оч юҳо”, “хатарнок вабо” деб атайди, фашист табиатини харобанишин, ҳаромхўр бойғўли ва қузғунлар билан нисбатлайди. Миртемир эсдаликлариданбирида: “Фашизм қузғун ва илон, одамзоднинг доғи, обжак бўлиши аниқ” дея содда ва лўнда халқчил мантиқ билан хулоса чиқаради. Шоирнинг лирик қаҳрамони бутун борлиғи билан ҳаёт-мамот жангларига чақиради- бонг уради, унинг сўзи баайни ватанпарвар боболарнинг беомон интиқом шамширига айланади. Фашизм ўрдуси билан омонсиз жангга кирган бу ёлюрак ўзбек йигити урушнинг бошидаёқ ўзининг интернационал бурчини, халоскорлик миссиясини англаб олган эди.

Чинакам эгаман токи дунё бор-

Еримга, сувимга ва остонамга.

Бу- менинг Ватаним! Бу- бахт диёри,

Бу мард эл- элларнинг чин халоскори!

Халоскорлик- бу шон-шуҳрат учун майдонга кириш эмас. Бу- виждон амри, адолат, ҳақиқат буйруғи, замонавий кишилари тақдирига битилган буюк башарий бурч, тарихий наказ эди. Аввало, ватандош қон-қардошларга, қолаверса, чет ўлкаларнинг қуллиққа маҳкум этилган ситамдийда халқларига ҳаёт, нажот, тинч истиқбол олиб келган халоскорлик жангларида турли миллатларнинг не-не асл фарзандлари қурбон бўлмади! Сафдан йиқилган ҳар бир қаҳрамон ўрнини унинг қардоши, бошқа бир жанговар ўртоғи муттасил тўлдириб борди. замонавий халоскорлари қони билан ювилган ҳар бир манзил бугун жуда кўп Евроосиё халқларининг муқаддас қадамжойига айлангани бежиз эмас...

Миртемирнинг қатор жанговар лирик ва воқеабанд шеърлари ўзининг муносиб илмий баҳосини олган. Биз деярли эътибор берилмаган “Ёдгор” шеърига махсус тўхталамиз. Бу миниатюрада лириканинг кўпчилик элементлари бор: кечинма, фалсафа, воқеа, хотира, манзара ва чуқур подтекстли пауза... Мисралар шундай тарашланганки, ҳар бир сўз-умумлашма бир образ, у теран, миқёсли, давомли маъноларга эга, унинг мажозий, мусикий қирралари бор, улар ҳар бири чуқур ҳис қилинган, ўзининг бадий-мантикий асоси ва заруратига эга, ўзаро шзвий, органик боғланган.

Қора ўрмон. қалин ўрмон,
Олис диёр.
Сўнгсиз ёбон, совуқ ёбон...
Юз хатар бор, жангчи билмас,
Бало тайёр... кўзга илмас!
Бўз ёбонда, кенг жахонда
Айланади зил қалдирок,
Учар қирғоқ, инграр тупроқ...

Омонсиз жангларнинг бирида ҳалоқ бўлган жангчи ва ёлғиз ўғлининг йўлига кўз тиккан она тимсолида Улуғ Ватан уруши қурбонларининг бениҳоя аччиқ, лекин қутлуғ хотираси чизилади. Шоирнинг санъаткорона тарашланган вазндор, салмоқдор сўз-образлари, пурмаъно такрорлари, чуқур паузаларидан урушнинг аён ва ногихоний офатлари, оловли ҳақиқати, даҳшатли фалсафаси нақадар тийраклик билан ва теран ҳис этилганини англаймиз. Миртемир ўғил ҳалокатидан беҳабар, аммо юраги хатар даҳшатини сезиб турган онанинг фожеъ ҳолатини фавқулодда лаконизм билан ҳаяжонли мисраларда ифода этади.

Ел қаҳратон, олам ларзон...
Ватан учун, Ватан учун-
Тўсат жангчи қулар дилхун...
Жанг беомон, жанг- беомон.
Сур уфқда сўнади кун,
Она шўрлик... билмас бутун,
Ёлғиз ўғлин кутар хануз,
Кеча-кундуз йиғлар ўксиз.

Уруш, жанг образи, қонли жабҳалар картинаси бир неча сўз лавҳасида қанчалар аниқ ва таъсирли чизилган. Шоирнинг поэтик сўзни, интонацияни ҳис этиш солоҳиятига, сўз сайлаш ва саралаш, унга урғу, жаранг ва акс-садо бериш маҳоратига қойил қолмаслик мумкинми? Шеърнинг ҳар бир сатри, шоирнинг ҳар бир калимаси ўзича тугал, бутун, бикир, ўтли-оташли, айна вақтда чуқур, давомли маънога эга, улар муҳрдай ўткир, дахлсиз, куйма, ўчмас. Бор-йўғи икки-уч мисрада онанинг, барча мотамсаро оналарнинг заҳмнок қалблари, нурсиз, яраланган умид-армонлари, беун, бенаво йиғилари, тошдай барқарор, заминдай оғир бардошлари- бари мужассамланган.

Миртемир қаҳрамон шаҳидлар хотирасини, уни бир дам бўлсин унутмаган оналар ва оталарнинг руҳий оламини “Бобо”, “Йиғи” каби шеърларида ўша ўт, ўша дард билан ифодалайди. Шоир Улуғ Ватан урушидан кейин бу муборак мавзуга бир неча бор қайтти. “Байрам қўшиқлари”, “Аскар эсдалигидан”, “Опоқи” сингари шеърларда халқимизнинг фронтда ва фронт орқасида кўрсатган мислсиз жасорати, фидойилиги қалб хотиротида қоларли, аниқ ва характерли ҳаётий деталларда акс эттирилди.

Хусусан, “Опоқи” шеърӣй новелласи ўзининг оддий, лекин чуқур фалсафаси билан кишини беихтиёр ўйга толдиради. Шеър бир қишлоқ ўсмирининг эзгу хотираси тарзида ёзилган. Шеърнинг бутун жозибаси унинг ниҳоятда ҳаққоний ва ҳаётий сюжетида: ота фронтда ҳалок бўлади, она ҳам ҳаётдан бемаҳал кўз юмади, етим болани бениҳоя заҳматкаш, меҳрибон қўшни аёл- “опоғойи” ўз чақалари ёнига, иссиқ қаноти остига олади. Болаларни ёмон кунлардан эсон-омон олиб ўтиш учун жонини жабборга беради, кеч ётиб, саҳар туради, елиб-югуриб, топанини емай едиради, соғлигини аямайди, ўзига қарамайди. Фронтдаги эри ва тўнғичини ўйлаб, ётганда уйқуси қочиб кетади... Шоир топилмалари- шеърӣй деталлар ҳаяжонли, чуқур ўйчан характерда. “Узунлар узилган, калта чўзилган”, “не-не бардоши зўр диллар бузилган”, ортиқ серёгин келган кўкламда она сўнгги бисотини- балки эридан, балки онасидан тўёна- ёдгор бўлган кумуш сочбоғини сандиқдан олади. “Келиб қолар отанг, опоқ амакинг, бир эмас, тўрт бўлар кумуш сочбоғим” дейди болага қўшни аёл, “ўзи сўлғин, бироқ кулиб дудоғи” бозорга йўл олади... Минг афсуски, яхши кунлар умидида шунчалар жонбозлик қилган бу етимпарвар, инсонпарвар, моҳият эътибори билан чин ватанпарвар ва фидойи аёл ғалабани кўролмайди. Уруш йилларининг бундай жафокашлари оз бўлганмиди! Шеърӣй новелла чинакам дард билан ёзилганидан уни сокин, ҳаяжнсиз ўқиш қийин...

Миртемирнинг Улуғ Ватан уруши мавзуидаги кейинги йиллар шеъриятидан “Қирғиз шеърлари” туркумига кирган “Азалик” манзумаси

ажралиб туради. Шеър Жалолобод хиёбонида мангу олов ёнида йиғлаб турган она ҳайкали қаршисидаги кўнгилнинг селобини, мавжларини ғоят самимий ифодалайди.

Жафодийда онажон,

Кўтар эгик бошингни

Сочларингни йиғиб ол,

Бир зум қара, онажон.

Нолангни бас қил бир зум,

Ортиб ол кўз ёшингни.

Бир зум жилмайишингдан

Айланиб кетсин жаҳон...

Шоир лирик қаҳрамонининг кўнгил ўтинчида, руҳий илтижосида қанчалик ёлқин бор, кучли мавж бор! Мотамсароликнинг нечоғлик аччиқ маънолари яширинган! “Бир зум жилмайишингдан айланиб кетсин жаҳон” шеърий жумласи айна шу ўринда, шу сатрлар силсиласида бебадал, беназир маънавий ва бадий қиммат касб этмайдими? Шоир халқчилликни ҳам лафзан, ҳам мазмунан чуқур ҳис этгани кўриниб турибди. Халқнинг одатий меҳриғиси, ширинсуханлиги, азалий яхши ният, яхши тилак туйғуси, хушътаблиги мисоли бўлган бу шоҳ сатр уруш қурбонларининг муборак хотираси учун, уруш аламдийдалари дунёсини тадқиқ қилиш учун нақадар монанд ва жозиб тимсолга айланади! “Расо йигирма беш йил узлуксиз йиғлашдан” тўхтамаган, “юз йил ўтса ҳам кўнгли чил-чил синажак” онадан “бир зум нолани бас қилиш”ни, “бир зум жилмайиши”ни дилдан сўрани... Бу руҳий илтижода қанчалик ҳаётий зиддият, теран фожеъ ҳақиқат мужассамланган! Қизиғи шундаки, бу энг инсоний, муқаддас бир истак жавобсиз қолиши ажабланарли ҳол эмас. Зеро, бунда инсон - замондош тақдири, давр фожиаси зухур этади. Чиндан ҳам ҳамиша йиғлаб турган она қалқиб турган давримизнинг энг ҳазин, айна чоғда энг қудратли ва улуғвор сиймоси эмасми? Бу - унинг келажакка, авлодларга даъвати, чақириғи, ҳайқириғи... Шу жиҳатдан шоирнинг қуйидаги сатрлари нақдар ҳаққоний ва катта бадий жозига эга:

Йиғлама...

Йўқ, йиғлама!

Титрасин чексиз олам,

Дарё-дарё оқмиш қон

Олам ёдида турсин.

Йиғлаки, онасини

Йиғлатмас бўлсин одам,

Бахт ҳам, қут ҳам, ёруғлик

Яшил водийда турсин.

Бу тўла маънода пурдard, ҳар бир софдил одамни ларзага солувчи, айнаи замонда улуғвор ва мағрур сатрлар ўйтаган қутлуғ 40 йил билан қанчалик ҳамоҳанг бўлса, шубҳасиз, келгуси йиллар учун ҳам ўзининг ҳаётий ва мантиқий кучини, ғоявий-маънавий қимматини, бадий жозибасини сақлаб қолишига шубҳа қилмаса бўлади. Зотан, бу дил-дилдан битилган мисраларда халқимизнинг адабий барҳаёт ўғиллари хотираси, пок руҳияти, шунингдек, “йиғиси оламни титратувчи”, меҳри фақат Қуё билан, бардоши фақат Замин билан тенглаша олувчи, ҳаётнинг улуғ маъбудалари бўлмиш оналар сиймоси, уларнинг азиз ва нурли образи, ниҳоят, башариятнинг ёруғ умиди, эзгу тилаги - тинчлик ғоялари бадий мухтасар тил билан, катта санъаткор самимияти билан умумлаштирилгандир.

3. ШЕЪР ЯРАТИШ ДАРДИ

Миртемир - ҳассос шоир, чинакам сўз санъаткори, Унинг шеърият дунёсини бирданига қамраб олиш имконсиз. Биз фақат бир нарсa хусусида - ўзига хос, рангин шеъриятнинг туғилиш зарурати, яралиш жараёни - шоир ижодхонасининг баъзи бир сирлари ҳақида баҳс юритамиз, холос. Шу характерли нуқта атрофидаги фикрлар ҳам Миртемирдай йирик санъаткор ижодининг чин маъносини англашга озми-кўпми ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Шеър дарди - гўзаликни тийраклик билан ҳис этиш, унинг руҳини - моҳиятини уқиб олиш ва шу заминда янги шеърий гўзаллик яратиш қийноқларидир. Ижод қилишнинг беҳаловат дамларини ҳамма ҳассос шоирлар ғаройиб, мўъжизакор ва айни замонда табиий бир ҳолат сифатида талқин қиладилар. Шунинг учун истеъдод эгасининг дардсиз, хотиржам ҳаётини тасаввур этиш қийин. Шоир калби шеър дардида, гўзаллик яратиш дардида тинимсиз жўшиб турмас экан, бора-бора ўзи кўтарилган юксак мартабадан ҳам бенасиб бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Гўзаллик яратишнинг самимий ва олижаноб кайфияти қаламга олинган истаган мавзуга, унинг шеърий ифодасига ўтади, унда ёрқин излар қолдиради. Шу маънода илҳом самараси бўлган ҳар бир шеърни ўзига хос дардли шеър, унинг ижодкорини дардли шоир деймиз. Миртемир ана шундай ижодкорлардан. Мана, шоир ўз туйғуларига, шуурига ўтган, фикру ёдини бунд этган ижодий нияти - яратиш шавқи-рағбати ҳақида ёзди:

Сен эй, гўзал санъатим!

Зеҳнимни гўдакликдан тутмасайдинг инсонга,

Оловга солмасайдинг,

Қайдан тушунур эдим жумбоқдай юз лисонга...

Қайдан пайқардим ахир коинот пиқирини,

Сония татроғида,

Заррада зарраларнинг сира ўлмас сирини...

Ижодни чуқур ҳаётий зарурат деб билган санъаткор қалбининг табиий ҳолати - қизгин изланиш жараёнига шеър сатрларига ҳарорат бағишлаши мумкин, бу шоир асарларини эътиборли қилувчи биринчи хусусиятидир. Бусиз на объектив олам гўзалликларини на инсоннинг руҳий дунёсини кашф қилиш имконсиз бўлур эди.

Шоирнинг ғайриоддий, ғайрисамимий яшаш тарзини, бениҳоя эркин ва бемалол ёки шиддатли иш меъёрини айрим шеърларнинг туғилиш мисолида кўrsa бўлади. “Қорақалпоқ дафтари” туркуми шоирга жигарбанд ўлканинг турли жойида, табиат оромгоҳларида - далада, кўл бўйида, ўтовдаги гурунгли даврада, йўлда, Тошкентда - уйда ва бошқа жойларда дунёга келган. Шоирнинг ўзи шаҳодат беришича, масалан, “Қорақалпоқда Тошкентни кўмсаш” шеърининг руҳи автоном республикада туғилиб, узоқ вақт уни “таъқиб” этиб юргач, ниҳоят “Ўзбекистон” редакциясида қоғозга тушурилди. “Қор кўмсаш” ўйи Қозоғистонда туғилиб, Тошкентда, ташқарида қор ёғаётганда, мажлис президиумида яратилган. “Булут” далада, ёмғирли ҳовода битилган. “Онагинам” сарлавҳали иккала шеър узоқ йиллар давомида шоир дилинигирён қилиб юрган ва ҳоказо. Хуллас, шоир кўринишидаги сокинлик, хотиржамлик сиизни алдаши мумкин. Яхшиси унинг қалбиги, рухиятига кулоқ тутиб кўринг, зоҳирига эмас, ботинига разм солинг, разм солганда, албатта, қалб нигоҳи билан боқишга ҳаракат қилинг... Бунда шоирнинг энг яхши шеърлари ёрдам беради.

Қатор йирик замонавий шоирлари тажрибасини, шу жумладан, Миртемир лирикасини ўрганиш шуни кўрсатадики, бошда маълум даражада мавҳум бўлган, лекин ўзида гўзаллик уруғини сақлаган ният бевосита илҳом онларида, ижод жараёнида амалланиб, ривожланиб, етилиб, тиниқлашиб боради, ниҳоят, шеърый воқеликка айланади. Бу ҳолни Белинский гулдаги ҳамма нафис жиҳатлар, нозик нуқталарнинг замини унинг уруғида мавжуд бўлиши ҳодисаси билан қиёслаган эди. Шеър ҳам гул каби табиий йўл билан етилиб, “очилганда”- қоғозга тушгандагина тўла намоён бўлади. Яъни, шоир нима дейишини бошда тафсилий аниқлиги билан унинг ўзи ҳам билиб олиши имконсиз булса керак. Негаки, маълум ният, ўй-фикрнинг фавқулудда нозик нуқталарини, конкрет ва ўзгача образларини, турли ифода жилваларини фақат жўшқин илҳом дамлари, қизгин ижодий кайфият олиб келиши мумкин. Миртемирнинг ”Қорақалпоқ дафтари”, “Қардошлик кўшиқлари”, “Йил боши ўланлари” туркумларидаги, “Янги шеърлар” китобларидаги кўпчилик шеърларнинг теран ва кўламдор маънолар ташиши, тиниқ ва рангин образларга, мусикий ифодаларга бойлиги асли шеърый эҳтироснинг армуғонидир.

Албатта, истеъдодли шоирнинг кимлиги, ижодий эътиқоди, поэтик диди унинг оламга ўзлигидай хабар берувчи дастлабки овози- биринчи шеъриданок сезилиши мумкин. Айни замонда, чинакам истеъдодэгаси ижодда эркин ҳаракат қилади, тайёр, очилган йўллардан бормай, ҳар бир шеъри учун ҳар гал янги меъёр белгилайди, янгидай йўл очади. Тинимсиз изланади, тинимсиз ишлайди. Лекин бу мислсиз руҳий меҳнат жуда бемалоллик билан кечади. Шеър туғилаётганда гўё шоирнинг ўзи ҳаракат қилмайди, уни ғойиб бир куч бошқаради, мисралар ёзилмайди, яратилади. Оромсизликнинг гўё билинмаслиги ҳам шундай бўлса керак.

Меҳнатсиз бир нафас йўқ,

Мен илҳомга шайдойи...

Бу байтдан шоирнинг ижод, яратиш ишқи билан шеър устидаги давомли меҳнат жараёнини бир бутун деб билганлиги кўриниб турибди. Шеър илҳоми- табиат мўъжизаларидан бири, унинг ғаройиб инъоми. Уни шоир дастгоҳида- қалб ижодхонасида тутиб, ром қилиб туриши алоҳида иқтидорни, маҳоратни талабқилади. Шайдойи, ҳалол, заҳматкаш шоирни илҳом осонлик билан ташлаб кетолмаса керак. Бундай баланд руҳли илҳомбахш-рағбатли кайфиятнинг мумкин қадар кўпроқ давом этиши, унга фавқулудда шижоат бағишлайди:

куёш тошқинларини

Сипқоргум мисли шароб,

Шўх боладай чўмилгум

Ҳаёт дарёларида...

Миртемир ижод фароғати ва қийноқларини табиий эҳтиёж деб билади, ўзининг ҳаёт мезонига айлантиради. Ижодкорнинг бундай табиати тўсиқларни, мушкулотларни писанд қилмайди. У баъзан кичик бир ҳодисадан қаттиқ ҳаяжонга келиши, аксинча оддий ҳақиқатлар олдида бирдан ўзини ожиз ҳис қилиши, кутилмаганда, биз боиси нимада эканини билолмайдиган ҳолларда ё бизга арзимас бўлиб кўринган нарсадан ўйчан кайфиятга тушиши мумкин. Шоир топаман деса енг мушкул муаммоларга ҳам тез жавоб топа олади.

Ҳар бир шеърнинг ўзига ҳос туғилиш қийноғи бор. Шоир ҳиссиётига ўтган, шуурига айланган ҳаёт ҳақиқати қоғозга тушгунича у “кураш”нинг турли ҳолатларини кечиради. Илҳомнинг сахийлиги ёки қийноқлари билан туғилган, ҳаётнинг ўзидай оддий ва мураккаб кайфиятлар маҳсули бўлган энг яхши шеърлар Миртемир ижодининг қанчалик ҳаққонийлигини кўрсатади.

Қуюнларда қолганимда, чангга ўралганимда

Оҳангарон тўзонидан занжи қоралганимда,
Ёки яхши тимсол излаб, чангдай таралганимда,
Ўзбекистон тонглари бодор кутган кўзларим,
Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна ютган кўзларим...

Бу оташин сатрлар кўп йиллик тажриба, кўп йиллик заҳмат, узоқ, зиддиятли ўйлар, не-не андишалар, давомли мушоҳадалар самараси, қанча ҳаётий ва адабий меъёрлар ёрдамида яратилган ҳиссий-фикрий умумлашма эканлиги аён кўриниб турибди. Улар шеърият ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, шеър қадрини ардоқлайди, унинг ижодкорлик ва гражданлик қиёфасини янада улуғвор қилиб кўрсатади.

Шоир ва шеърият, лирик қаҳрамон- “мен” ва “коллектив даҳо” (Гёте) тушунчалари, умуман, мураккаб, давомли ижодий изланишлар жараёнида ижодкор ҳаёти, тақдири унинг шеъриятига ўтиши, шеърияти орқали реал воқелик билан, замондош дунёси билан узвий боғланиб, ўзаро сингишиб кетиши- бу катта санъаткорлардагина бўлади- Миртемирнинг “Менлигим” шеърида ёрқин ва рангин лирик лавҳаларда, рамзий образларда ифодаланган:

Гозғонда камалак янглиғ мармарман,
Ҳали сайқали йўқ ғўдир гавҳарман.
Томчиман, киёгар, ўзим аллома,
Ҳаёт илдизиман, шифо жавҳарман...
Ўзим саратонман, мўл-кўл кузакман
Яшил гумбазману ёрқин безакман,
Мен ўзим чўнг наққош, ўзим бинокор,
Ўзанман, оқинман, кўрман, ўзакман.
Мен баҳорий чўлда юз ранг чечакман,
Сой бўйи- тутзорман, яшил эртакман.
Мен чексиз боғу роғ, бол оқар поллиз,
Теп-тепа пилла, той-той ипакман...

Бу фақат Миртемир мушоҳадасига хос халқчил пурмаъно, кўпқиррали образлар шоирнинг катта шахсияти учун ҳам, у меҳри жўшиб қаламга олган Ўзбекистон, кенг маънода социалистик Ватан учун ҳам муштарак фахрия тимсоли бўлиб янграйди...

Шоир зоти табиатан таъсирчан бўлса-да, у нимадан таъсирланса, ўша ҳақда ёзавермайди. Айниқса, бугунги чуқур кўламдор билимга эга бўлган, танқидий характердаги ёшликни, унинг мураккаб дунёсини зоҳиран билмасдан, ботиний ҳис этмасдан асар яратиш мумкинми? Албатта, китобхон билан ҳамма вақт яқин мулоқотда бўлиш имконсиз. Лекин, истеъдод эгасида на катта турмуш тажрибасига, давомли кузатишларга, на тинимсиз мутолаага боғлиқ бўлмаган ички- ботиний туйғу (интуиция) мавжудки, у китобхонлар талабини, асосан, ўрганиб эмас, ғойибона ҳис этиб, кўнгилдан кечириб, шоирона башорат биан билади. Асли шоир қалби буюрганини ёзади, деб шуни айтсалар керак. Миртемир шеъриятида, унинг ибтидосида ана шундай руҳий тийракликни кўрамиз. Илҳом меваси бўлган ҳар бир шеър, аввало, шоирнинг ўзи учун янгиликдир. Шу сабабдан ҳам у гўзалликдан ҳайратланади, рашк қилади, тугёнга келади, ё кимдандир, нимадандир ғазабнок бўлади, изтироб чекади... умуман, Миртемирдай ёниққалб санъаткорларга хос сифатлар кўп.

Шоир одатда қандайдир сирли товушни, сирли шарпани, оламнинг оддий, кўзга чалинмас рангин жилоларини, қандайдир ингичка, муаттар бўйни фақат ўзининг шахсий уқуви, хуштаъблиги, ўткир диди билан билиб олди, тутиб бўлмас нарсани “тутиб туриб” шеър ёзишга киришади.

Чунончи, унинг ажойиб кўшиқлари ҳаётдаги турли товушларни, сирли оҳанг ва садолари фавқулодда муסיқий уқув билан билиб олиш, моҳирона умумлаштириш самарасидир:

Бир - сен, бир - мен, кўл қирғоғи,

Яшил водий - оқшом чоғи.

Оқшом чоғи - висол боғи

Ой ҳам кўнар дор устуна.

Оний кайфият, оний оҳанглар, кўнгилнинг ажиб нурли истаклари сержилва серишва туйғуларни туғдириши, баъзан поёнсиз ўйларни бошлаб келиши мумкин. Умуман, Миртемир кичик, оддий нигоҳ сезмайдиган нарсадан катта таассурот оладиган шоирлардан. Шунинг учун унинг зоҳиран оддий туюлган сатрларида фақат юқоридаги каби ўйноқи, муסיқий маъноларгина эмас, балки давр нафаси, давр аҳлининг ўй ва интилишлари ҳам умумлашган бўлади. Айниқса, “Қорақалпоқ дафтари”, “Йил боши ўланлари” туркумларида, “Янги шеърлар ” китобида шундай характерга эга бўлган талайгина шеърлар бор. Миртемирнинг гоҳ навқиронлик давридаги, хоҳ сўнгги йиллардаги энг яхши шеърлар бор. Миртемирнинг хоҳ навқиронлик давридаги, хоҳ сўнгги йиллардаги энг яхши шеърларини ўқиганимизда поэтик сўзнинг яширин маъно тармоқларини, нозик мантиқий-

образли қирраларини, каттиққўллиги ё майинлигини, енгиллигини ё вазндорлигини, сокин-босиқлиги, ё шиддаткорлигини яхши биладиган ниҳоятда хуштаб шоирни тасаввур қиламиз...Мана, бинафша тасвири, бинафша ола келган наврўз кайфияти,наврўздагидай уйғонган, безовта, ичга сиғдириб бўлмас ҳислар образи қандай оддий-ю, қандай фараҳли чизилади:

Нозик ва там-там,

Жимиллар бирам,

Кўклам элчиси,

Тонглар кулгиси.

Жаннатий иси,

Самовий туси...

Қани, юр қирга...

Қани, юр дилдор!

Оламда не бор -

Ёшлик каби шўх,

Ёшлик каби чўғ...

Бу - сўзларни фақат поэтик синчковлик ва маҳорат билан саралаб териш натижасигина эмас, балки улар қайноқ ҳис этилган. Шунинг учун мисраларда баҳор жилвалари, ғамзалари, ҳамалдаги ирмоқлар шўхлиги, ўйноқилиги бор, бундан кишининг баҳри-дилини очадиган, руҳига ажиб бир енгиллик бағишлайдиган жозиб куйлар таралиб туради. Муҳими, шеърга жойланган ёшлик мавжлари, унинг беназир кайфияти бизнинг туйғуларимизни ҳам безовта қилади.

Алишер Навоий ошиқнинг нотинч кўнглини чўғнинг тинимсиз яллиғ бериб, мўъжизакор тусда ичдан нурланиб, ичдан порланиб туришига қиёслаган эди. Миртемир ўшандай оташ дамларнинг шеърый обидаларини яратиб беришга интилади,шу иштиёқда ёнади. Натижада зоҳиран манзара тасвири - табиат лавҳалари ҳам руҳий ҳолатлар рамзига айланади. Бунга мисол сифатида қуйидаги лирик парчани келтириш мумкин:

Ялтирар суйра тепа, ялтирар қир узунчоқ,

Келинлар тақинчоғи, узун кўзларими ё,

Чор атроф сабзаларда жимир-жимир кўзмунчоқ,

Бўй-бўй дилраболарнинг сузук кўзларими ё?

Йўқ, бу гирён кўзларнинг ярқироқ замзамаси.

Кечаси онам тагин йиғлабди-да чамаси.

Кечмишнинг не-не пурдард шоирларига шеърий нисбатлар манбаи бўлган табиатнинг биллурий ҳодисасидан - тонг шабнамидан шоир таъсирланмаганда, таассуротини ўз қизғинлигида мисраларга кўчирмаганда шудринг тасвиридан оловли ларзали таассурот туғилармиди? Хусусан, сўнгги икки мисрада қанча теран ҳаётий фалсафа, инсоний дард ётади. Бир вақтда гўзалликни нозик ҳис этган ҳолда, шу заминда эзгу ўй-қалб хотиротига муносиб қиммат бериш катта санъаткорга хос хусусиятдир. Ҳассос шоиргина китобхонни ҳам қувонтириши ҳам ўйлантриши мумкин.

Шеър - жонли вужуд, у ёзилмайди, фақат яратилади. Шу ўринда улут мутафаккир В.Белинскийнинг ижод жараёнига тааллуқли сўзларини келтириш эҳтиёжи бор: "...Она ўз бағрида болани қандай парвариш қилса, санъаткор ҳам бадий фикрнинг уруғини ўз руҳида шундай аллалаб юради. Ижод жараёни аслида онанинг бола туғиши ҳодисасига ўхшайди. Бунда ҳам жисмоний бўлмаса-да, руҳий оғриқлар - дардлар кўп учрайди". Шоир бундай дард билан яралган ҳар бир асарини худди фарзандидай фавқулодда эҳтиёт ва эътибор билан ҳаётга йўллайди, баъзи шеърлари устида йиллар давомида машғул бўлади, тузатиб бўлмайдиганларидан эзилиб юриши мумкин...Умуман, шеърнинг тақдири ижодкорнинг ҳам тақдири демакдир, шоир буни ўйламай асар ярата олмайди. Миртемир барча ҳассос шоирлар каби ижодда заҳматкаш, ҳалол, гўзаллик уруғини бободехқондай меҳр, яхши ният билан, авайлаб экади, ундиради, парваришлайди. У баъзан кўнглидагидай хирмон кўтара олмаслиги мумкин, лекин заҳматкашлик, ҳалоллик одатини канда қилмайди. Бу фазилат Миртемир шеърларнинг ғоявий юксаклигида, мазмунан теранлигида, сўзларнинг бадий расо, тиниқ ва рангинлигида, муסיкий жозибасида бевосита сезилиб туради. Баъзан шоир буни билвосита ҳам айтади:

Яратмоқ, қурмоқ учун

Келдик ахир жаҳонга,

Ғафлатдан тоқатим-тоқ,

Ҳушим йўқ уйқуга ҳеч,

Ҳалол нон ошаб яшай,

Бир ушоқ емай текин,

Заҳматкаш юрт олдида

Юзим бўлсин доим оқ.

Модомики, шоирнинг яратиш ишқи, шеърга шайдолик дарди, унинг толиқиш билмас заҳматкашлиги билан, инсофи, ҳалол-поклиги билан мутаносиб бўлиб қолар экан, бундай ижод самараси китобхон ва халқ назарида ҳамиша эътиборли саналишига, юксак қадр-қиммат топишига шубҳа қилмаса бўлади. Миртемир шеърятининг китобхон кўнглига бемалол, равон оқиши, омма, халқ руҳиятига кўпдан сингиб кетганлиги, ҳатто қардошлар дилига йўл топганлигининг биринчи омили шоирнинг ҳамиша оташқалб, ижодий ҳалоллик билан, заҳматкашлик билан қалам тебратганлигида. Шу хусусиятларнинг ўзиёқ шоирни ардоқли халқ куйчиси, хассос сўз санъаткори мартабасига кўтаради.

АЗАЛ ВА АБАДИЯТ ОБРАЗЛАРИ

1. СУКУНАТ СИРИ

Мен катта шоир лирикаси ҳақида сўз, баҳс юритиш учун , аввало, унинг шеъриятга муносабатини бир қадар аниқ тасаввур қилиш лозим, деб биламан.

Асқад Мухтор “Ўзим ва шеър ҳақида” деб номланган мухтасар поэтик “ҳасбу ҳоли”да ижодкорнинг такомил йўли учун хос бўлган изланиш машаққатлари, қувончлар ва муваффақиятсизликлар тўғрисида ҳақиқий санъаткор самимияти билан, қулфи-дилини очиб сўзлайди. У биринчи шеъридан биринчи китобигача хийлагина фурсат ўтгани сабабига тўхталиб: “Буни мен узоқ вақтгача китобхон билан топиша олмаганимдан кўраман” дейди, поэзия ҳақидаги, унинг сирли-мўъжизали табиати, чин моҳияти хусусидаги қарашлари бир неча бор ўзгарганини ҳам очик айтади. Шахсий камчиликлар устида сидқидилдан, рўй-рост гапириш ўз иқтидорига ишонган, истеъдод масъулиятини чуқур ҳис этадиган ижодкоргагина хос хусусиятдир.

Асқад Мухторнинг кўпчилик миниатюралари унинг ҳаёт ва ижод йўлини, шахсиятини, маънавий позициясини, ўзига хос шеърий таъбини кўрсатиб туради. У ўзининг китобхонлар эътиборига молик бўлган шеърларини “биографиямдаги муҳим воқеалардан” деб ҳисоблайди , демак, шоир ҳаётидаги “муҳим воқеалар” уларни ижодий ўзлаштириш, бадиий идрок қилиш йўли билан турли асарларида турли даражада инъикос этади. Асқад Мухтор “Ўзим ва шеър ҳақида” номли адабий қайдларини давом эттириб: “Шеър ғояси шоир ва китобхонлар ҳамкорлиги самарасидир”, дейди. Чиндан ҳам биз унинг шеърларини ўқиб, хуштаъб ва маърифатли китобхоннинг орзулари, ўйлари, маънавий-руҳий олами, шоирнинг конкрет таассуротлари, уни безовта қилган ўй-хаёллар билан қўшилганига, шеър мисраларига ўтганига амин бўламиз. А. Мухторнинг одамлар дили, руҳияти ва кайфияти билан ботиний алоқасига, улардаги эстетик зарурат - шеър чанқоқлигини ғойибона-интуитив билиб олиш салоихятига қойил қоламиз. У: “Ҳар бир шеър китобхон билан алоҳида бир суҳбат”, дейди. Ҳақиқатдан

хам, шоирнинг, айникса, воқеабанд шеърлари, катор миниатюралари китобхон билан юзма-юз мулоқот, қизгин ва самимий баҳс, эркин фикрлашиш, бемалол, жонли суҳбат - гурунглашиш усулида ёзилган. Бу - шеърга табиийлик, ҳаётийлик бағишлайди, мисраларга воқеликнинг характерли унсурлари, янги лавҳа-эпизодлари, ҳаёт ҳақидаги фалсафий мулоҳаза ва мубоҳасалар кириб келади. Бундай “фикрловчи” хусусиятлар жўшқин таассурот - поэтик эҳтиросга йўғрилиб берилганидан поэзияга халал етмайди.

Шоир ўз китобхони билан бамисоли турли ажойиботларга қизиқувчан, истеъдодли ва зийрак бола қаршисида тургандай, фақат санъаткорларга хос жозибадор донишмандлик ва масъулият туйғуси билан (болалнинг табиати панд-насихатни кўтармаслиги маълум) сўзлашади. У носих эмас, балки шоирлигини унутмаган ҳолда, сездирмасдангина нафақат шеърят назокати ҳақида, шу билан баробар ҳаёт сабоқларидан ҳам озми-кўпми маърифат беради. Расул Ҳамзатов: “Шоирнинг вазифаси афоризмлар айтишдан иборат эмас, лекин унинг шеърӣ сатрлари моҳиятидан бирон-бир ҳикматли фикр англашилиб туриши лозим”, деган эди. А.Мухторнинг кўпчилик миниатюра ва манзумаларида жўшқин мушоҳада тарзида, конкрет ҳаётӣ лавҳада ифодаланган оригинал шеърӣ ҳикматларни кузатамиз, улардан ўзгача завқ оламиз, ўйга чўпамиз. Мана, баъзи мисоллар: “Мени душман енголмади, дўстларим енгди”, “Дўст бўлса, ҳар қандай об-ҳавода ёнгинангда турса...”, “Тонглар гўзаллиги Тунлар мижжа қоқмай дастгоҳим ёнида турганимдандир”, “Минг йиллик омонсиз курашга арзир Инсон идроки-ла, порлаган бир кун”, “Умрнинг услуби бўлмасми ғализ ҳаётни ҳақиқат таҳрир этмаса!” ва.ҳ.к.

А.Мухтор лирик поэзиянинг субъектив туйғулар заминида туғилаб туриб, оқибат-натижада объектив характер касб этишига, шахсий-индивидуал хусусиятлар билан фуқаролик мотивлари нисбатига бундаги сирли алоқага чуқур разм солади, шу тарзда поэзиянинг хос қонунияти ҳақида ўз нуқтаи-назарини, ўз ҳукмини билдиради, чунончи, у шеърятнинг эмоционал кудратига, ижтимоӣ моҳиятига шундай образли шарҳ беради:

Сени танидимۇ қалбда сеҳрли ганж,

Олам гўзаллиги - қалбимнинг мулки.

Одам гўзаллиги - қалбимнинг мулки!

Шоир турли мавзудаги бошқа шеърларида ҳам ўрни зарурати билан шеърят ҳақидаги ўй фикрларга қайтади. Чунончи, “Шундай ўтган умр армонсиз” шеърида Зарафшон дарёсининг бутун бир водийга, бир неча воҳага ҳаёт, қут, гўзаллик бағишлаб, охири Чўли Маликда дармонсиз жилдираган найча сув бўлиб қолишини, яна нарироқ бориб, сўнгги

томчиларини ҳам “қизиган кум омонсиз ютиши”ни зиддиятли ўйлар, қалб эҳтироси маҳсули бўлган лиро-эпик лавҳада тасвирлайди ва муҳими шундаки, буюк ғайрат ва ҳиммат, беминнат саховат ва фидойилик билан кечган дарё йўлини ўзининг шеъриятга бағишланган ҳаёт йўлига қиёслайди:

Шундай ўтсам экан мен ҳам

Йўлларимни!

Шундай ўтган умр -

Армонсиз.

Бундай юксак фидойилик ғояси бошқа бир шеърда янги усулда, кутилмаган ёрқин образ орқали берилади. “Мусо Жалилга” номли 5 сатрлик миниатюрада руҳий манзара, ҳиссий бир лавҳа - сукунат образини яратади. Мусо Жалилнинг узоққа чўзилган машъум сўроқлар давомида - сўнгги нафасигача сукут сақлагани бадийий маъёр қилиб олинади, шоирнинг “сукунат” сўзини теран маъноли, давомли интонацион такрорда бериши, уни умумлашма-фалсафий образ даражасига кўтаради, мавзу шоир шахси, унинг мислсиз жасорати билан боғлангани учун сукунат образи жасур, курашувчан шеърият рамзига айланади:

Сукунат, сукунат, сукунат!

Шу сукунат каби янгра шеърларим!

Бу рамзий образнинг бошқа бир қирраси - умуман ҳақиқий шеърнинг туғилиш сукунати, изланишлар сукунاتини ифодалайди. Биз том маънодаги поэзия осон яратилмаслигини, баъзан ижод дарди кўпга чўзилиши мумкинлигини, лекин оқибат-натижада кучли, умрзоқ асарлар майдонга келишини биламиз. Шу маънодасукунат синакам поэзиянинг яратилишидаги зоҳиран сокин кўринса-да, асли замирида муайян эстетик қонуният яширинган бутун бир жараён рамзидир. Бошқа йирик истиснод эгалари каби Асқад Музторнинг энг яхши шеърлари давомли изланишлар, шоирнинг ўзигина биладиган беқиёс машаққатли меҳнат маҳсули, баъзан “сабр-тоқат билан кутиш” (М. Пришвин) натижаси сифатида, тансиқ нарса, бамисоли мўъжиза тарзида майдонга келади. Хуллас, “Мусо Жалилга” шеърда қаҳрамон шоирнинг инсоний ва ижодий тақдири, абадияти, ҳақиқий шон-шуҳрати учун сукунат (ўлим олдидаги жасоратни, кейинги- то “Маобит дафтари” топилгунича ўтган вақт билан қўшганда) теран, кўпқиррали маъно ташувчи полисемик образ даражасига кўтарилиши ҳам... кифоя қилмас экан. Бу миниатюра ўз вазни ва кўламига нисбатан кенг эканлигини бевосита А. Мухтор ижодига, қолверса, умуман, поэзияга нисбат бериш орқали аниқ тасаввур қилса бўлади. Ахир жаҳон шеъриятида узоқ сукунатдан кейин янграган шеърлар оз бўлганми?..

Бевосита ё билвосита шоир-ижодкор тақдири билан қиёсланган оригинал сатрларни Асқад Мухторнинг “Африка”, “Дақиқа ва абадийлик”, “Ухламай, суқ билан...”, “Фариштамас одамзод...” “Ҳисобга олмаймиз...”, “Ўлчови бор ҳар маҳсулотнинг”, “Бу дунёда илк бор...”, “Мен кўп йўллар юрдим...”, “Дадам машҳур печкачи ўтган...” каби шеърларда ҳам кўрамиз. Поэзия ҳақидаги шоирнинг мушоҳада ва мулоҳазалари унинг шеърятини чуқурроқ англашимизга ёрдам беради.

Асқад Мухтор - ижодий уфқи кенг, образлар дунёсини рангин ва бой шоирлардан. У борлиқнинг турли масштаблари, координатларига, поёнсиз кенгликлари ва оддий кўздан яширин ички қатламларига нигоҳ ташлай олади, узоқни яқин қилиб, қуёш катталигини зарра ё қатрада, умумий-хаос ҳолатидаги нарса ва ҳодисаларни аниқ ва бутун шаклда бериш, мўъжазгина бир вужуд тасвирига чуқур маъноларни, давомли ўй-хаёлларни жойлаш сирини билади. Бу узоқ, синчков мушоҳада юритиб, маълум фикрни ботинда етилтириб уни оз сўзда мухтасар ифодалаш санъати, поэтик умумлашма яратиш маҳоратидир. Бу - йиллар давомида неча бор ёниб жамғарилган қалб хотиротини, тинчлик бермайдиган ўйларни, тажрибада кечирган-билганларни, ниҳоят, янги таассуротларни неча бор ички поэтик таҳлилдан ўтказиш, неча бор ажратиш, саралаб, фақат, муҳимини, эҳтимол, юздан бирини, эҳтимол, мингдан бирини олиш, шеърини меъёрга солиш, мисра ва образларга кўчириш... Шоир кенгроқ тасвирлаш мумкин бўлган катта, салмоқли таассуротларини ҳам иложи борида “сўзга зикналик” билан, ўзича энг ихчам деб билган шаклда беришга интилади. Айниқса, миниатюралар китоби. “”Янги китобдан туркуми фикримизнинг далили бўла олади. Мана “Дарё” шеъри:

Ана, ўша - Чирчиқ, тоғ тўшларида

Зангори лента бўлиб кўринган.

Кўшиб ўрилган у даврим ишларига,

Умрим йўлларига кўшиб ўрилган.

Тўрт сатр тархига олинган бу шеър жонажон ўлка ҳақидаги узоқ ўй-хаёллар, қалб мушоҳадаларининг қайсидир бир сўнгги таассурот билан аниқлик топган поэтик шакли-образи тарзида туғилмаганми? Шоир яратган лирик манзара, айниқса, учинчи-тўртинчи мисраларда (“даврим ишлари”, “умрим йўллари”) чинакам умумлашма образ даражасига кўтарилади. Бир вақтнинг ўзида ҳам бадиий аниқликка, ҳам катта умумлашмага, ҳам етук лаконизмга эришиш санъаткорона изланишларнинг натижасидир. Таассуротларни бармоқ билан санарли сўзлар лавҳасига жойлаш, шеърга бутун ва тугал асар сифатида поэтик меъёр белгилаш, сўз сайқали устида ишлаш учун ҳар гал ижод жараёнининг қандай оригинал йўлини ўтганини

тафсилий аниқлиги билан шоирнинг ўзигина айтиб бериши мумкин. Поэтик истеъдод ва поэтик маҳорат тушунчалари мана шунда таносибга эришишини кузатса бўлади...

Асқад Мухтор поэтик фикр кўламдорлигини чуқур бадиий зарурат маъносида тушунади. У турли жуғрофий, тарихий атамаларни зоғиран келтириш (майли улар тажрибакор қалам билан сайқалланган бўлсин), шу асосда маълум бадиий-мантиқий силсила тузиш билан том маънодаги шеърини мастабликка эришиб бўлмаслигини яхши билади, шунинг учун турли масофалар ва манзилларни, турли меридианлар ва координатларни англаувчи ўз ҳолича рангин, пурвиқор истилоҳларга эҳтиёж сезмасданок кенг уфқлар манзарасини чиза олади, кичик бир тафсилга, мўъжазгина лирик лавҳага умумбашарий ўйларни мужассамтира билади.

...Шундай сукут чўкса, эшитсам:

Космосда хаёлнинг дадил қадамин.

Иносам тўпларнинг тинганлигига,

Бахтли бўлганига оламнинг.

Бу сатрлар, даставвал, куррамизнинг дарду ташвишлари манзарасини жонлантиради, шоир башариятнинг тинчлик қарор топадиган дориломон кунларга интилиб яшаётганини, курашаётганини ифодалаш учун яна “сукут” сўзидан фойдаланади, лекин бу гал сўзнинг янги фалсафий-лирик тимсол-образга айланганини сезиш қийин эмас. Поэтик фикр кўламдорлиги, аввало, ўзига яраша теранлик, салмоқдор ички мазмун яратиш, қолаверса, фикрга бадиий-образли қиёфа бериш билан белгиланишини шоир тийрак ҳис қилганлиги кўриниб турибди.

Биз шоир ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиради, уни поэтиклаштиради, деймиз. Бу фақат бадиият, санъат, маҳорат масаласи бўлмай, балки маъноси кенг, мураккаб жараёндир. Ҳақ сўзни айтишнинг принциплари - зарурати, ўрни, вақти, ғоявий-бадиий меъёри бор. Шоир сўзининг не чоғлиқ қиммати, аҳамияти ана шу принципга, аниқроғи, унинг ғоявий-маънавий позициясининг юксаклигига боғлиқ. “Турмушнинг ўткинчи икир-чикирлари устида принципааллик қилиш - мешчанлар фалсафаси”, - дейди М. Светлов. А. Мухтор давр воқелиги, инсоннинг руҳий дунёси билан боғлиқ ҳақиқатларни поэтиклаштиришда етук гражданлик иқтидорига, ҳаётий тажрибада, санъаткор маҳоратига эга. Биз унинг кўпчилик миниатюра ва манзумаларида даврнинг катта ижтимоий ҳақиқатларини ҳам, айрим шахснинг бахти ёки бахтсизлигининг рўй-рост тасвирини ҳам - инсонни маънавий-ахлоқий юксакликларга бошловчи, зарурати билан унга сабоқ, руҳига далда блҳўларли фикрларни ўқиб таъсирланамиз. Асқад Мухторнинг

катта поэтик ҳақиқатлар ярата оладиган иқтидорини, масалан, “Онам менга юрак ато этган” шеърдан кузатса бўлади.

...Йўқ, онажон, меҳр-муҳаббатга
Бағишлай олмадим тамоми қалбим.
Мен чанқоқ туғилдим, ҳақ-ҳақиқатга,
Ҳужумкор синфимнинг бағрида қолдим...
Шунинг учун меҳру муҳаббатга
Лим-лим тўлолмайдим, онажон, юрак.
Зулмат оламини титратган
Муқаддас нафратга унда жой керак.

Гўё она тилагига фарзанд жавоби тарзида ёзилган мисралар кутилмаганда кўламдор ва чуқур ижтимоий мазмун касб этади, улар “ҳужумкор синф”нинг ғоявий эътиқоди, кенг маънода жаҳоншумул ҳақиқатни ёрқин ифодалаши билан, бадий умуллама кучи, эмоционал жозибаси билан гражданлик лирикасининг намуналари даражасида туради.

Асқад Мухторнинг, айниқса, янги шеърларида фалсафий-бадий таҳлил усули ажралиб кўринади. Ҳаёт мураккаб, ҳозирги воқелигимиз сертармоқ ва серқатлам, космик аср тараққиёти унинг янги қирраларини тадқиқ қиляпти. Бундай муҳитда инсон шахси, руҳий дунёси, унинг зиддиятлари ҳам тобора чуқурлашиб боради. Мана шу мураккаб воқелик таассуротларини руҳий-маънавий оламнинг фақат шоирона туйғу билан идрок қилинадиган сирларини мумкин қадар аниқ ифодалаб бериш учун поэтик таҳлил усули нақадар аниқ зарур. Бу заруратни йирик истеъдод эгаси, санъаткор шоиргина тушуниши мумкин.

Асқад Мухторнинг “Тонг олди тинч...”, “Ярим тундан кейин...” каби шеърларида аллақайси бир қушча овозию шоир томиридаги қон ҳаракати поэтик таҳлил объектига айланади. Биринчи шеърда таассурот азалнинг сабабияти - сирли овоз орқали таҳлил қилинар экан, кутилмаган лирик лавҳа намоён бўлади: тун қоронғилигининг билинар-билинемас кўтарилиб бориши, кўёшнинг тоғ чўққиларига илк тиф уриши олдидаги табиатнинг мўъжизакор манзараси - гўё оламнинг янгидан шакл-шамойил, ранг-тус, мазмун, чирой касб этиш жараёни ғаройиб кечинма тарзида чизилади. Шоирнинг қалб қулоғи, кўнгил нигоҳи қайсидир дарахт шоҳидаги қушчанинг ногўҳаний чиқарган мудроқ товушини уқиб, илғаб олади-да, уни фалсафий-лирик тимсолига айлантиради.

...Қандайдир бир қуш

Уйқутираб “чирқ” этди.

...Олам тушин ҳуркитди

Шу заиф товуш.

Бир нозик тову холос,

Лекин илк куй уйғонди,

Бир зарра олмос.

Аввало, шоир табиатнинг сеҳрли ҳодисасини фавқулодда нозик уқув билан билиб олганини, бу жараёни ўзининг табиий бўёқлари ва оҳанглари билан шеърга кўчиришини алоҳида қайд этиш лозим. Фақат ҳассос шоирга ҳос нозик дид табиат ҳодисаси замиридаги шеъриятни тадқиқ қилиши мумкин. Шайхзода товушларнинг рамзий-мажозий образини чизиб, уларда фақат мусиқий маъноларгина эмас, ранглар тили, баҳор нафаси, бўйи, жонли вужудлар суврати, қаттиқлиги ва майинлиги бор, деган эди... Асқад Мухтор товушнинг “ёнгани”ни, “томси куй”га айланганини, “куй (бўлиб) уйғонгани”ни ҳис этади. Ёниб нурланган, томчига, куйга, уйғоқлик тимсолига айланган товуш “зарра олмос” бўлиб товланиши кутилмаган ҳол эмасми? Товушнинг сирли сифатлари поэтик таҳлилда инкишоф этилгач, субҳидам манзараси чизилади.

Туман ҳиди анқиди.

Шитирлади япроқлар

Қулоч ёйди атрофлар,

Уфқ балқиди.

Табиатда бир вақт ичида юз берган ҳам оддий, ҳам сирли ҳаракат-уйғониш ва жонланиш фалсафаси, ранглар ва шакллар, нурлар ва товушларнинг лирик тимсол-образи... Ниҳоят, ўзига ҳос бадиий таҳлилнинг синтези- умумлашмаси берилади, лекин буни фақат шу шеър доирасидаги хотима дейиш мумкин, аниқроғи, миниатюранинг шакли- сувратини ўқиб битирсак ҳам, сийратини- маъно ва моҳиятини ўқиб, идрок қилиб тамомлашимиз қийин.

Қушча сир келтирганди

Қуёшнинг илк нуридан.

Шу товушнинг сеҳридан

Олам шаклланди.

Олам шаклланди.

Шоирни безовта қилган эзгу ният- ҳар гал илк тонг пайтида оламнинг янгидай яралиш, “шаклланиш” сирини, бундаги шеърятни зўр маҳорат билан ифодалаш китобхонда ҳам ўшандай жозиб туйғуларни уйғотиши ажабланарли эмас. Фалсафий хаёллар шеърдан шеърга томон ривожланиб боради. Чунончи, шоирнинг қаҳрамони ярим тунда ўрнига ётадию, ухлай олмайди: у қонининг ўзгача бир мавжини аниқ-аён сезади, бу ботиний туйғу бошқача теран хаёлларга айланади: қоннинг ҳаракатидан аждодлар нидоси келаётгандай бўлади! Шу сирли руҳий алоқа шоирни ҳаёт ҳақида, келажак ва абадият ҳақида ўйга толдиради. Лекин бу ҳали шеърнинг авж нуктаси эмас...

Мен ҳам бир вақт қон бўлиб кўпирсам,

Тинглайдигин одам бўлармикин?..

Табиий, шоир бу безовта ўй билан қаноатланмайди. Уни “тинглаш”гина эмас, келажак наслларнинг англай олиш ё олмаслиги ортиқроқ қийноққа солади. Гап авлодлар ўйида ота-боболар руҳининг барҳаёт бўлиши ё унут бўлиб кетиши устидагина бораётгани йўқ. Шоирнинг келажак идеаллари, тўғрироғи, унинг реал маънавий эҳтиёжлари қизиқтиради. Зеро, келажак бўғининг ўз аждодлари руҳини ёд этиши ҳозирги юксак маънавий-ахлоқий тушунчаларнинг қанчалик сақланиши билан боғлиқ эмасми? Асқад Мухтор шеърининг сўнгги сатрларини ҳар бир софдил кишини ҳаҷжонга солувчи чуқур маъноли фалсафий савллар тарзида қуради, улар шоир илгари сурган фикр-ғоянинг моҳиятини ташкил этади:

-Борми ҳақиқатга ҳамон ташналар?

-Одам юлдузини кўкдан уздими?

-Боғлар кўкми?

-Тиниқми чашмалар?

-Қизларнинг ибоси эзгуми?

Бу гал ҳам шоир китобхонни баҳсга чорлайди, беихтиёр ўйга толдиради, у шоир фикрларини ўзича талқин қилишга ҳаракат қилади. Шоир билан китобхон алоқаси мана шундай чуқур, шеър ўқилиши билан узилиб қолмайдигин руҳий алоқа бўлиши керак.

Шоир ўйлари танаффус ва қўним билмайди. Масалан, тунги хаёллар ёруғ хонада, иш столи ёнидагина эмас, бутун олам ухлаган зим-зиё кесада ҳам уни тинч қўймайди, яъни ижодий иш муайян шарт-шароитданҳоли ҳолда давом этади. Шунинг учун ҳам шоирнинг қаҳрамони мамнун: чироқлари ўчирилган уйқусиз тунни ўзининг ўйчан дўсти деб билади, “уни қийнаб” суҳбатга тортади, бу ғаройиб имкониятдан самарли фойдалансам дейди.

Тун билан нотинч суҳбутда

Эртаги кунимни чоғлолсам.

Кундалик шошқалоқ ташвишларимни

Умр моҳияти билан боғлолсам.

Асли бу ижодкор учун табиий бир ҳол.

Шоир сокин кечада тиниққан ўйлар катта, суронли меҳнат билан тенглашишини истайди, ҳар бир куннинг турли шиддаткор масалалари жавобсиз-изсиз йўқолмаса дейди, бунинг учун тунги ором дамларидан ҳам самар- ижодий дардига нажот кутади... Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, А. Орипов, Э. Воҳидов, Р. Парфи, О. Матжон каби йирик истеъдод эгалари шеъриятида бошқа манбалар қаторида, биринчи навбатда, классик поэзиямизнинг, айниқса, юксак бадий таъсири баралла сезилиб туради. Худди шу заминда туриб дадил айтиш мумкинки, Асқад Мухторнинг энг яхши миниатюраларида, янги шеърларида қадимий Шарқ шеърляти, ўзбек классик адабиёти ланишмандлиги, Навоий даҳосининг кучли таъсири сезилиб туради. Сўз санъати бобида улуг устозлардан, улар қайси заминдан (хоҳ миллий, хоҳ интернационал) бўлмасин, ижодий баҳраланиш ҳар бир изланувчи шоир фаолиятида қонуний бир ҳолдир. Одатда, классиклар мероси ворис ижодкорларга шундай сингишиб, ўзлашиб кетадики, устозлардан нимани олганини шоир аниқроқ айтиб беролмаслиги ҳам мумкин. Мен Асқад Мухтор миниатюраларида ва янги том маънода йирик шеър-манзумаларида поэтик деталлар ажойиб мутаносибликни ташкил қилганини, унинг ўйларидаги мунозара руҳи, ҳаётий зиддиятлар контраст образлар усулида ифодаланганини, шоирона таассуротлар тадрижий силсилаларда, сўз ўйинлари, бадий ифоданинг нозик қирралари тарзида берилганини кўраман, бу беихтиёр классик поэтикамизнинг таносиб, тазод, тадриж, тажнис каби нисбатан оддий усулларини эслатади. Албатта, шоир бундай усулларни бошқа санъат сирлари каби махсус ўрганиш йўли билан эмас, балки улуг шоирлар шеърлятидан таъсирланиш тарзида ўзлаштирган ва ҳозирги шеърӣ меъёрлар заминида қайта ишлаган деб ҳисобласа бўлади.

Мен сени ўйлайман, ўйларим чексиз,

Шундай чексиз бўлсин бахтли кезларинг!

Мен сени ўйлайман, ўйларим тенгсиз,

Шундай тенгсиз сенинг тиниқ кўзларинг.

Классик шеърятимиздаги ташбех, мувозана (параллелизм), таносиб санъатларига монанд келадиган бундай муқояса-нисбатлаш усули А. Мухтор миниатюраларида тез-тез учраб туради.

Шоирнинг кучли шеърларидан, кучли мисраларидан сезиладики, у сўз замиридаги нозик бадий-мантикий, тасвирий-ифодавий, муסיкий - интонацион имкониятлардан санъаткорона фойдаланади, бир-икки сўз лавҳасида кўпқиррали маъно ташиган образларини яратиш иқтидорига, маҳоратига эга. Классик ғазалиётимизда шоҳбайт деб аталган ҳар жиҳатдан мукаммал сатрлар мавжуд бўлиб, бундай байтлар шеърят мухлислари томонидан алоҳида тўпланиб, тартиб берилгани адабиёт тарихидан маълум. Ҳозирги поэзиямизга келганда, икки мисра бўлмаса ҳам, ҳар қалай, асосий фикрни ташувчи, етакчи сатрларнинг мавжудлиги шеърга алоҳида салмоқ, бадий жозоба бағишлайди. Бундай бақувват сатрлар, ёрқин умумлашма образлар бошқа нисбатан оддийроқ мисраларни ҳам “кўтариб” туради. Асқад Мухторнинг кўпчилик миниатюраларида, янги туркумида бундай “таянч” сатрларнинг ажойиб намунасини кўрамыз. Шеърга бамисоли устун бўладиган бундай кучли мисралар шеърнинг турли жойида (кўпроқ охирида) келиши мумкин. Мана, “Вақт” номли ўн бандли шеърнинг бешинчи банди:

Биз уни батамом ҳукмимизга олиб,
Тарашладик шаклу шамойилини.
Энг муқаддас ном билан атадик,
Граждан деб билдик ҳар бир йилини.

“Ёшлигим” шеърида қуйидаги мисралар икки бор такрорланади, бу шеърнинг бадий жозибасини оширади.

Туғилганигдаёқ
Бутун дунё учун
Сен
Келажак бўлиб туғилдинг.

Шундай миниатюралар ҳам борки, уларда биз назарда тутган кучли, “таянч” мисралар кўпчиликни ташкил қилади. “Образ” шеъридаги ана шундай бандлардан бирини келтирамыз:

Инсон уни яратолмас
Фақатгина музаларнинг сеҳри билан.
Гавдаланар улуғ образ
Тарих қўли, ҳақ даҳоси, меҳри билан.

Бу беш бандли шеърнинг деярли ҳар бир банди бошқалар билан ўзича салмоқ талашадики, бундай етук шеърлар шоирнинг бутун шеърятини юксалтириб туради.

Поэтик истеъдоди шубҳа туғдирадиган ҳунарманд шоирларнинг қанча-қанча шеърларини мажбурият тақозоси билан ўқиб, уларни бадий бир бутун қилиб тутиб турадиган бош мисраларни топаман деб беҳуда уринамиз. Кетма-кет чоп этилаётган ўртамиёна шеърый китобларнинг заифликларидан бири асли шу ахир шеърда бирон ярқираб кўринувчи мисра, кучли оригинал образ бўлса, унга ўртамиёна асар деб баҳо беришга **тил борадими?..**

Шу маънода, Асқад Мухтор миниатюралари ҳозирги шеърятимизнинг чинакам намуналари қаторида туради.

2. СЎЗ ЛАВҲАСИГА ЧИЗИЛГАН ОЛАМ

Улуғ Гейне: “Оламнинг дарзлари шоир қалбидан ўтган”, деган эди. Асқад Мухтор “Сизга айтар сўзим” шеърида ҳурликнинг муборак сиймоси билан мулоқот қилар экан, Гейненинг ўша гениал мушоҳадаси - умумбашарий маъно ташиган нафис ва теран образидан ҳозирги мураккаб воқеликнинг лирик тимсоли сифатида ижодий фойдаланади.

Одамларсиз менга на ғам, на севинч...

Кунларимни банд этиб туради

Ризку-рўз қайғуси, шеърларим, болам,

Реформалар баҳси, Ойнинг сурати,

Ўртасидан дарз кетган олам...

“Инсонлар ичида энг инсоний” Сиймо билан ҳаёлан лекин ғоят ҳаётий муаммолар устидаги шеърий суҳбат банддан-бандга чуқурлашиб, мавзу доираси кенгайиб боради. Шоирнинг қаҳрамони ҳурлик билан дунёнинг турли минтақаларидаги кунба-кун кескинлашиб, фожиали тусга кираётган зиддиятлар: “гоҳ у қитъада безиллаб оғриб, гоҳ бу қитъада лов-лов ёнган”, “курра бағрини ханжар ярасиндай яллиғлантирган” даврнинг даҳшатли “дарз”лари, ҳатто “зафар топган инқилоблар тақдири” билан боғланган мураккаб муаммолар, “кураш, ғазаб кўриқлаган ишқ”, “ташвишли бахт” ҳақида эҳтирос билан, куйиниб сўзлашади. Хусусан, эрк, мустақиллик, социал тараққиёт учун курашаётган барча халқлар учун “умид тоғининг қоялари” бўлган замонавий кишиларининг интернационал туйғусини, бизда “бахтни, ҳаётни ҳурликча тушуниш” ҳиссининг моҳиятини ёрқин ифодалаган мисралар шеърнинг пафосини белгилайди.

Асқад Мухторнинг, айниқса, кейинги чорак аср мобайнида яратган миниатюра ва манзумаларида фалсафий мушоҳада самарали бўлган кўпқиррали лирик лавҳа-образлар ажралиб туради. Шоирлик иқтидори ҳам шундаки, у, аввало, ўзимиз кечирган, таъсирланган, нимаси биландир бизга таниш, дилимизга ҳамроз оламни ҳайрон қоларли даражада аниқ ва мухтасар

сувратлаб беради, қолаверса, “номаълумлик томон” (Маяковский) бошлаб, кўз ўнгимизда жозиб бир дунё инкишоф этади.

Чегараси борми ўй ва ҳисларимнинг?

Узоқдаги юлдуз қалбга нур солар...

Бундай бир жиҳатдан ошно, айна пайтда сирли-сеҳрли туйғулар йўғрилган мисралари билан ўзига тортувчи “Мен дунёга келиб дунё орттирдим” манзумаси яхшилик, эзгулик йўлида сарфланган умрнинг маъноси ҳақида, одамнинг ижтимоий ва шахсий идеали, хусусан, замондошлар билан боғлиқ безовта ҳаёллари ҳақида баҳс очади. Шоирнинг қаҳрамони наздида инсон учун “даҳлсиз қувонч, бегона дард” йўқ, каттами, кичикми - ҳар бир муаммо уни безовта қилади қилади. “Заминда тикилган ҳар бир қора байроқ, маҳаллага келган ҳар бир қорахат” одамларнинг ўртадаги қайғуси, муштарак насибаси бўлгани каби шоир қаҳрамонининг ҳам “қалбига жароҳат солади”. лекин ижодкор сифатида фақат она-замин ташвишлари билан кифояланмайди. “Бугун ўйларимни безовта қилар узоқ космосдаги минг йиллик гардлар” дейди у. чиндан ҳам гўзаллик қонунлари билан қуролланган шоирнинг қалб кўзи, қалб қулоғи микроэлементдан мегагалактикагача бўлган маълум ва номаълум хилқатни кўриш, унинг сирли сигналларини уқиб асосий манбаи нимада? Бизга аён бўладики, бутун сиру синоат коллектив даҳонинг шоир субъектида тажассум қилишида, унинг одамлар билан ботиний-руҳий боғланишида экан:

Қайдан қайгача у, менинг ҳаётим?..

Сиз биландирманки, бери ўзимники,

Чегараси йўқдир ўй-ҳисларимнинг.

Сиз биландирманки, йиллар ва диллар,

Қувончларим минг-минг, ташвишларим минг.

Шоир дунёни зоҳирида ва ботинида неча-неча бор кўриб-кечириши, файласуфона теран идрок қилиши натижаси бўлган бу дил сўзлари чуқур подтекстга эга. Катта ижодкор фаҳрияси даражасидаги бу сатрлар шеърят ва шоирлик тақдири ҳақида, ҳамиша изланиш, шеърят ва шоирлик тақдири ҳақида, ҳамиша изланиш, бурчдорлик ҳисси, “қалбни сўнгги ҳажайрасигача ёндириш” - фидойилик туйғуси билан яшашнинг маъноси ҳақида баҳс қилади. Бизга “қайдан қайгача менинг ҳаётим?” деган саволнинг моҳияти бир қадар англашилгандай бўлади. Шоир учун: “Сиз биландирманки, бари ўзимники” каби ҳам оддий, ҳам пурмаъно сўзлардан ортиқроқ жавоб бўлиши мумкинми? Ахир Гёте бежиз айтмаган: “Чинакам санъаткор шундай бир коллектив сиймодирки, унинг отини шоир дейдилар”. шунинг учун ҳам у

“дунёга келиб орттирган дунё” одамлар азалдан эъзозлаб келган маънавий-рухий оламга қўшилиб кетади.

“Умр нега ширин?” шеъри ҳам қизгин фикр қўзғатади. Шоирнинг қаҳрамони ўз хотиротидан сўз очиб, бизни ҳам босиб ўтилган, қайта топиб бўлмас умр йўллари, манзиллари, уларнинг қувонч ва аламларини эслашга мажбур қилади. “Хавотирли, шошилишча илк бўса”, қайсидир қушча “чирк” этган сирли товушдан бошланган янги кун... Бундай “олтин лаҳзалар” бўлмаса, ҳаёт, умр шунчалар ширин туюладими? Шоир туйғулари янада кучайиб боради, ниҳоят, авж нуқтага етади:

Қайта кўролмадим етим ҳаётимда,

Сира унутмадим бир онни лекин:

Устозимнинг қаттиқ кўзларида

Ота меҳрин кўриб йиғладим секин...

Маъсум болалик самимияти барқ уриб турган, “бир умр излаб”, қўмсаб ўтадиган “олтин лаҳзалар” ҳаёлидан йўғрилган бу ёниқ мисралар, том маънодаги лирик-драматик лавҳалар замирида ғоят гўзал, ҳаётбахш зиддият бор, бу китобхонни устоз кўзларидаги “ота меҳридан секин йиғлаш”нинг маъноси ҳақида, чексиз бахтиёр, айни чоғда чексиз бурчдор шогирд туйғуларининг баҳоси нима билан ўлчаниши ҳақида ўйга толдирадиган, инсон қадрини, меҳр-муҳаббат қадрини улуғлайдиган ҳаётнинг чуқур зиддиятларидан биридир.

“Умид” яна ўзгача мушоҳадалар, ўйлар самари сифатида туғилган. Унда шоир абадият ғоясини ҳаётдаги доимий ўзгариш - умрнинг кузи ва баҳори тимсолида ифодалайди. Қарғалар “қишнинг дарагини берган”, “эски яралар зирқираб” оғрийдиган кеч куз кунларининг бирида:

Тротуарда букчайган бир бобо

Ёш кўчат кўтариб ўтиб боради,

Ниҳолни авайлаб маҳкам ушлаган

Томири бўртиб чиққан титроқ қўллари.

Ҳаётнинг бундай “ўжарлик билан қилар иши”га назар солиб қанча ҳайратланса оз! Ҳаво ачитиб турган намгарчилик кунларда “букчайган бир бобо” кексалик гаштини суриб, иссиқ ўринда ўтирса бўлмасмиди? Лекин тириклик маъносини меҳнатда, ҳаракатда деб билган одамга на кексалик гаштини суриб, иссиқ ўринда ўтирса бўлмасмисиди? Лекин тириклик маъносини меҳнатда, ҳаракатда деб билган одамга на кексалик ҳорғинлиги, на “имон сустровлар яшашдан безадиган” кўнгилсизоб-ҳаво таъсир

килолмайди. Бугина эмас, “Бирон бир наф келтиришдан толгандан кўра кўлсиз-оёқсиз қолганим яхшироқ” деган экан гениал санъаткор, замонасининг универсал билим ва ҳунар соҳибии Леонардо да Винчи. Демак, гап фақат меҳнат ўрганишда эмас экан. Инсон ҳозир-ҳузурини ўйлаб яшамайди, балки эртани, узоқни, авлодлар бахтини кўзлаб, умрининг талай қисмини яхши ният йўлида сарф қилади, ҳамиша умид билан яшайди.

Бобонинг умрида кўп бўлгандир бахт,

Лекин бахт - ўткинчи, умид - абадий.

Асқад Мухтор бобо тасаввурида эртанинг бўстонларини жонлантирган, унинг “кўм-кўк шовуллаши балки қулоғида” янграган, “кўзида ялтираган” ёруғ ҳаёл - ҳаёт боқийлиги тимсоли деб баҳолайди. Шундай қилиб, шеър контекстида УМИД кўпқиррали-полисемик образга айланади: умид- кекса заҳматкаш “шоишиб кўтариб бораётган” ниҳол, умид - боболардан қоладиган “яхши от - ажаб саодат” (Навоий), эзгу удум, умид - ҳаёт боғининг хазон бўлмаслиги, боқийлиги тимсоли, умид - инсоннинг ҳамиша яхши ният билан, ҳамиша эртани, истиқболни кўзлаб яшаш матбали... Ниҳоят, бу кўҳна дунё донишманд, заҳматкаш, беминнат кексалик билан улуғ, азиз ва мукаррамдир...

Асқад Мухтор жонли, тиниқ лирик манзаралар, бетакрор, рангин образлар яратишни биринчи зарурат деб ҳисоблайди.

Ўтган йили учган нафис қор учқуни

Янги йил сарҳадин бузиб ўтади...

Ажаб! “ Янги йил сарҳади” қандай нуқтадан ўтар экан? Балким ўша, ҳамма учун ҳаяжонли янги йилни кутиш кечаси 0 соату 00 дақиқалар орасидаги сонияларнинг сирли тебранишлари “чегараси”дан сездирмасдан ўтиб кетар. Фан оламида, мусиқа илмида бир секунд ичида 440 бор товуш тебраниши қайд қилинган. Эски йил билан янги йилнинг мутлақ аниқ чегарасини - миллисекундлар оралиғини аниқлашдек амалий жиҳатдан аҳамиятсиз бир ҳақиқат кутилмаганда ғаройиб топилма - “ўтган йили учун нафис қор учқуни” тимсолида поэзия мўъжизасига айланади. Лекин шоирни янги йилнинг қувончли муждасидан кўра, унинг замирида яшириниб ётган бошқа ўйлар банд қилади:

Болалар ҳовлиқиб янги йил кутади,

Менга эса йил кузатиш - ғам;

Қилт этиб узилган битта япроқ ҳам

Нақ қалбимга тегиб ўтади.

“Йил кутиш”, “йил кузатиш” муқобил нисбатларида болалар ва катталар психологияси яхши очилган. Аммо кейинги икки мисрага жойланган ҳаётий фалсафа қаршисида лоқайд қолиб бўладими? Тириклик маъноси инсоннинг кўз ўнгида тобора равшанроқ бўла борган сари умрнинг ўтган ҳар дақиқаси “узилган япроқ” каби ҳазин таассурот қолдирса не ажаб? Шоир ҳар бир кузатилган ва кутиб олинган йил орқали ҳаётни қадрлашга даъват этиб, чиндан ҳам “нақ қалбга тегиб ўтадиган” лирик картина яратади.

Шоирона интуициянинг нозикликлари “Билса эдим шуни”, “Олий бутунлик”, “Жимлик сурони” каби шеърларда аён кўриниб туради.

Ингичка кишнаса узоқда қулун,

Биянинг кўзида юлдуз чакнайди...

Яйлов оқшоми табиий таровати, тирик унсурлари - “табиатнинг ўз шеваси” (Миртемир) билан чизилган: бир қулуннинг овозини эшитгандай, ҳайвонот дунёсига хос оналик инстинктининг ҳайратомуз кучини кўзимиз билан кўргандай бўламиз, биринчиси ўтов ҳаётига хос жимликнинг ҳар замонда бир эшитилиб қоладиган ўзгача “сурони” бўлса (ингичка кишнаш), бошқаси унинг пинҳоний туғёнини, руҳий садосини (“биянинг кўзида юлдуз чакнаши”) ифодалайди.

“Яйлов тонги” шеърида ҳам, хусусан, шаҳарлик қўноқ учун тансиқ бўлган қирдаги кеча, илк саҳар манзараси яратилади.

Қирда сурувларнинг дупури тинган,

Қўйчивонлар ёққан гулхан ўчибди,

Саксовул чўғининг учқунлари эса

Юлдуз бўлиб кўкка кўчибди.

Бу лирик лавҳа сўнгги юлдузларнинг беқарор ҳолати, тонг олдидаги ғаройиб сокинлик ҳақида жонли таассурот қолдиради. Шоир яйлов саҳарини бедорликда кутмаганида, ўша ноёб дамлар стихиясига борлиғи билан сингиб кетмаганида бундай жозиб манзара чизилмаган, анъанавий юлдуз образининг ўзгача намунаси яратилмаган бўларди. Лекин мазкур шеърда фақатгина тароватли манзара чизилмайди.

Тиззамга бошинг қўй. Ойнинг кокиллари

Уфқларга тушди таралиб.

Кўзларинг сеҳрида менинг тақдирим

Сочларингга қолган ўралиб,

Яйлов денгизини кечар оппоқ тонг,

Нега қалбинг жиндак энтикди?

Дунёнинг мўъжизаларидан бири - сахар чоғи аста-секин “оалмнинг шаклланиши”ни шоирнинг қаҳрамони - ошиқ кўзлари билан кўриш табиатнинг бу стихияли жараёнига инсоний ҳарорат, ўзгача латофат бағишлайди. Тонг олдида “ойнинг кокиллари уфқларга таралиб тушгани”, сўнг “яйлов денгизини оппоқ тонг кечиб” ўтиши табиатни образларда ҳис этишнинг оригинал намунасидир. Шоир қаҳрамони бу лирик манзарани ошиқ кўзлари билан кўрганидан унинг эмоционал жозибаси ортади (кўзларинг сеҳрида менинг тақдирим сочларингга қолган ўралиб). Қувонч, ҳайрат, хавотир ва муҳаббатнинг яна аллақандай сирли туйғуларидан йўғрилган “нега қалбинг жиндай энтикди?” - сўроғининг маъно қирралари, унинг тонг сеҳрига сеҳр қўшиш боиси шунда. Хуллас, шеърнинг бутун мундарижасида манзара ва интим кайфият, табиат ва руҳият уйғунлиги сезилиб туради.

Кел, жимгина бирпас ўлтирайлик,

Кўзларингга яна тонг ҳуснидан ол.

Тонглар...Тонглар ҳали олдимизда кўп,

Лекин мунақаси бўлмас, эҳтимол.

“Яйлов тонги” - ҳаётнинг ўзидай - яйловдаги тонглардай соф, сафобахш поэзия туйғусидан, табиат ва инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳада ва мубоҳасалар синтезидан туғилган шеърлардан. Ошиқона кўзлар лавҳасига “тонг ҳуснидан олиб жимгина ўтириш”да чуқур, нозик маънолар яширинган, бу ўзига хос полисемик образ намунасидир; бахтли муҳаббат тақдири туфайли оламга ўзгача чанқоқлик, ўзгача ҳайрат билан боққан бу кўзлар янада равшан, гўзал бўлсин, янада теран, пинҳоний маъноларни ифодаласин, бу бетакрор тонг нафосатини бир умрга кўнгилга кўчирсин, бу кўзлар ҳамиша мана шу тонг каби кулиб, порлаб турсин, ҳамиша қувонч бағишласин... Демак, “жимгина бирпас ўлтирайлик” сўзлари чуқур подтекстга эга: ўша бемисол тонг томошасидан болаларча ҳайратланиш, унинг сирли-сокин мусикасида, табиатнинг мусаффо, оромбахш қучоғида, айниқса, севимли киши билан ҳамнафас, бир-бирови билан, ўз-ўзи билан, эҳтимол, табиий мавжудот билан тилсиз, розлашишда қанча нозик ҳаёллар, руҳий суронлар яширинган...Ташбеҳ ва тимсолларсиз, оддий сўзлар орқали берилган “жимгина бирпас ўлтирайлик” лавҳаси “Яйлов тонги” шеърининг контекстида ўзига хос “руҳият манзараси”га (А.Блок), табиат фонида яратилган интим-лирика,

айни чоғда фалсафий-лирик образга, аниқроғи, кўпқиррали полисемик образга айланади.

Асқад Мухтор “Билса эдим шуни...” шеърида параллелизм усулидан фойдаланиб, интим кечинмаларни қиш ва баҳор, қуёш ва шабнам билан муқояса қилади. У табиат ҳодисаларида бўлгани каби икки севишган кишининг “бир-бирига етолмайдиган, бир-биридан кетолмайдиган” сирли ҳолати ҳеч қачон сўнмаслигини, изсиз йўқолмаслигини истайди:

Капалакми, тош ҳайкалми, менинг

Ўт ичида ўтган уч туним?

Ўт ичида ўпган юлдузимда

Қолса эди тирик учқуним,

Қолса агар тирик учқуним,

Хотирангда яшаб қолардим.

Билса эдим шуни, мангуликни ҳам

Мана шу оқшомдай кутиб олардим.

Баъзан лирик шеъриятда нимадир сир бўлиб қолиши, лекин айти шу сирлилик хусусияти ўқувчини ўзига ортиқроқ ром этиши керак. “Билса эдим шуни...”, менимча, ана шундай шеърлардан, Муҳаббат туйғуси эътиқод даражасида, инсоннинг тақдири даражасида юксак, пок, ёлқинли бўлар экан, унинг умрини ҳам фақат “мангулик” - “тош ҳайкал” мезони билан ўлчамоқ керак. Қизиғи шундаки, “ўт ичида ўтган уч туним, ўт ичида ўпган юлдузим” сингари срили-ҳиссий образлар руҳидаги, ҳайрат, изтироб, умид, ташвиш, ифтихор туйғулари бизни ҳам қизиқтирган, қийнаган саволга айланади. Беихтиёр: “О, қани энди инсон шуни билолса эди!...” дея шивирлаймиз.

Асқад Мухтор “Олий бутунлик” шеърида бир қарашда табиат ва инсон муаммосини азалий муҳит ичида, унинг бутунлиги ва бўлаги тарзида талқин қилаётгандай бўлади.

О, она табиат! Сен билан яксонман.

Сен менинг эркимсан, менинг қафасим...

Оламнинг чексизлиги, абадияти у билан асли бир бутун бўлган инсонга, унинг тафаккурига, ҳиссиётига қанчалик эрк, қанчалик куч ва жасорат бағишламасин, айти пайтда шу бир бутунлик ичида ҳам қандайдир безовта, армонли деб ҳисоблаб, тинимсиз талпиниб, ўзини шу улуг хилқатга сиғдира олмаса не ажаб?! Шунинг учун бўлса керак,

инсоннинг “олий бутунлик” ичида мавжудлиги - “эрки” учун шукрона айтиш билан баробар, табиатдаги дардларига малҳам сўраши, ундан буюк нажот умид қилиб, “азобли ўйлар”га толиши, ҳар қалай, бизга тушунарлидир.

О, ҳаётнинг олий бутунлиги!

Инсонга уфқларни кенгроқ оч,

Жамики, дардларга малҳам ўзингсан,

Азобли ўйларга ёғду соч,

Азобли ўйларга ёғду соч...

“Асримиз одами” (А.Орипов)ни ҳатто мотивларсиз муаммо - оламнинг ибтидо ва интиҳосиз абадияти, чексизлиги ўзиёқ оғир ўйга толдирмайдими?

Эҳтимол, у табиатдаги ҳайратомуз уйғунлик, бутунлик, баркамоллик жамият ҳаётида ҳам қарор топишини ҳаёл қилар, эҳтимол, унинг ўзи бошқа бир “олий бутунлик” яратмоқчидир, эҳтимол... Шоир қаҳрамонининг “азобли ўйлари” унинг субъектив-руҳий дунёсига айланган объектив борлиқнинг ўзидай чексиздир.

Гарчи “Аяжонимиз”, “Болалик”, “Безовталиқ” каби шеърларда ҳам табиий, фикрий элемент - фалсафий ўй ва мушоҳадалар мавжуд бўлса-да. (Уруш мўраларди қўлсиз енглардан). “Оқоплардан яна қалқиди дунё...Планетанинг чакка томири гўё Ҳамон тепиб турар нотинч асримиз”), асосан, улар ўзининг кучли лирик-эмоционал образлари билан жазб этади. Чунончи, шоирнинг “жиндаккина илинж қўри билан дадасини жангдан кутган” бола тилидан ўзи “бемавруд сўнган, лекин умид юлдузи сўнмаган” жангчи ота ҳақида, “ҳар тонгда мунгли куйлаган” она ҳақидаги мисраларни сокин ўйчанлик билан ўқиш қийин.

Куй бўлиб учмоқни қиларди орзу

Дадамни бир кўриш қасдида.

Аммо қанотларин ёзолмасди у

Чунки биз бор эдик қанот остида...

Бундай ўтли-дардли сатрлар замирида маъсум болалиқнинг ўчмас хотиралари, ўша азиз хотирот янгилаган изтиробли, армонли туйғулар жой олган. Уларда, айниқса, аёлнинг вафодор ёр, меҳрибон она образи қанчалар табиий чизилган! Бевосита ҳаётдан олиб ишланган бу миниатюр лавҳада бирйўла ватанпарвар, фидойи оталарнинг барҳаёт образи ҳам. Ўша хатарли йилларнинг матонатда, жасоратда тенги йўқ аёллари сиймоси ҳам,

келажаги не-не азиятлар, қурбонлар эваизга асраб қолинган уруш даври болалари образи ҳам ёрқин ифодаланган.

Асқад Мухторнинг “Янги китобдан” туркуми ҳар галгидай бирдан эътиборни тортади. Шоирнинг ўзи қайд этгани каби бундаги ҳар бир шеърда “яшамок истаб типирчилаб турган безовта бир рух” жой олганини сезиш қийин эмас. Улар ҳаёт муаммоларига бевосита дахлдорлиги, қандай мавзуда бўлмасин - фалсафийликка, баҳс-мунозарага мойиллиги билан характерланади. Шунинг учун янги шеърлар ҳақида махсус фикр юритиш зарурати бор. Биз туркмдан фақат “Қари солдат ҳақида баллада”, “Бир томчи...” шеърларига муносабат билдириш билан чекланамиз. Уларнинг биринчисида уруш ветеранининг изтиробли ҳолати - қирқ йилча аввал госпиталда ўлган тенгдоши билан ғойибона-хаёлий мулоқоти тасвирланади. Ёш солдатнинг “Турмуш қалай, полкдошлар қалай?” - деган сўроғи кекса жангчини ўйлантириб қўяди. “Бари яхши”, - деб шунчаки жавоб қилишга виждони йўл бермайди. Ахир улар яшашнинг маъноси ҳақида “бошқача ўйлардилар...Бундай ўйлар билан ўлиш қийин” туюлмасди ҳам. Шоир имони бақувват кекса солдатнинг азобли ўйлари орқали омонсиз жангчилар оловида тобланган маънавий идеалларимизни улуғлайди, улар беҳисоб қурбонлар эвазига сақлаб қолингани учун ҳам, бугун, тинчлик шароитида, айниқса, уруш даҳшатларини кўрмаган авлодлар назарида қадр-қиммати асло камаймаслиги лозим - шу ҳақида баҳс очилади. Ватан ва эътиқод йўлида жон фидо қилган номаълум ёш солдат билан бугун орамизда юрган, фақат зоҳири хотиржам кўринган собиқ жангчи диалогида шеър фавкулудда драматизм касб этганини кузатамиз:

- Нега бундай? - дейди ёш жангчи.
- Мен айбдорми? Ўйлаб кўрсанг-чи.
- Сен тириксан, сен қолгансан омон.
- Қўй, мени қийнаман, юрагим ёмон...

Бу сатрлар нафақат жанговар авлодларнинг азиз, муборақ хотираси ҳақида, уларнинг эътиқодига, юксак маънавиятига ворислик - бугунги ниҳоятда зарур маънавият муаммолари устида баҳс қилади, балки ҳаёт ўз зиддиятлари билан қудратли ва қадрли эканини боз таъкидлаб туради, бизни чуқур ўйга толдиради.

Туркумдаги “Бир томчи...” шеърида баъзан одам виждон қаршисида танҳо қолиб, ўз-ўзи билан олишадиган кезлардаги ғоят мушкул ҳолат мураккаб руҳий кечинмалар тарзида ифодаланади. Бу гал виждон ҳаками кутилмаганда ўз ўрнини ... шайтонга бўшатиб беради, у “аждодларига унча

ўхшамайди: ўта сезгир дунёнинг айби, хатоси, нолиши, фарёдларига”. Шунинг учун мувоҳаса кескинлашгандан кескинлашиб, ёмонлик илдизи - асл моҳиятга қўчганда шайтон шайтонлигини қилади:

Мени ҳушёр қилиб, бир томчи заҳар

Йўқолиб кетади иссиқ қонимда...

Шеърнинг том маънодаги контраст-полюмик образлари - шоир қаҳрамони ва унинг “шайтони” ўртасидаги мана бу диалог бизни ҳам сергаклантиради:

- Кир қидирма, - дейман, - зимистон дединг,

Ахир ўтирибмиз ёруғда кунда!

- Ҳа, - дейди, - юзада бўлмас зимистон,

Сен бундай теранроқ тушгин-да!

- Аслингга тортасан, оғайни, - дейман,-

Тамуғнинг тубидан чиққан юҳосан.

- Ҳа, - дейди шайтоним, ўрнидан туриб,-

Ҳа, ўзингга келдинг: ўтдан қўрқасан!

Биз “шайтон” - муҳолифнинг ўз мантиқи, ўз фалсафаси борлигини билганимиз ҳолда, бир муддат ўйланиб қоламиз. Яхшики, шоир юқорида махсус эслатиб ўтган: бу мунозара аёвсиз - “нақ душманларча” тус олади, акс ҳолда, ҳаёт тажрибаси камроқ китобхон “шайтон” васвасаси таъсирида унинг сўзларидан саросимага тушиши мумкин. Бироқ душмanning заҳарли сўзлари бизни ҳушёр торттириб, йўл қўйилган хатолардан сабоқ олишга, нимаики қалбаки ва заиф, ножинс ва нопок бўлса, ундан тезроқ қутулиш ва минбаъд ҳазар қилишга даъват этади. Ҳақиқат ва адолат учун кураш машаққатидан чўчимаслик (адолатни ҳеч ким қилмас садақа), ўзини замоннинг мураккаб муаммоларидан четга олмаслик - “ ўтдан қўрқмасликка” ўргатади. “Бир томчи ...” шеърининг руҳига, образлар замирига жойланган маъно, унинг ўйга толдирувчи теранлигининг сиир, менингча, шунда. Шоир қаҳрамонини кўпдан безовта қилган зиддиятли ўйлар, айниқса, шеърнинг туғилиш жараёнида неча бор ишланиб етилгани-умумлашма мушоҳадаларга айланиши каби, унинг ҳар бир сўз устидаги заргарона, балки юрак жарроҳидай руҳий меҳнат сарфлаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Асқад Мухторнинг сўзга, унинг турли маъно қирраларига муносабати, санъаткорона тежамкорлиги, айниқса, ёш ижодкорларга (принципда нафақат ёшларга!) ибрат бўларлидир.

БЕТАКРОР БАДИЙ-ОБРАЗЛИ ҚИРРАЛАР

Асқад Мухтор лирикаси ҳақиқий поэзия, ҳақиқий сўз санъати сифатида ўзининг юксак бадиияти билан ажралиб туради, уни, муболағасиз, ижодий индивидуалликнинг ажойиб намунаси деса бўлади. Бунда метафоризм ва символикнинг турли кўринишлари - ташбеҳлаш усуллари ўзининг янги қирралари билан намоён бўлиб, китобхонда завқ, ҳайрат уйғотади. Лекин шоир ўрни билан бадииятнинг автология усулидан (сўзни кўчма маънода эмас, деярлик ўз маъносида қўллаш) - бевосита ҳаётдан олинган тафсиллар асосига қурилган конкрет - предметли образлиликдан ҳам нозик поэтик дид билан фойдаланади.

Маълумки, шеърятда образлилик асосида тасвир предметини нимагадир нисбатлаш, муқояса қилиш, сўзга кўчма маъно бериш, баъзан фавқуллодда муболаға, рамзлардан фойдаланиш усули ётади. Мисол учун шоирнинг “Ўроқ ва Болға” шеъридаги икки мисрага разм солиб кўрайлик.

Кекса бободехқон каби қадди дол,

Кўп қадим заҳматкаш бу ўроқ.

Қизиғи шундаки, одатда бободехқоннинг символик ифодаси сифатида қўлланадиган “ўроқ ” бу гал ўзи бевосита тасвир объектига айланади, энди уни бободехқоннинг характерли хусусиятлари - “қадди доллиги”, “кўп қадим заҳматкаш”лиги нисбатлаб келади, бундан анъанавий образ янгича талқин қилинади, ўзгача бадий жозиба касб этади. Ҳолбуки, сўзнинг аввалги рамзий маъноси ҳам шеърнинг умумий контекстидан англашилиб туради, яъни китобхон бир вақтда бободехқонни ва унинг азалий меҳнат яроғини кўз олдига келтиради, уларнинг азалий меҳнат яроғини кўз олдига келтиради, уларнинг бир-бирларига “ўхшашлиги”, шубҳасиз, уни таъсирлантиради. Демак, шоир ҳам зоҳирий (шаклий), ҳам ботиний (рухий) “ўхшашлиги”ни топгани, уларни ажойиб уйғунликлар беролгани учун сиртдан қараганда оддий бир фикр образли фикрга айланади. Умрнинг қадри ҳақидаги фикр-ғояга шоирнинг конкрет эмоционал муносабатини, яъни фикр-ғоянинг такрорланмас лирик образга айланишини кўрсатувчи бир мисол:

Кўк майсалар тагидан аста

Бетиним жилдираб оқарди умрим...

“Майсалар тагидан жилдираб оққан” сув эмас, балки умр йўллари, унинг қайта топиб бўлмас бебаҳо дамлари эканини шунчалик табиий, тиник рангда, сокин-майин оҳангда, шунчалик, аниқ ва мухтасар шаклда тасаввур этиш, аввало, ҳаёт ҳақиқатини шоирона уқиш, сезиш, шоирона кўриш, кечириш, қолаверса, уни санъаткорона ифодалаб бериш натижасидир. Демак, бу икки мисра А.Мухторнинг табиатдаги шеъриятни, унинг инсон ҳаёти билан нозик, руҳий алоқасини интуитив тарзда ҳис этишидан, унинг юксак сўз туйғусидан далолат беради. Бошқа бир мисол:

Кун ботади, терак учларидан

Сўнгги рангларини йиғиб олади.

Инсон эса, бу фожеани

Тинчгина кузатиб қолади.

Шоир бу гал ҳам ҳаёт қувончлари унинг аламли томонлари билан ёнма-ён яшашишини табиат фонида беради. Аввало, оқшом олдидаги манзара - қуёш ўзининг “рангларини йиғиб олиши” қанчалик жонли, аниқ чизилган. Шоир ўзаро зид маънодаги параллелизмдан (табиат ҳодисаси ва инсон кечинмалари) кутилмаган фалсафий хулоса чиқаради: кун ботиши билан табиатнинг рангин жилолари “сўнади”. Шоирнинг қаҳрамони: “Кун ботмоқда, кун ботмоқда ахир, кунлардан иборат инсоннинг умри”, - деб нидо қилиши қанчалик ҳаққоний ва таъсирли (ҳолбуки, табиат учун ҳар куни қуёшнинг чиқиши ва ботиши оддий бир ҳодиса). Бундаги нозик нисбат - фожеъ, айни чоғда ҳаётбахш фалсафий хулоса шоирнинг борлиқни, ундаги шеъриятни чуқур ҳис этиши натижасидир. А.Мухторнинг поэзия туйғуси, поэтик образ туйғуси ҳақида биргина мисра орқали ҳам ёрқин тасаввур ҳосил қилиш мумкин:

Кумуш шалоладай шовуллар яна...

Енгил шамолда терак япроқлари турли ҳолатда товланиб кўринади, тинимсиз садо беради, бу манзара шалолага қиёс қилиниши қанчалик табиий ва айни чоғда ҳайратли. Азалий ранглар билан стихияли оҳанглар уйғунлигидан, бир сифатнинг иккинчи сифатга (товуш ва ранг) ўтиши, ўзаро сингиб кетишидан ҳосил бўлган бу лирик лавҳани классикадаги ташбеҳи мусалсал (силсилали ташбеҳ) санъатнинг янги оригинал намунаси деса бўлади. Бугина эмас. Терак япроқларининг “шовуллаши” турли китобхонда турлича таассурот қолдириши мумкин, эҳтимол, бу сирли товуш ҳаёт ҳақида

нималарнидир “шивирлаётгандай” туюлар...А.Мухтор “Мангу олов” шеърида номаълум солдат қабри устида ёниб турган алангани:

Типирчилаб турган қалб бу...-

деб таъриф қилади. “Типирчилаб туриш” нафақат аланганинг кўринишини, у орқали юракнинг ҳолатини ифодалайди. Бунда сўз бирданига бир неча нозик, зоҳирий ва ботиний маънолари, поэтик қирралари билан кўринади. Бу алангаланиб турган “қалб” кимларнинг тимсоли? Улар типирчилаб турган “қалб” тимсолида нималарни сўрайди? Нимага интилади? Мангу ёниб туриш “қалб”нинг мангу қийноқни кечириши деган сўз эмасми? Бундай саволлар замирида ҳам барҳаётлик, ҳам трагизм, ҳам тинчлик учун кураш ғоялари ётади. Шоир тиинмсиз ёнаётган алангани қаҳрамон шаҳидлар руҳига нисбат бериш билан сўзга фавқулодда теран трагик маъно бағишлайди, уни фалсафий-лирик умумлашма даражасига кўтаради.

А.Мухтор ҳаётдаги трагик ҳолатларни турли шеърида турлича талқин қилади. Маълумки, табиатга хос азалий ва ногихоний ҳодисалар замиридаги трагизм билан ижтимоий характердаги, лекин сабаби ва сабабчиларини ҳам доим ҳам билиш осон бўлмаган зиддиятлар ёнма-ён яшайди, бир бирига ўтади. Баъзан табиатнинг “адолатсизлиги”дан келган кулфат ижтимоий маъно касб этиши мумкин. Лекин энг оғири - руҳий ногиронлик, маънавий ёлғизлик, муҳаббат фожеаси. Масалан, шоирнинг “Тонг олдидан бир йигит...” деб бошланадиган шеърида шундай мисралар бор:

Қуёши бор, ойи бору

Кўнглига қил сиғмайди,

Ўз уйида ёқилмаган

Чироғига йиғлайди...

Бундай ёлғизлик фожеасининг сабаби объективми, субъективми - бундан қатъи назар, шоир ҳаётнинг қанчалик мураккаблиги ҳақида, ҳатто гуманизм принциплари тантана қилган бизнинг воқелигимизда ҳам баъзан инсоннинг шахсий бахтини ва унинг саботи, иродаси билан на коллективнинг кучи, мадади билан яратиб бўлмаслиги ҳақида, умуман, инсоннинг мушкул тақдири ҳақида баҳс очади.

А.Мухтор “Тушларим, безовта тушларим” деб бошланадиган сарлавҳасиз шеърида азал ва абадият ҳақидаги ўйларига шундай шакл-шамойил беради:

...Мен кўраман тонг софлигида

Вақт ҳукмидан холи оламни:
Унда, терлаб меҳнат шодлигида,
Яланг оёқ босиб шабнамни,
Енг шимариб, жадаллик билан
Қўлларида ўроқ ва болға,
Мангуликнинг маликаси - Гўзаллик билан
Баҳодир - Ҳақиқат босмоқда олға.
Ошиқаман. Йўқолмайин десам,
Мен шуларга етишим керак,
Аммо пайқаб қоламан:

Кўрсам -

Қувлаб кетаётганим - юрак...

Шоир гўё сўз билан ифодалаб бўлмайдиган сирли-сеҳрли руҳий ҳолатни поэзиянинг афсунгар кудрати билан конкрет лавҳада гавдалантириб беради, эрта тонгда “безовта тушдан уйғониб кўкка талпинган: - Вақт нимасан?” дея ҳайқирган қаҳрамон ўзини кўпдан қийнаган саволларга кутилмаган сувратда жавоб топади: “кўрсам - қувлаб кетаётганим - юрак...”, “юрагим ортидан югуриб яшайман...” Шундай қилиб, А. Мухтор туш воситасида тутилмаган янги ва кўп қиррали фалсафий-лирик образ яратади.

Фалсафий-лирик образлар, одатда бирор ҳаётий зиддият асосига қурилади. Контраст қутблар гоҳ аниқ аломатларда кўринса, гоҳ “яширинади”, зеро, туйғулар кураши қанчалик кучли бўлса, шунчалик ботиний - руҳий ҳолат касб этиши, айниқса, лирик поэзия учун ажабланарли эмас.

Гоҳ ёнади қалбим, гоҳо музлайди,
Хотиралар... тунги чақмоқларим.
Улар чақмоқ чақиб излайди
Ёшлик сўқмоқларин...

Қалбнинг “гоҳ ёниши, гоҳо музлаши” аниқ контраст асосига қурилган образлардир. А. Мухтор қаҳрамонининг сирли “хотиралари”да зоҳиран бирор формадаги зиддият кўринмаса ҳам, лекин уларнинг руҳида қандайдир ички туғён сезилади. Орадан қанча йиллар ўтиб,

“ёшлик сўқмоқларини” излаш осонгина кечириладиган ҳолми? Бунда зоҳиран сезилмас воситалар билан боғланувчи нозик зиддият бор. Шоирнинг қалб туғғени (гоҳ ёниши, гоҳ музлаши) йўғрилган бу ҳиссий образлар пожтестидан ҳаётнинг буюк жозиба қудрати қаршисидаги севинч, ҳайрат туйғулари, айти пайтда сўнгсиз ҳасрат, армон туйғулари - мураккаб руҳий ҳолатлар кураши англашилиб туради. Умуман, Асқад Мухтор лирикаси гоҳ ботиний образлар замирига яширинган, гоҳ очиқ контрастлар асосига қурилган лирик лавҳаларга бой.

Бир оёғи Ойда бўлган билан

Бир оёғи гўдак устида...

Чуқурроқ разм солиб кўрилса, ёлғиз “бир оёғи Ойда” лавҳа-образиинг ўзидаёқ ички зиддият борлигини англаб олиш қийин эмас, буни албатта, иккинчи мисра фош қилиб қўяди.

Шубҳасиз, ФТР билан боғлиқ мураккаб масалаларга ҳар бир шоир ўзича ёндашади. Масалан, А.Мухтор 20 аср зиддиятларини, юқорида кўриб ўтилганидай, “гоҳ Бир оёғи Ойда бўлган билан бир оёғи гўдак устида...” каби антагонистик характердаги конфликтлар орқали, гоҳ “эски билан янги ёнма-ён” берилган азалий фалсафа тилида ифодалайди:

Кумуш ракеталар кўкка қадалган,

Ёнида тебаранар лола қизғалдоқ.

Ерда неандерталь чаноқ бешикаст,

Ўқ гильзаси эса занглаб ётибди.

Шоир чизган контраст лавҳалар бир қарашда табиий нарсалар, ҳодисалар суратидай туюлиши мумкин, ҳолбуки, “кумуш ракеталар ” билан “лола қизғалдоқ”нинг ўзаро нисбатини фақат “эски билан янги ёнма-ён”лиги аломати деб бўлмайди, бундаги зиддият кутилмаганда кескин тус олиши мумкин. Ёки “неандердаль чаноқ” умри билан кечаги “ўқ гильзаси”нинг ҳолати, шубҳасиз, китобхонни олам ҳақида, вақт, замон, абадият ҳақида карама-қарши ўйларга толдиради.

Контраст характердаги фалсафий-лирик образлар интим мавзудаги шеърларда ўзгача теранлик касб этади.

Аммо йўллар...Йўллар майли эди,

Орадаги йиллар бўлмаса,

Сени ўйлаганда ўша йиллар гўё

Секинлатар қалбим зарбини.

“Орадаги йиллар”. Бу анъанавий ташбеҳларсиз, автологик усулда ишланган оддий лавҳа шеър контекстида кутилмаганда чуқур руҳий-психологик образ даражасига кўтарилади: “орадан йиллар”, эҳтимол биринчи васлсиз муҳаббатнинг олис-олисларда қолган, лекин сира унутиб бўлмас хаёллари, нажотсиз умидлари билан тўладир. Шоир қаҳрамонининг “қалб зарбини секинлатадиган” ўша йиллар хаёли, уларни узоқлаштирган номаълум сабаблар беихтир бизни ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур этади. Лекин А.Мухтор санъаткор сифатида ўша “орадаги йиллар” образига салмоқдор ижтимоий маъно беради, ундан оригинал умумлашма яратади: “Мен уларни қойимам, чунки тақдир бўлиб қолган замона”. бунда интим-лирик образ чуқурлашиб, фалсафий-лирик образга айланади.

А.Мухторнинг “Ёшлигим”, “Инсоннинг кўнглида бир армони бор...”, “Газетамнинг тўрт саҳифаси”, “Келажагим билан учрашдим”, “Сизга айтар сўзим” каби шеърлари, асосан, сиёсий-публицистик йўналиши, курашчан характери билан шиорнинг фалсафий-лирик миниатюраларидан фарқланади, уларда конкрет предметлар, ҳодисалар “тили” устунлик қилади, кундалик воқеалар, чунончи, халқаро муносабат масалалари устида баҳс юритилади. Масалан, “Сизга айтар сўзим” манзумасида тинчлик сиёсатининг гуманистик ва интернационал моҳияти шоир қаҳрамонининг безовта хаёллари тарзида ифодаланади.

Тўғри, таҳликага ён бермаймиз ҳеч,

Дон сепамиз, шаҳар қурамиз.

Лекин ҳали қийн тонмаймиз ҳеч

Қалбда буюк ғазаб олиб юрамиз.

Бехитиёр Маяковскийнинг сиёсий “агитка”лари услубини эслатадиган, гўё доҳий билан юзма-юз суҳбатнинг ўзига хос шеърӣй стенограммаси бўлган бу мисралар публицистик лирика “ланғоч” фактларнинг шарҳи, тавсифи эмаслигини, балки шоир томонидан қайта кечирилган ва умумлаштирилган поэтик ифодаси эканини тасдиқлайди, “дон сепиш”, “шаҳар қуриш” каби ҳаётӣй деталлар эса шоир қаҳрамонининг эзгу интилишлари, курашчан туйғулари - собит тинчлик маслаги, ҳақиқат матлаби учун таянч нуқта - реал замин сифатида хизмат қилади.

Шоир “ Америкалик она” шеърӣда урушнинг даҳшатлари, фожеъ манзаралари орқали башарият душманларини фош қилади:

Она ўғлин излаб қабристон кезар...

Буниси инглиз, буниси немис,

Буниси шунчаки бомба ўпқони,

Бирида крест бор, бири крестсиз.

Шеърнинг умумий контекстида онанинг соврилган умидлари билан ғоят мусибатли ҳолати ўртасидаги зиддиятлар тасвири (қабристон картинаси орқали) кучли эмоционаллик касб этади, муҳими, шоирнинг бу ҳазин мисралари замирида - подтекстида урушга қарши, халқаро тинчлик учун курашга даъват нидолари ётади. Шундай қилиб, “қабристон”, “бомба ўпқони”, “крест” каби машъум уруш фактлари зоҳиран милитаризм ва агрессияни фош қилувчи, моҳият эътибори билан ҳаётни тасдиқловчи функцияни бажаради.

Асқад Мухтор лирикасида фалсафий ўйлар, мубоҳасалар қанчалик кенгайиб, чуқурлашиб бормасин, бу тамойил шоирнинг ўрни, зарурати билан автологик тасвирга мурожаат этишига монелик қилмайди. Масалан, “Мен пахтакорман” шеърида ўзига хос фалсафий-лирик муқаддима қуйидаги предметли-лирик лавҳалар билан алмашади:

...Ойдинда туғилиб, шабнамда чайилган,

Жўякда чинқириб ўсган боламан.

Дарс ўрнига лой кечиб, қор кечиб

Пахта терганимни эсга оалман.

Кафтларимдан чанок ҳиди келар,

Қошларимда оппоқ пахта кукуни,

Баъзан бир оз чанг ютсам ҳам майли,

Димоқни тилмасин порох тутуни.

Биринчи ва охирги мисралардаги “шабнамда чайилган”, “димокни тилмасин” ташбеҳли ибораларни мустасно тутганда, бу шеъринг парчадаги сўзлар ўзининг асл маъноси, табиий ранглари, хужжатли аниқлиги билан реалистик картина яратади. Асқад Мухтор, асосан, эпик асарлар учун характерли бўлган “деталлар ҳаққонийлиги”дан юксак маҳорат билан фойдаланади, сўзнинг маъно салмоғини, бадий ифодавий жиоларини чуқур ҳис этгани учун, бу гал унга нисбатловчи, ташбеҳловчи қиймат бермасданоқ, конкрет-предметли образлиликка эришади. Масалан, уч бандли “Мукофот” шеърининг аввалги икки банди бадий безакларсиз лиро-эпик лавҳа чизиш, конкрет воқелик ва руҳият образлари яратиш намунасидир.

Мукофотга “Волга” олди

Салим бобо, бригадир,

Қайтар экан ўтмишини

Эслаб қолди негадир.
Омоч судраб, қўш ҳайдарди,
Азоб эди у ҳаёт.
Қаримасди ўша маҳал
Қани бўлса битта от...

Шоир сатрлари лафзан мухтасар бўлса-да, фикран масшабли, теран. Чунончи, қариганда мукофотга олинган “Волга”, ўтмишда ҳаёл қилинган “от”, бир томондан, ўзининг асл маъносида қўлланса, бошқа томондан, икки замон, икки хил тақдир тимсоли сифатида умумлашма характер касб этади. “Мукофот” сингари шеърларда ҳаётини деталлар, предметли образларнинг табиий белги-хусусияти ажралиб тургани ҳолда, бошқа миниатюра ё манзумаларда сўзнинг конкрет-хусусий маъноси билан умумлашма-фалсафий маъноси бир қадар “рақобатга” киришади. Масалан, А.Мухторнинг “Қатралар” шеърида шундай мисралар бор:

Учқунлар, томчилар зумлар, зарралар -
Борлиқнинг боиси ва азаллиги.

Шоир предмет, ҳодиса номларини бир вақтда ҳам табиий элементлар (сўзнинг туб маъноси) тарзида, ҳам махсус умумлашмалар сифатида (рамзий маънода) қўллайди. Шундай қилиб, учқунлар, томчилар, зумлар, зарралар шеър контекстида хусусий ва умумий, конкрет предметли ва фалсафий-рамзий маънога эга бўлган махсус сўз-тимсолларга, ташбеҳларсиз образлиқнинг ўзига хос полисемик намунасига айланади. Бу жиҳатдан шоирнинг сарлавҳасиз бир шеъридаги қуйидаги сатрлар янада характерлидир:

Бу менинг ўйларим,
Рақамлар,
Хатолар,
Ишлар,
Ютуқлар...

Бу шеърий парча автологик характердаги сўз-образларнинг умумлашма кучи ҳақида лоҳим даражада аниқ ва бутун тасаввур беролмаслиги мумкин, лекин уларни - шоир қаҳрамонининг зиддиятли “ўйлари”ни шеър контексти доирасида олганда, ҳар бир сўз ўзининг касб этиши китобхонда шубҳа қолдирмайди, аксинча, шоирнинг аъмоли даражасидаги “ўйлар” китобхоннинг ҳам шахсий ўйларига айланиши мумкин...

Шоир болалик чоғларидан ўзига ошно бўлган, табиатига сингишиб кетган, демак, бошқалардан яхшироқ билган, чуқурроқ ҳис этган қадрдон муҳитга - бениҳоя азиз, сирли-сехрли оламга ҳар замонда бир қайтса ва ижодий ташналикни ўша табиий сарчашма баҳраси билан қондирса, шубҳа йўқки, ўзининг беназир самараларини беради. Хуллас, катта ҳаётга йўллаган дастлабки манзиллар ҳисси ҳар бир эҳтиросли шоирни безовта қилмасдан қўймайди. Масалан, А.Мухтор “Фабрикамининг йўллари” шеърда болаликнинг эзгу хотираларини шундай поэтиклаштиради:

Машаққатли бахтимни
Сиздан изладим.
Фабрикам хиёбони -
Ёшлик изларим...
Мен қайрилиб боқаман
Адашмасам агар.
Сиз нурланиб ётасиз
Уфққа қадар.
Фабрикамининг йўллари...

Она хотирасига бағишланган бу шеърнинг ҳужжатли аниқлик заминига қурлиган сатрлари бирйўла шоир қаҳрамонининг чуқур фарзандлик туйғуларини, ижодий тақдир йўлининг муҳим бир манзилига айланган “ёшлик излари”ни, ниҳоят, “уфққа қадар нурланиб ётган” катта мақсад - шеърят оламини ўзида тажассум эта олади. Шоир “Ҳаёт билан қиёс қилиш мумкин” шеърда халқнинг нажотсиз - ҳазин руҳдаги нақлидан фойдаланиб, янги рух, янги мазмундаги ажойиб образли ҳикмат яратади:

Қўлларингга биров мушток бўлса,
Осмон яқин экан, ер юмшоқ.

Бободехқоннинг табиатан олийҳиммат ва олийжанолиги шаънига айтилган бу самимий қалб сўзлари шеърда мисрадан-мисрага томон ривожланиб, чуқурлашиб боради. Пахтакорнинг “жон риштасидан, қуёш нурларидан” яратилган ҳар тола билан чамбарчас боғланган ҳаёти, “ширин ташвишлари”, “беором ишқи” шоир қаҳрамонини шунчалар тўлқинлантирадики, унинг васфига муносиб сўз-нисбат топмайди. Лекин шеър ниҳоясида келтирилган оддийгина муқояса кутилмаганда чуқур ҳикматли лирик образга айланади:

Уни ҳаёт билан қиёс қилиш мумкин.

Фақат ҳаёт шундай сеҳрли бўлади.

Бундай эҳтиросли мушоҳада, том маънода поэтик муҳокама маҳсули бўлган мисралар образли тафаккур билан йўғрилган ўзига хос дидактизм намунаси бўла олади.

Асқад Мухторнинг “Вақт” шеърисидаги:

Ҳозиргина ўтган дақиқанг сенга

Умринг сўнгидаги дамлардан олис,-

Афористик мисралари ҳаёт, умр, инсонлик қадрини чандон улуғлашга даъват этиб, ўйга толдиради: бу, эҳтимол, табиатан таъсирчан китобхонга “ҳозиргина ўтган дақиқа” эмас, балки сира қайтариб бўлмас қанча-қанча қимматли дамлар, қайта босиб бўлмас йўллар, манзиллар хотирасига айланиши, кўнгилдаги ўкинч ва армонларни янгилаши мумкин...

Асқад Мухтор лирикасига хос юксак сўз санъати - том маънодаги поэтик бадиалар, уларнинг образли қирралари хусусидаги баҳсимизни шоирнинг “Тун” номли миниатюрасидан характерли бир парча келтириш билан ниҳоялаймиз. Унда биз чуқур руҳий-эстетик қаноат билан ўқиб ўрганган, таъсирланган, ҳаёлга чўмган ўша санъаткорона лаконизм, ўша залворли ва кўламдор мушоҳада кучи билан шакл-шамойил берилган сатрларнинг умумлашма -ассоциатив образларнинг янги намунаси билан - ҳақиқий поэзия билан учрашамиз. Мана тунги ҳаётнинг ўзидай сирли-сеҳрли, поёнсиз, ҳаёлга бой, аслида мўъжазгина шеърнинг оҳанрабоси бошқаларидан кам бўлмаган бир бандли:

Ҳайрли тун уйғоқ инсон руҳи,

Муҳаббат софласин сени оташдай.

Учавер, жонажон яшил планетамиз,

Чексиз зулматларда адашмай.

ОЛАМНИНГ БУТУНЛИГИ

1. КУРАШЧАН ЁШЛИК ТУЙҒУЛАРИ

“Онажон” - чинакам маънавий-эстетик қониқиш билан ўқиладиган китоблардан. Мен ундаги қатор салмоқдор манзумаларга такроран назар ташлаб, энг кучли ва жозибадор сатрлар қаршисида ихтиёрсиз ҳолда ўйга толдим. Қайта ўқиганимда аввал тузукроқ мушоҳада этилмаган чуқур, пинҳоний маъноларни уқиб олдим. Зотан, ҳақиқий шеърят билан қачон учрашманг, сизга ўзгача бир шукуҳ бағишлайди. “Онажон” Ориповнинг рўй-рост, журъатли фикрларни илгари суриши унинг ғоявий-бадий юксак туйғуси, маънавий позицияси билан мутаносиб келади.

Мен, “Онажон”нинг - Абдулла билан тенгқур бўлган поэтик истеъдоди шубҳа туғдирмайдиган қаламкашларнинг тўпламларидан ажратиб кўрсатувчи муҳим бир хусусиятини махсус қайд этишни истардим: ёш шоирнинг кўп томонламан ва чуқур маърифати, юқори даражадаги интеллектуал тайёрлиги кутилмаганда олис-олисларни кўришга, тийрак мушоҳада қилишга, ҳаётнинг теран ва мураккаб қатламларига разм солишга, моддий ва мураккаб қатламларига разм солишга, моддий ва руҳий оламнинг сирли нуқталарини ҳис этишга имкон беради.

“Онажон”да чинакам шеърий ва мусиқий укув, нозик бадий дид “Бу кун”, “Биринчи муҳаббатим”, “Руҳим”, “Хотирот”, “Гўзаллик”, “Тун”, “Чексизлик”, “Она”, “Қўйгил у кунларни”, “Қанот”, “Юртим шамоли” каби шеърларда аён сезилиб туради. Булар қандайдир сирли-сеҳрли туйғулар лирикаси, беихтир, илҳомнинг табиий стихияси билан яратилган том маънода лирик кечинмалар шеърятти...

Қўйгил, у кунларни эслатма, жоним,

Қўйгил, юрагимга сен берма азоб.

Ўзгалар юзимга боқса ҳам ҳайрон,

Фақат сен томоша қилма ҳолимни,

Фақат сен шеъримни севма ҳеч қачон.

Фақат сен ҳимоя қилма номимни...

Абдулла Орипов шеърятининг лирик ибтидоси ана шундай “тарҳи тоза ва беандоза” (Навоий) бўлгани учун ҳам, худди шу заминда унга катта поэтик умумлашмаларни олиб кириш бамисоли эстетик заруратга айланади. “Авлодларга мактуб”, “Баҳор”, “Саратон”, “Ўйларим” “Арманистон”, “Совға”, “Нутқ”, “Бағишлов”, “Онажон” сингари китобнинг вазни-салмоғини белгиловчи чинакам йирик шеърлар ана шу зарурат самараси сифатида майдонга келганлигига шубҳа қилмаса бўлади. Улар оҳанрабодек ўзига тортади, китобхонни нуктадон қилади, шубҳасиз, унинг поэтик маърифатини оширади, дидини ўткирлаштиради. Муҳими, китобхонда поэзияга нисбатан талабчанлик кучаяди, у кўнглида туғён урган ҳисларни шоирнинг поэтик меъёрлари билан солиштириб кўради, шубҳасизки, унинг қаршисида шавқ, ҳайрат, руҳий мамнуният туйғуси, эҳтимол, баъзан мунозарали ўйлар билан қолади...Бас, Абдулла Ориповнинг барча яхши ва янги шеърлари асос эътибори билан нималардан далолат беради? Бу саволга жавобни, даставвал, шеърларнинг ички мазмуни - моҳиятидан қидириш керак. Умуман, санъатнинг , жумладан, шеърятнинг моҳияти эса инсон замондош дунёси, унинг тақдири билан, бугунги воқеликнинг муҳим муаммолари билан белгиланади. Бинобарин, қайси бир шоирда курашчанлик, ички мунозара руҳи кучли бўлса, бу унинг асарларигача ўзгача жозиба бағишлайди, уларни, шубҳасиз, тўлқинланиб ўқийсиз.

Бу асрнинг талаби оддий ва содда,

Юрагинг буюрган ҳар қандай гапни,

Тилагинг буюрган ҳар қандай гапни

Ҳеч кимдан тортинмай ўртага ташла,

Бўғзингда қолмасин овозинг асло!

Биз нима учундир “юрагимиз буюрган”, “тилимиз буюрган” гапни баралла айтишдан гоҳи қисилиб-ийманиб, истиҳола қилиб турамиз, аниқроғи, бунга журъат этавермаймиз. Аслида ғоявий маслаги барқарор ижодкорнинг қалби амр қилган гап ҳаққоний, асосли бўлишига шубҳа қилиш мумкинми? Аслида ижодий журъатсизлик орқасида китобхоннинг тинимсиз ўсиб, ўзгариб боровчи маънавий талаб ва эҳтиёжлари кўпинча жавобсиз қолади. Юксак ва олижаноб мақсад эътибори билан тўғри ва зарур бўлган, аниқса, китобхон орзиқиб кутган гапни айтишга гражжданлик ва ижодкорлик журъати етмаган шоир учун бурчдорлик ва ижодкорлик журъати

етмаган шоир учун бурчдорлик юкини, ижобий маънодаги бундай маломатни кўтариб юриш осонми? Абдулла биринчи галда Маяковскийга, сўнгра, ёш Ойбек ва Ғафур Ғуломларга хос дадиллик билан мана шу руҳий қийноқдан халос бўлишга, бунинг учун, аввало, ўзи билан ўзи курашишга чақиради, бунга ҳақиқат, ҳалоллик, виждон хусусида юзма-юз баҳс юритган сўрлари билан шахсан амал қилади. Бу -катта истеъдод қирраларидан бири. Ҳақпараст шоир, биринчи навбатда, ўзига тенгдош замондошларга қарата ёзади:

Кўзларингни очгин, қара дунёга,
Дўстим, ҳақиқатни ҳис эт бир замон.
Сен учун, мен учун жангда мардона
Миллион-миллион одам тўккан эди қон,
Тарих бизлар учун жангга кирганда
Нима керак яшаш ўргимчак мисол.
Коммуна, йўлингга ғов бўлганларга
Найзадай санчилу тезроқ бўлақол...
Қалбим буюрмаса, бирор сўзни ҳам
Ёзмасам ҳеч қайда, ҳеч вақт, ҳеч қачон!

Маълумки, ҳаётнинг эски ва янги, марғуб ваномарғуб кучлари ўртасидаги кураш ҳам, сарҳадлардан наридаги - душман соҳилидаги синфий жанглар ҳам тобора кескин, кўпқиррали, мураккаб шаклларга кириб боряпти, унинг турли сирли-яширин йўллари, усуллари туғиляпти. Буни чуқур ҳис этган шоир ўз шеъриятини ҳаққоний туйғулар, муросасиз фикрлар, ғоялар кураши деб билиши табиий ҳол. Айниқса, ёшликнинг табиати, характери, ҳамма эскирган, турғун, катта йўлда халал бериб турган нарсаларга муросасиз муносабатни тақозо қилади. У ўзининг мардонавор яша принципи, дадил ҳаракатлари билан тенгдошлари ўртасидагина эмас, бутун жабҳа бўйлаб намуна кўрсатиши мумкин. Абдулланинг “Курашади икки тўлқин”, “Вулқон”, “Созим”, “Мен сени куйламоқ истайман”, “Уйқу” каби шеърларида ана шундай жанговар-курашчан хусусиятлар бор. Шоир, масалан, “Авлодларга мактуб” манзумасида халқлар дўстлигининг амалий қудрати, замонавий характери, тошкентликлар характери таърифида беандоза, ўктам гапларни айтди, чинакам шеърӣй умумлашмалар яратди. Суронли даврга, катта қардошлик оиласига хос, томир-томирига сингиб

кетган инсоний муносабатларимиз шаънига баланд руҳли шеърий кўшик бағишлади.

...Сизга фалокатдан берганда хабар
Дўстлик борасида ёзурлар албат.
Ёзурлар... “биз бўлдик тенгсиз биродар
Бу хислат бизларга хос эрур фақат”.
Шу замон кўзингиз олдида беҳол
Рум Ромул номусдан солиб қолур дод.
Ўйларсиз бундайин дўстликни алҳол
Кўрмаган экан-да қадим одамзод.

Абдулла қаламига хос ҳақиқат хоҳ унинг кечмиш ҳақидаги ўйлари, хоҳ ҳозирги воқелик таассуротлари ё қалб хотироти заминидаги руҳий кечинмалар ифодаси тарзида, ўзининг умумлашма характери билан ажралиб туради. “хурлик” манзумасида мангулик ғояси чуқур зиддиятлар билан тўла тарих сабоқлари фонида очилади, шоирнинг гўзаллик туйғуси, ҳақиқат ахтурвчи безовта ўйлари турли давру давронлар, юз бериши муқаррар ҳодисалар ва ногўҳоний тасодифлар биан тўқнашади. Абдулланинг лирик қаҳрамони бизни кўхна ва азалий ташвишлари, дардлари, эзгу армонлари устида ўйга толдиради, бугун ва эртанинг мураккаб муаммолари тўлқинига ташлайди.

Наҳот, дейман, дунёда собит нарса йўқ асло,
Наҳотки етукликнинг тимсоли йўқ бус-бутун?..
Ўйлайман, мангуликнинг ойнаи жамолида
Ким қоларкан севгидай абадий ва суюклик...
Ким қолар экан сонсиз авлодлар оша,
Кимнинг иши доимо аталар экан савоб?..

Шоир тасавурида энг мўътабар эътиқод, эътимодлари ҳам шоир бориб рўёга айланганда, жаҳоний шовшувга сабаб бўлган воқеалар тиниб, босилганда мангуликнинг, ҳақиқатнинг ҳамма замонлар, иқлимлар учун қудратли ва бирдан-бир инсоний тимсоли бўлиб хурлик қолади, башариятнинг умиди, таянчи бўлиб хурлик қолади!..

Жавоб бергин десалар, мен ҳам узримни айта,
Қолган зотларнинг қошидан қайтар эдим.

Мен ҳам бу азиз номни такрорлар эдим қайта,

Мен ҳам оддий сўз билан ҳурликни айтар эдим!

Шеърда илгари сурилган мангулик ғояси, бунинг асоси учун келтирилган муқояса ва далиллар катта тарихий ҳақиқатлар, чуқур халқчил манбалар билан боғланади, бу шоир сатрларига теранлик бағишлайди, унинг даъволарига бадиий-мантиқий замин бўлиб хизмат қилади. Шу тарзда, адабиётимизда ҳурликнинг яна бир поэтик тимсоли, қайтарилмас образи майдонга келади. Мухими, китобдан ўрин олган “Ҳурлик”, “Авлодларга мактуб”, “Баҳор”, “Вулқон”, “Курашади икки тўлқин”, “Нутқ”, “Уйқу”, “Созим”, “Арманистон”, “Ўйларим” каби шеърларда шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, “буюк замонанинг оташин зарби”ни ҳис этамиз. Шуниси қувонарлики, Абдулланинг поэтик таъби ҳар турли мўъжаз резаворликни, вазни енгил, маъноси саёз бўлгани ҳолда авжи зўрма-зўраки “Баланд” олинган шеърларни хашламайди. У давомли мушоҳада ва изланишлар жараёнида етилган, бутун, расо гапларни айтишга, давр садоларига чинакам поэтик акс-садо беришга, чуқур маънавий-эстетик эҳтиёж сезилган муаммолардан баҳс очишга интилади. Бу бежиз эмас. Абдулла буюк устозларнинг ижодий меҳнат таомилидан андоза олади. У дастлабки шеърларидан биридаёқ Владимир Маяковскийнинг мухлиси эканини баралла айтган эди. Ёш, лекин катта истеъдод соҳиби шеърятимизнинг Ғафур Ғулом, Мақсуд айхзода сингари дарғалари кўтарилган ғоявий-бадиий юксакликни кўзлаб бораётганини, уларнинг ижодий маслагини ўзининг бирдан-бир йўли деб қабул қилганини “Онажон”даги кўпчилик шеърлардан сезилиб туради.

Ғафур Ғулом тирикликни истаса қанча,

Биз ҳам унга ўшанчалик қилгаймиз ҳавас.

Абдулла Орипов истеъдодининг муҳим бир қирраси шуки, у деярлик ҳар бир шеъридан ҳаёт ҳақиқатини бадиий ифодалаш учун ўзига монанд меъёрни топишга, бу борадаги изланиш маромини билишга интилиши сезилиб туради. Масалан, пахтакор элнинг ҳаёти, меҳнати - бутун аъмолини, унинг кузги хирмони бутун йил давомида қандай сермашаққат, серташвиш шароитларда яратилишини кўнгилдан тўлқинланган, фахрланган, ўз тақдирини унинг тақдири билан боғланган шоиргина ўзбек саратони образини шунчалар ҳаққоний чиза олади.

Ҳали тонг ғунчаси очмасидан лаб,

Наҳор фароғатин ўйламай тақир, -

Кимсасиз далага кўзни уқалаб

Чиқиб кетганингни кўрдим-ку ахир.

Кўрдим-ку эгатга эганингда бош, -

Шу тупроқ сен учун олло бўлганин...

Бу чуқур дард ва муҳаббат билан яратилган мисралар нафақат қуёш ва ер фарзанди - деҳқон шаънини улуғлайди. Менга қолса, бу сатрлар республикамиз, мамлакатимиз, борингки, курраи заминнинг қайси иқлими, қайси пучмоғида бўлмасин, ўзбек пахтакори сингари мардона ишлаб, ўз даласида, ўз дастгоҳида жон олиб, жон бераётган, элга наф етказишни тириклик маъноси деб билган барча ҳалол меҳнат аҳлини шарафлайди, меҳнатни, фидойиликни ардоқлайди...

Йкўрдим-ку пахтангни ёндирса қуёш

Сенинг лабларингнинг қақраб сўлганин.

Кўрдим-ку манглайинг тер билан қотиб

Бераҳм оташга берганингни тоб.

Кўрдим-ку тепангда ўзин йўқотиб,

Хайратдан лол қотиб қолганин офтоб.

Бунда ҳар бир конкрет-предметли деталь, ҳар бир нисбат билдирувчи ташбеҳ туғёнли, ҳаяжонлантирувчи қувватга эга: уларнинг замирида чуқур инсоний ўйлар, меҳнат, яратиш фалсафаси жойланган. Шоир пахтакор меҳнатинининг эътиқоди даражасида эъзозлайди. Бободехқоннинг “наҳор фароғатидан” кечиб, “тепасидаги офтобни хайратдан лол қотириб” ишлашининг боиси шунда. Зотан, мўъжиза “саратон жунбуўга келган”, унинг “ўзи беҳол мудраган” дамларда етилади... А. Орипов Ўзбекистон далаларини, унинг заҳматкашлари дунёсини ана шундай ёрқин қирралари, характерли тафсиллари билан чизади, бу воқеликни, она халқ ҳаётини, инсон руҳиятини фақат шоирона ҳис этиш, поэтик тарзда қайта кечириш самарасидир.

Осмон лов-лов ёнар офтоб кўридан

Уфқда саробдан оташин балдоқ.

Чинқираб юборар куннинг зўридан

Қайгадир беркиниб олган чирилдоқ...

Гўдак уҳича ҳам шамол топилмас,

Бутанинг тагида бўзтўрғай хайрон.

Деҳқон тол тагига чўзилди бирпас

Тинди шохчадаги кушча ҳам бийрон...

Аслда бу сатрлардаги ниҳоятда аниқ ва рангин тасвир ёлғиз лирик манзара яратмайди, балки “Саратон” шеърининг ғоясини - бободехқон шаънига, унинг мислсиз меҳнати, ҳиммати шаънига айтилган қўшиқ-фахрия характери белгиловчи мезонга айланади.

Шоирнинг бадиий ҳақиқат кучига ишонч туйғуси турли шеърда турлича характерда намоён бўлади. Сиз шеърларни ўқиб қанчалик таъсирланманг, шоирнинг комил ишонч билан сўзла тарзи - оҳанги фавқуллодда ҳол эмаслигини, балки шу куннинг зарурати эканини, бу заруратни Абдуллами, бошқа истеъдодли ижодкорми, жиддий ҳис қилиб, айтилиши керак бўлган гапни айтишга ўзида шижоат топиши мумкинлигини англайсиз. Бундай ижодий жасорат, масалан, Ғафур Ғуломнинг пафосли шеърий публицистикасида, Ойбекнинг “Даврим жароҳати”да, Шайхзоданинг “Хиёбон”ида, Зулфиянинг “Ўйларим, ўйларим...” китобида бутун салобати билан намоён бўлган эди. Устозлардан маънавий мадад олиб, уларнинг хайрли ва муборақ изидан бораётган Абдулла Орипов асрдошлар билан мана, қандай мубоҳасага киришади:

Урушу фалокат, низою таъкиб

Тинмайди, тинмайди, тинмайди сира

Қани ким шодланар асрга боқиб?

Қани ким атайди уни бокира?

Асрим, ўша атайди уни қорасини

Санаб бўлгунингча бир зум толмадинг.

Бироқ одамзоднинг дил ярасини

Синаб етолмадинг, йўқ, етолмадинг.

“Уйқу” шеърида бадиий-мантикий жиҳатдан чуқур асосланган бу пурдardлик “Баҳор”да яна куч олади, “Ўйларим”да руҳий туғёнга айланади. Лекин шоир давр фарзанди, унинг қалб нидосида биринчи галда ҳозирги ёшларнинг ўй ва интилишлари, суронли давр воқеаларига дахлдор муносабати зухур этиб туради. Бугунги ёшлар дунёси бениҳоя бой, кўпқиррали-интеллектуал бир дунё, уларнинг ҳиссиётлари ҳам бошқача характерга эга. Борди-ю, фидойилик талаб этилса, бу чуқур ўйлаб кўрилади, думак, юрак амри, виждон амри унинг етук заковати билан қўшилади. У баъзан ўткинчи майлларга (аксари формал изланишларга, янги андозаларга) ўч бўлиши, ҳақиқий санъатни,

нафосатни тушунишда адашиши мумкин. Лекин даврнинг бош масалаларида - тинчлик, эркинлик, ҳақиқат, адолат, бахт ва келажак учун курашда ҳамиша ҳушёр, собит, сафарбар, ҳуллаш, у ташвишсиз, айни вақтда маънавий камолотсиз ҳаётни тасаввур қилолмайди.

Митти фарзанд бўлиб, бир дилбанд бўлиб,

Асрим сени бахтда кўрмоқ истайман.

Ва лекин баъзида уйқуга чўмиб

Сендан кўзларимни юммоқ истайман.

Аммо борми имкон бундай уйқуга

Курашга яралган жафокаш инсон.

Ҳар қандай кураш ҳам ҳаётдир унга,

Ҳар қандай уйқу ҳам - ўлим ҳар қачон.

Абдулла Орипов қатор шеърларида “курашга яралган инсон” образини халқ тимсолида беради. Ўзбек халқи Ватанга миннатдорлик туйғусини, ўзининг бурчига содиқлиги мисолини бутун инсоният олдида маълум қилаётганини, “йўғи бор, бори мўл бўлган” (Миртемир) ўлканинг бугунги сахий, жавоҳирларга тўла бағрини, элини бемисол ғайрат ва ҳимматини - замонамизнинг мана шу катта ҳақиқатини баралла айтиш учун шоирда йирик иқтидор ва ижодий дадиллик бўлиши керак. Чин эҳтиросли шоир ҳаёт билан, она замин маҳкам боғлангани, замоннинг тинимсиз ҳаракат, юксалиш ритмига ҳамовоз бўлгани учун шундай фахрия айта олади:

Бахтини бус-бутун топунича то -

Не-не балоларни кўрган ўзбекман.

Меҳмон жой сўраса, аямай ҳатто, -

Унга жонини ҳам берган ўзбекман.

Мен бугун Ватан ёнида туриб

Сени улуғлайман, эй она халқим...

Бир неъмат бўлсин, деб қалбда қонни ҳам

Анор донасига жойлаган жонсан.

Агар қўйиб берса, кенг жаҳонни ҳам

Зарга ўрагувчи Ўзбекистонсан.

Бу сатрларда зухур этган она халқимизнинг бахтли тақдири, саховатли қалби, фидойи табиати билан фахрланиш туйғулари, шубҳасиз, китобхонга ҳам ўтади.

Абдулла Ориповнинг кўпчилик шеърларини ўқиб, ҳаёт моҳияти, инсон тақдири биз ўйлагандан кўра мураккаброқ, зиддиятлироқ, ҳатто фожеалироқ эканига амин бўламиз. Шоир эркин, фаровон турмуш дориломон юртнинг жамики неъматлари, имтиёз ва мукофотлари учун унга тўлиб-тошиб шукрона ўқийди, шаънига шеърӣй фахрия айтади. Аини пайтда курраи замин устидаги таҳликалар, ҳам азалий, ҳам ижтимоӣй қонуният ҳукми билан чаппа айланган, рўё бўлиб чиққан эзгу умид-орзулар, айрим кишилар бошига тушган бахтсизлик, ногихонӣй кулфатлар, йўқотишлар, алданишлар, адашишлар, бошқа бир руҳӣй зарбалар Абдулла қаҳрамонига қаттиқ таъсир этганини сезамиз. Масалан, шоирнинг “Ўйларим” манзумасида кинояомуз оҳанги, лекин рўй-ростлиги билан жозибадор бўлган қуйидаги мисралар диққатни тортади:

Бу дунёда алам бўлмас, бўлмас деб фирок

Даста-даста китоблардан ўқирдик таълим.

Равон йўллар қаршингизда турибди мушток

Дерди бизга ҳарф ўргатган ёш бир муаллим.

Албатта, реализм санъати ва адабиёти учун ҳаётнинг доимӣй жозоба қуввати билан ҳамжинс бўлолмайдиган чорасиз ёлғизликни, узлатнишин ва нотавон йиғлоқиликни тарғиб қилувчи оҳанглар бегона. Тириклик ва умр маъносини, инсон қадрини улуғлайдиган, ҳар қандай қора зулмат кучларига, ёвузлик ва тубанликка қарши курашга чорлайдиган оғир-фожеъ мотивлар эса шеърӣятдан узоқ эмас. Зулфия, Шайхзода ёки Абдулланинг оҳир йўқотиш ҳақида ёзганлари асли ўлимга қарши, енгиб тўхтатиб бўлмас, ҳаётӣй кучнинг, имон-ишончнинг исёни, ҳамласи, шеърӣй наъраси эмасми?.. Мусиқанинг хуштаъб шинавандаларига гоҳи шўх, гоҳи ҳазин куйлар (аксари кейингиси) руҳӣй ором бағишлаганидай, китуюхонни ҳам турмушнинг бутун қувончи ва аламли томонлари ҳаққонӣй ифодааланган асарлар қизиқтиради. Бас, ижодкорлардан кимдир ранж-аламлар замиридаги ҳаётӣй ҳақиқатни, одамзотнинг боши не-не савдоларни кечириши мумкинлигини, аини замонда унинг руҳиятида туганмас сабот, меҳр оташи макон тутганини шеърӣят меъёрлари билан очиб бериши лозим эмасми?

Юрагимга бир маҳаллар кирган туйғулар

Энди сендан кетгаймиз деб сўрайди жавоб.

Мени бир зум хол-жонимга қўймайди улар
Қўймайдилар ваъдаларинг чикди деб сероб...
Гар бор бўлсанг жавоб бер, эй илоҳий қудрат,
Нахот гўдак ишончини ёзибсан қорга?!

Ҳазинлиги билан кучли бўлган бу сатрларни фақат Абдулла қалами билан яратилиши мумкин эди. Шунингдек, Ғафур Ғулом ва Шайхзода хотираси Абдулла Ориповнинг оташин мисраларида ўзининг муносиб ифодасини тодики, бу чуқур поэтик зарурат эди. Жафокаш она руҳига бахшида қилинган ёки бахтсиз, васлсиз севги ҳасратлари куйиниб-тўлғониб зухур этилган лирик лавҳа-образларда ҳам фақат Абдуллага хос исёнкор шиддат ҳокимлигини ҳис этамиз. Бундай шеърлар китобхонга катта маънавий-руҳий мадад бўладиган асарлардир. Бунга амин бўлиш учун шоирни қаттиқ изтиробга солган башарий ташвишларни - “қайлардадир инсоният фарзандларини дорга тортаётган” даҳшатли ҳақиқатни бир томонга қўя туриб, оддий китобхон - замондош дунёсига яхшироқ разм солиб кўриш кифоя: ахир унинг ҳаётини фақат шодлик ва табассумдан иборат деб бўладими? Инсон руҳиятида тириклик ўти-ёлқини тинимсиз мавжланиб турганидан, шу туганмас меҳр-оташ туфайли у энг оғир йўқотиш - ўлим мусибати билан юзма-юз олишади, ҳаётнинг мўъжизакор сеҳри-оҳанрабоси, завқи, лаззати деб аччиқ аламларга, энг қийин синовларга дош беради. Турмушнинг, инсон руҳий дунёсининг мана шу оғир-ҳазин, лекин ҳаққоний томонларини ўз имкониятлари даражасида бадий ифодаламаган ижодкор китобхон кўнглига йўл топиши қийин...

Иқболи саҳдагоҳ бўлганлар ҳайҳот,
Ўзлари тупроққа қўйдилар бошин...
Бақою бебақо аён буюклик
Ўтди сўнгги дамда бош эгиб қуйи.
Фақат билганидан қолмас тириклик,
Мана гулга чўммиш Чиғатой бўйи,
Бу сокин элда ҳам ивирсир баҳор
Ўчган хотиралар чироғин ёқиб...

Абдулланинг энг яхши шеърларида, ёниқ сатрларида (масалан, юқорида парча келтирилган “Баҳор”) ҳар қандай алам, ҳатто фожеъ ҳазинлик Шайхзода, Зулфия қаҳрамонларига хос букилмас ирода заминида турганини сезиб олиш қийин эмас. Лекин шоир адашмайди,

гўзаллик низоми сира бузилмайди, деб ким кафолат бера оларди? Абдулла интим мавзудаги айрим шеърларида баъзан маҳзун танҳоликка асир бўлади, анчайин эзилган шикастаҳол қиёфада кўринади. Шубҳасиз, бебахт севгидан етган руҳий зарбани - тошбағирлик ё хиёнат балосини бировга билдиришдан номус қиладиган, киши ўз бошига келганини бир ўзи тортадиган чин маънода ғариб-фожеъ дамлар бўлади. Лекин барибир, ижодкор қандай вазиятда ёзмасин, китобхон, халқ, ҳаёт ва замон мужассами бўлган, ниҳоят, унинг имон-этиқоди тимсолидаги ягона, қудратли ҳакам уни кузатади, шоир буни ҳис этиб туриб ёзади...

Айни чоғда, бошқа бир нуқтани - оғир-ҳазин оҳангларнинг ижодкор характери билан унинг шахсияти, дунёни болаликдан ўзича ҳис этиш тарзи билан боғлиқ бўлган табиий асосларини ҳам унутмаслигимиз лозим. Чунончи, Абдуллани ҳилолнинг боқиши, тонглар сулувлиги, Боботоғ оҳулари “ўйчан қилиб қўйган”. Бу бежиз эмас. Ўтмишнинг ҳассос шоирларини, жаҳонга машҳур улуғ композиторларни табиат гўзалликлари, ундаги мислсиз санъат, шеърият, аллақандай сирли қудрат худди шундай ўйчан ва ғамгин кайфиятга солганини биламиз. Ахир пировардида бахтли тақдирга айланиши мумкин бўлган муҳаббат қўйнида ҳам киши энг оғир изтиробларни кечирмайдими? Борди-ю, ўша муҳаббат бахтсиз тақдирга айланса-чи?.. Шунинг учун ҳам Абдулланинг мана бу сатрлари эътиборни тортади:

Парво вилма, дўстим эзилма сира,
Ғамгин қўшиқларни куйласа шоир,
Мисралари гарчанд маюс ва хира
Барчаси ҳам шайдо қалбига доир.

Камтарлик, самимият билан айтилган бу сўзлар шоир кўнглида оловланиб турган табиий дард - гўзаллик туйғусини ҳар қандай маҳдуд, ғариб мунгдан фарқлаб олишга ёрдам беради.

Биз Абдулланинг бадий-образли тили, поэтик маҳорати ҳақидаги конкрет таҳлилни махсус тадқиқот предмети сифатида очик қолдирамиз. Зотан, юқорида талқин қилинган мисоллардан ҳам бир қадар англашиладики, шоир деярлик ҳар бир сатрга мумкин қадар бадий жозибали воситаларда ифодалашни кўзда тутди. Лекин қизиғи шундаки, буни ҳаёлимиз шеърнинг руҳида - мазмунида бўлади, унинг шаклини гўё “унутиб” ўқиймиз. Бу шоирнинг чинакам сўз маҳоратидан далолат беради. Шубҳасиз, айрим шеърларда жузъий бадий камчиликлар топилиши мумкин, лекин эҳтироси сўник шеър Абдулла табиати учун бегона. Шеърият мухлисларини ўзига ром қилган

сирлардан бири шунда. Абдулла Орипов шеърларининг фикр-хаёл уфқи қанчалик катта бўлса, маъно юки шунчалик салмоқли, ифода жиҳозлари - сўз-образлари шунчалик сайқалланган. Шоир ҳеч қачон қамрови етмайдиган нарса ё ҳодисага интилмайдиган - етилмаган фикрни қоғозга туширмайдиган. Модомики, таассуротлар кенг географик муҳитни, тарихий макон ва замон меъёрини тақозо қилар экан, Абдулла буни бадиий далиллаш заруратини чуқур ҳис қилади.

Ниҳоят, шунини айтиш лозимки, “Онажон”да аҳён-аҳёнда бўлса-да, нисбатан вазни тоши енгил баъзи шеърларга, нисбатан оддий-умумлашма даражасига кўтарилмаган сатрларга, у қадар аниқ, ёрқин бўлмаган муқоясаларга (чунончи, “Илк севги” шеърида), такрорий образларга (масалан, “Севги ўлими”да) ҳам дуч келамиз. Ҳолбуки, биз Абдулла шеърларини, асосан кучли, комил, бутун хусусиятлари билан тасаввур қилиб ўрганганмиз.

Ҳаётга, инсон дунёсига яқин, дахлдор муносабатда бўлувчи, шеърият эҳтиросига тўла, ҳақиқатга чанқоқ, курашчан ёшлик куйчиси Абдулла Орипов тинимсиз ижодий изланиб, шеърий санъат юксакликларини кўзлаб борапти. Эришганидан қоникмаслик ҳисси, кечаги кунга танқидий назар ташлай олиш, том маънодаги поэтик янгиликлар туйғуси бу катта истеъдод эгасига қувончли ижодий самаралар келтиришига шубҳа қилмаса бўлади.

а) ХАЁЛНИНГ ОБРАЗЛИ ЖИЛОЛАРИ

Абдулла Ориповнинг шеърларида поэтик тафаккурнинг икки муҳим хусусияти аён сезилиб туради: мазмундорлик ва образлилик. Шоир ўзининг “майда гапни кўтармагай шеър” деган принципига амал қилиб, аввало бирор янги фикр айтишни, уни салмоқдор маъно билан йўғиришни, ҳаётнинг ички, мураккаб қатламларига дадил кириб боришни, руҳий олам сирларини тадқиқ қилишни кўзда туриб ёзади, қолаверса, мисралар мумкин қадар ифодавий-муסיқий жозиба касб этиши, оддий тафсил ва ташбеҳлар сўз-образлар даражасига кўтарилиши ҳақида қайғуради. Бу асли “гўзаллик қонунлари” (Маркс) тақозоси, замон тақозосидир. Сўнгра, Абдулланинг ўзига хос фикрлаш тарзи шундаки, у бирор нарса-ҳодиса ё муаммо ҳақида ўйлар экан, қутилмаганда “чуқурлашиб” кетади, шубҳасиз, бу жараён тинч ўтмайди, аксинча, туйғулар, фикрлар юаҳси тарзида кечирилади. Шоирнинг, айниқса, йирик пландаги манзумалари ана шундай таассурот қолдиради. Зотан, реализм санъаткори воқеликнинг мураккабликларидан, ҳатто фожеалардан кўз юммаслиги, аксинча, чуқур зиддиятлар замиридаги ҳақиқатни, ўзига хос ички гўзалликни тадқиқ этишда ижодий жасорат кўрсатиши лозим, деб таъкидлайди Чингиз Айтматов. Абдулланинг поэтик иқтидори шундаки, у туйғулар, ҳаёллар кўлами фикрий теранликни, бадиий

ифоданинг умумлашма-мухтасар шаклини, полисемик характердаги образларни тақозо этишини яхши билади, биладигина эмас, чуқур ҳис этади. Бунинг учун шеъринг контекст имкониятларидан, лирик чекинишлардан, поэтик интонация рангинлигидан, тарихий-фалсафий экскурслардан катта маҳорат билан фойдаланади. Натижада битта манзумада асосий мавзудан ташқарида бир неча “тармоқ” мавзу пайдо бўлиши, кутилмаган ғоялар, образлар силсиласи туғилиши мумкин. Йирик планда ёзилган шеърнинг бундай мураккаб “таркиб”ига қарамай, бирор нуқтада мавҳумлик ё паришонлик содир бўлмайди. “Юртим шамоли” китобидаги “Қарши қўшиғи”, “Генетика”, “Денгизга” каби танқидчиликда маълум баҳсли фикрлар туғдирган манзумалар ана шундай хусусиятга эга.

Масалан, “Қарши қўшиғи ” беихтиёр, интуитив ҳолда, оний кечинма маҳсули сифатида яратилган шеърлардан эмас, унда шоирнинг давомли мушоҳадалари, чўлнинг қадим тарихи, жафоқаш, армонли боболар ҳақидаги ҳаёллар билан қўшилади. Шеърда: “Ўзбегим диёрининг кечмишини ўйлайман, ерга чўп қадамаган амирлардан сўйлайман”, “кўҳна сардобаларда кўмилиб қолди дардим...”, “инсонлар бор - ўзидан бўлак йўқдир ташвиши” каби мисраларда бир вақтда турли характердаги, зоҳиран бир биридан узоқ бўлган зиддиятли фикрлардан ўзаро мутаносиб контраст образлар яратилади, бунда ўтмиш ҳаёллари зухур этган сатрлар шоир қаҳрамонининг замон ва замондошлар ҳақидаги ўйлари акс этган мисраларга маълум замин ҳозирлайди, табиат ҳодисалари (масалан, “юлдузли кечалар”) ижтимоий зиддиятларни жонли, жозибали ифодалаш учун бадиий фон бўлиб хизмат қилади. Қарши чўлида бошланган янги суронли ҳаёт таассуротлари она юртнинг ташна ерлари, асов дарёси, ажойиб истиқболи ҳақидаги фалсафий мубоҳасалар тарзида бадиий ўзлаштирилади. Шеърда воқеа, манзара тасвири билан руҳий олам образлари, предмет ва реал шахс образлари бир-бирини тўлдиради, шоир айниқса, ўзбек халқининг умумлашма поэтик тимсолини мухтасар, ёрқин чизиб бера олган:

Иложин топса агар кетманнинг дастасин ҳам

Ерга қадаб термулиб, кўкартирувчи бу халқ.

Жазм этса кўкка бўяр жаҳон харитасин ҳам

Бугун чўлга чиқибди, нияти топсин барҳақ.

“Қуюн тентираган”, “самонинг аждаҳоси ўт пуркаган” чўл бағрида инсон қўли билан бунёд этилаётган яшил денгиздан таъсирланиб битилган бу мисраларда халқнинг асрий армонлари, сўнмас яратувчилик даҳоси, башарий ҳаёллари, бободехқоннинг ҳаёт ва меҳнат этиқоди, мислсиз сабр-бардоши, яхши ният, умид туйғулари ғоят оригинал шаклда тажассум қилган. Чўл табиати ҳам ўзича рангин образ-манзаралар, лирик лавҳалар тарзида

чизилади. Масалан, шоир баҳорнинг сўнгги кунлари ҳақида: “Лекин офтоб забтидан қочиб боради баҳор, ношуд сайёд дастидан қалби қон оху каби... Машҳар келмай юмилди баҳорнинг қакроқ лаби”, - дейди. Чўл кечалари таассуроти: “Сизни жондан севаман, о юлдузли кечалар... Лекин шаддод ҳаётнинг юлдузда борми иши, инсонлар бор - юлдуздан юлдузлар қадар йироқ...” каби алам-изтиробли туйғулар билан қўшилади. Шоирнинг қаҳрамони Амударё билан шундай мубоҳаса қилади: “Азизим, бу дунёда йўл юрсанг йўқдир қўним, азизим, ўжарликни ёқтирмас бизнинг аср!” Ҳаёти “култум сув ҳасратида” фожиали кечган бобо хотираси шундай образлар орқали чизилади: “Масканин ёритмоққа қалбимда шеъла ёқиб лавҳи ёдин битмоққа тунлардан сиёҳ олдим”. “Қарши қўшиғи” бундай бетакрор поэтик лавҳа-образларга бой. Умуман, Абдулла шеърларида деярлик ҳар бир интим лавҳага бирон-бир маънавий-ахлоқий вазифа юклаш, ҳар бир манзара-образ замирига маълум даражада ижтимоий-фалсафий маъно жойлашга интилиш сезилиб туради.

Ҳар бир шоирда унинг оламига ўзига хос очкич бўлиб хизмат қилувчи образлар, ташбеҳлар бўлади. Абдулла шеърларида “хаёл” шундай муштарак, айтиш чоғда ҳар гал индивидуал характерга эга бўлган образга айланади: “Ҳаёт талвасаси тинмагай, аммо боқий қолур Инсон ва Хаёл” (“Баҳор”), “Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл” (“Аёл”), “Ҳаёт каби кенг эрур олам...” (“Созим”), “Доимо хаёл эзгу, доимо эзгу қасам”, “Буюк насибасин - тенгсиз хаёлин шу буюк тафаккур этмасми барбод” (“Денгизга”), “Сенинг хаёлингдан мадад мўрайман, сенинг хаёлингга бораман қочиб” (“Мактуб”) в. ҳ. “Генетика” шеърида бу сайёр рамзий образ ўзига хос салмоқдорлик, теранлик касб этади. Шоирнинг қаҳрамони “Йироқ авлодларга бизлардан нима қолар экан?” деган чуқур ташвишли саволга ўзича қатор жавоблар айтади, уларнинг аввалгиси ва бизнингча, энг салмоқлиси: “Қолар курашларда тобланган хаёл”дир. Бу умумлашма-синтез характердаги руҳий образ замирида муқаддас инқилобий жанглар, курашлар ҳақиқати ҳам, шу қутлуғ замин, мураккаб замон илгари сурган ғоялар ҳам, инсоннинг азалий идеаллари ҳам тажассум қилгандир. Шеър контекстида бу янада аниқроқ сезилади. Шоирнинг “курашларда тобланган хаёл” ассоциатив образи кейинги бандларда “буюк бардошимиз”, “оромга ташна”лик, “муҳаббатга ташна”лик, “ҳақиқатга ташна”лик чуқур подтекстли сўз-образлар билан тўлдирилади, чуқурлаштирилади.

Шу ёрқин асрда яшадик рўй-рост,

Ранжу балолардан хайиқмай тақир.

Йироқ авлодларга бизлардан мерос,

Буюк бардошимиз қолгуси ахир...

Ўзни бағишладик курашга буткул,
Демакки, яшадик биз меҳрга мутлоқ,
Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз,
Гоҳ эса қуёшдек порлоқ ва йирок
Ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз...

Шу тарзда, шоир кузатган кўпқиррали полисемик образ моҳиятидан поэтик мантиқ тақозоси билан башар фарзандининг фазлу камолда тенгсиз ажойиб ҳаёлий тимсоли жонланади. Абдулла уни “мутлоқ бокира”, “фаришта мисол” деб атайдик, инсоннинг қадим-қадимдан не-не даҳолар орзу қилган бундай идеал сиймоси, айниқса, шоирнинг мўъжизакор тахайюл ва тассавур кўзгусида жилва қилса не ажаб?! “Генетика”даги келгуси авлодлар тақдири, эзгу ҳислар, идеаллар тақдири ҳақидаги ташвишли ўйлар “Денгизга” шеърида ўзгача оҳанг ва образларда акс этган. Шоир: “Бешафқат тафаккур асри бу замон” дейди ва шундай жаҳон масштабидаги қудратли рационализм билан юзма-юз туриб, биринчи навбатда, поэзияга хос эмоционал оламни ҳимоя қилади. Шунинг учун бир вақтлар Пушкинга “асов ғалаён” саналган денгиз Абдулла “пўлат занжирлар забтидаги зот” бўлиб туюлса не ажаб? Балким бу ижодкор характери ёки кайфияти билан боғлиқ ҳолдир. Иккинчи бир шоир денгиз билан яна ўзгача тилда сўзлишиши мумкин. Муҳими, у нима ҳақида ёзмасин, оламга ўзининг субъектив-индивидуал муносабатини билдиради, аниқроғи, ўз дунёсини, ўз тақдирини ифодалайди, демак, асосий масала - уни қанчалик ҳаққоний ва самимий ифодалай олишда.

“Мен ўзим ўйлаганимдан каттароқман, ўзим ўйлаганимдан яхшироқман, менинг бошмоғим билан шляпам оралиғига сиғишим қийин”, - деган экан Уолт Уитмен. А. Ориповнинг энг яхши шеърлари бизни ҳаяжонга, ҳайратга солиши, ўйга толдириши боиси шундаки, шоир, тўғрироғи, унинг қаҳрамони бизнинг тасаввуримизга нисбатан “каттароқ” ва “яхшироқ” киёфада намоён бўлади. Демак, истеъдодли шоирнинг шеърдан шеърга томон ўзининг янги хусусиятлари билан кўриниши бежиз эмас. Албатта, шоир аҳлининг ўз жисмига “сиғмаслиги”ни фақат аслига нисбатан “яхшироқ” эканлиги маъносида тушунмоқ керак. Шундагина унинг кутилмаган ғаройиб шеърлари, ҳатто фожеъ образли ҳам китобхонга авқ бағишлаши мумин. Абдулланинг “улуғ елкадош, музаффар ҳаёт” шаънига, “баридан суюк бир зот” - она халқи шаънига битган ажойиб фахриялари ёки “ўзидан бўлак ташвиши йўқ”, “лўттибоз”, бадбин кимсалар ҳақида ортиқ тутақиб ёзган ғазабнок сатрлари кучли эмоционал жозиба касб этадики, бу поэзиянинг юксак миссиясини чуқур ҳис этиш самарасидир. Истеъдоднинг ғоявий-бадий юксаклик туйғуси, катта шеърят туйғуси теран маъноли, кўпқиррали образлар яратишга замин ҳозирлайди.

Темур тиғи етмаган жойни

Қалам билан олди Алишер...

Поэтик тафаккурнинг ёрқин намунаси бўлган бу икки мисрада шеърятнинг мўъжизакор кучи, айниқса, Навоий даҳоси ғоят аниқлик билан гавдалантирилади. Жаҳонгир тиғи билан улуғ шоир қаламининг бир-бирига нисбати шунчалик муваффақиятли чиққанки, бу поэтик лавҳа бирйўла ҳам мислсиз контраст ҳолатни, ҳам кўламли, панорам манзарани жонлантиради, ҳам предметли- воқеий, ҳам руҳий-психологик образ яратади. Ёки мазкур “Ўзбекистон” қасидасининг “Бўлмай туриб, юртим хомталаш, бош устингга келди инқилоб” мисралари ҳам ана шундай салмоқдор, оригинал образлар заминига қурилган. Шу шеърдаги бир қарашда оддий туюлган:

Балки устоз Ойбекдек бўлиб

Ёзажаксан янги бир дoston.

Балки Ҳабиб Абдулла бўлиб

Саҳроларда очажаксан кон, -

Сатрлари классикадаги мураккаб ийҳом санъатини эслатади. Зеро, уларда икки хил - зоҳирий ва ботиний - рамзий маъно бор: биринчидан, шоир халқимизнинг Ойбек ва Ҳабиб Абдулла каби асл фарзандлари шаънига фахрия айтади, иккинчидан, “ёзилажак янги дoston”, “очилажак кон” тимсолида ўлкамизнинг ҳали инкишоф этилмаган моддий ва маънавий бойликлари беҳисоблигини, халқнинг яратувчи даҳоси мислсиз эканини васф этади. Бу сатрларни шеърнинг умумий контексти ичида ўқиб, улуғ, фидойи зотлар ҳақида, жонажон Ўзбекистон, кенг маънода муаззам Ватана ҳақида, унинг башарий неъматларга, гўзалликларга шунчалар бойлиги ҳақида ўйлаб, завқ-шавққа, ифтихор туйғуларига тўламиз. Китобда “қадим ҳалол, она халқи” шаънига, “ўзи банди бўлган оалм устидан ҳоким бўлмоқни истаган” беҳаловат инсон-замондош шаънига битилган юқоридаги сингари фахрия-мисралар шаърига битилган юқоридаги сингари фахрия-мисралар, полисемик маънодаги образлар кўп. “Саратон”, “Ўзбекистонда куз”, “Аллома”, “Аёл”, “Онажон”, “Генерал”, “Авлодларга мактуб” каби шеърлар шундай таассурот қолдиради. Шоир “Арманистон”да ғафурона салмоқдор, кўламдор меъёр билан: “Тарих деб аталган қисмат бу ахир, қошида юзтубан хаттоки худо,” - дейди. “Алишер”да ҳам ана шундай теран, давомли маъно ташувчи фалсафий-лирик сатрлар яратилади: “Унинг номи билан бирга битилган дунё дафтарида ўзбек деган ном”, “байтингга бир бора қовушган ҳар лаб такрорлаб кетгуси маҳшаргача то...”. Навоий даҳосидан озми-кўпми баҳраманд бўлган ҳар бир китобхон бундай мисралар маъносини, бадий қирраларини ўзича чуқур таҳлил қилиш мумкин. “Ҳамза монологи”

шеъридаги: “Валлоҳи аъзамдан нарига ўтмай қанча йигитларнинг сўнди даҳоси” мисралари, айникса, диний схоластика, хурофот ва реакция авжига чиққан сўнгги хонликлар даврини, неча-неча авлодларнинг аянч қисматини ғоят мухтасар, аниқ ва ёрқин умумлаштириб беради.

Абдулла Ориповнинг кўпчилик шеърлари ғоявий-маънавий салмоғи билан, бадий жозибаси билан ажралиб туришининг сири нимада? Буни, аввало, истеъдод эгасининг профессиял ҳалоллиги билан, китобхон олдига юксак масъулият туйғуси билан изоҳлаш лозим бўлади. Шоирнинг ўзи: “Аммо қолмай дерман шеър гуноҳида, то виждон қошида чўкмагайман тиз”, “Қалбим буюрмаса, бирор сўзни ҳам ёзмасман ҳеч қайда, ҳеч вақт, ҳеч қачон!”- дейди (“Авлодларга мактуб”, “Альбомга”), “Виждон” ҳаками, “қалб” амри поэзия туйғуси давр олдига зарурат туйғуси даражасида бўлишини тақозо этади. Бугун истеъдод эгаси маҳаллий доирада фикрлаши ва ёзиши асло кифоя қилмаслигини, фақат мамлакат, демакки, жаҳон меъёрлари билан даврга чинакам жўравоз шеърлар яратиш мумкинлигини чуқур ҳис этишда Абдулла, шубҳасиз, ўз тенгдошлари ичида пешқадамлик қилиб келяпти. Даврнинг адабий зарурати туйғуларни, фикрларни мунтазам равишда етилтириб, ривожлантириб боришни тақозо қилади, турли нарсаларни, мураккаб жараёнларни теварак-муҳит билан, олам билан уйғунликда, мутаносибликда идрок қилишни, тинимсиз изланишни, ўзидан, эришганидан қониқмаслик ҳиссини тақозо қилади. Мана, шоирнинг “Денгизга” шеъри сатрларида тиниққан, ўзининг конкрет образли-бадий шаклини топган безовта ўйлари:

Денгиздай кенг қалбни ахтарган зотман,

Қалбим очай дейман сенга ушбу чоқ.

Лекин тинглармидинг, баҳри беомон...

Миллиард туйғулардан қотган шарора...

Фарзандман шу буюк асримга бешак,

Мен ҳам унинг учун дилни ўртарман,

Оҳ, лекин кўксимда ёнган шу юрак

Бир кун тош қотмаса дея кўрқарман...

Менимча, Абдулла эришган муваффақиятларнинг омили шундаки, у токи муайян туйғулар, ўй-хаёллар ўзининг “таянч нуқтаси” (Гёте)ни топмагунча, ўша поэтик тафаккур маркази теварагида уюшиб, бир қадар аниқлик, тиниқлик касб этмагунча - фикр бадий фикр сифатида, конкрет образлар шаклида кристалланмагунча “сукут сақлайди” (Пришвин), яратиш жараёнларини ботинида кечиради. Абдулланинг кўпчилик шеърларига хос

бутунлик, табиий равонлик, деярлик ҳар бир мисра, ҳар бир банднинг боқша мисра ва банд билан ажойиб ички таносибда яшаши, образларнинг тадрижийлиги шундай тасаввур туғдиради. Албатта, бу шоирнинг сўз, образ сайқали, вазн, қофия меъёрлари устидаги ишини, Маяковский таъбирича, “сўз қийноғи” жараёнлари истисно қилмайди. Абдулла шеърларининг муҳим бир фазилати, биринчи навбатда, ёш шоирлар учун ибратли томони шундаки, у сўзнинг фақат поэзияга хос садо ва акс-садо беришини, маъно, бадиа, ритм, мелодика яратишда мумкин қадар тўла намоён бўлишини кўзда тутди. Шунинг учун Абдулланинг катта ё кичик шеърлари нисбатан енгиллик билан, шавқ билан ўқилади, энг муҳими, кўпчилик мисралар ўзининг чуқур подтекстли, образли хусусияти, ажойиб лаконизми билан ажралиб туради.

Абдулла “энг муҳим сўз” (Маяковский)ни ахтариб гоҳ оммавий истеъмолдаги оддий истилоҳга, гоҳ классиканинг нуқтадон сўз хазинасига мурожаат қилади. Масалан, “Оҳу” шеърида бир қарашда поэтик истеъмолда анча оҳори кетгандай туюладиган “тош-бош” сўзларининг оҳангдошлик ҳолатидан ғоят оригинал манзара-образ яратади:

Тонгда оёғинг қўй баланд бир тошга,

Сени қуёш ўзи кўтаргай бошга.

Бу мисраларда субҳидамдаги тоғ манзараси, оҳунинг ўзигагина монанд бир ҳолат нақадар тиниқ образ орқали чизилади, бу жонли ва жозиб манзара фонида, оҳу тимсолида гўзаллик, эркинлик, маъсумлик улуғланади, бунда қуёш образи ҳам оригиналлик, улуғворлик касб этадики (эътибор беринг, тонгда оҳуни қуёш гўё бошига кўтаради), шубҳасиз, бу сўзга санъаткорона муносабат намунасидир. Абдулла Орипов шеърларида турли руҳий ҳолатларни акс эттирган бундай лирик манзара-образлар кўплаб топилади. Масалан, шоир “Баҳор” манзумасида ҳилолга, булутга, юлдузга, баҳор елига, турналарга одамзот кайфиятини, ҳолатини беради:

Юксак арғувоннинг учида ҳило

Паҳмоқ булутларни этади нимта.

Увада камзулда биллур тугмадай

Булутлар ортидан боқади юлдуз...

Қайдадир гулшандан ахтариб висол

Ел кезар - тоғларнинг гўзал арвоҳи.

Шоирнинг дилрабо байтлари мисол

Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи...

Бу мисралар, бир томондан, янги тароватли манзара - “табиат поэзияси (Пришвин) лавҳаларини яратса, бошқа томондан, “Баҳор” шеърининг контекстида Ғафур Ғулом, Шайхзода, Она ва барча “иқболисаждагоҳ бўлган”, “мангуга кўз юмган азиз инсонлар” ҳақидаги сатрларни тўлдиради, маълум даражада абадиёт образларига айланади.

Абдулла ҳар қандай юксак ҳаёл реал ҳақиқат билан бевосита ё билвосита алоқада яшашини чуқур ҳис этади. Романтик ҳаёлларга мойиллик кучли бўлган интим шеърларда ҳам шоирнинг қаҳрамони ўзининг дунёвий ташвишлари билан, ҳаёт, тақдир хоҳишига - бахтсиз, васлсиз севгининг ранж-аламларига қарши исёнкор туйғулари билан ажралиб туради. Шоир “Келажак” шеърида ўзи орзу қилган инсоний хислатларни “бетимсол авлод - укаси қатори” ёшларда кўради, буни ҳаётнинг оддий тафсиллари орқали ташбеҳларсиз сўз-образларда ифодалайди:

Одамсан - одамга хос неки бўлса дунёда,

Сенинг ҳам қалбинг аро жой топгани аниқ гап.

Хислатинг мўл ва лекин ҳаммасидан зиёда

Сен покиза ёшликсан, беғубор тоза қалб.

Шеърнинг реалистик кучи яна шундаки, шоир бу “покиза ёшлик” дунёсини айрим ғаразгўй, шахсиятпараст, худписанд кимсалар аъмоли билан контраст қўяди. Шеърда ҳали бартараф қилинмаган нуқсон ва иллатларга қарши муросасиз позиция чакнаб туради, бу баъзи мисраларда фавқулодда кескин, бир оз яланғоч тус олади (“Шу мўъжаз ҳаётимда кўрдим қанча лўттибоз, Кўрдим гоҳо шеърфуруш, гоҳо сур, мансабфуруш, Зарра бир мактов десанг томдан ташланар шоввоз, лекин ишдан гап очсанг бера билмайди туриш”). Шу муносабат билан бир истакни айтиб ўтса бўлади: Абдулла кейинги шеърларида, аввалги кутилмаган метафоризмлар, ҳайратбахш рамз ва мажозлардан фарқли ўлароқ, ташбеҳларсиз образлиликка, “предметлар тили”га (автологик усулига) кўпроқ мурожаат этмоқда. Хусусан, “Баҳор”даги “Бу сокин элда ҳам (Чигатой мозорида) ивирсир баҳор, ўчган хотиралар чироғин ёқиб”, “Отелло”даги: “Ролингни ўйнаса рашк қилиб мана қабрга тикибсан буюк актёрни”Ю “Арманистон”даги “Минорлар эмас бу фалакка қасам, қасоскор боболар кетмишлар санчиб”, “Саратон”даги: “Кўрдим-ку, тепангда ўзин йўқотиб, ҳайратдан лол қотиб қолганин офтоб”, “Она сайёра”даги: “Балки фарзандингни кўксингга босиб йиғлаб кетмоқдасан, она-сайёра...” каби бетакрор образлар унинг кейинги шеърларида нисбатан кам кўрина бошлади. Албатта, биз шоирнинг ташбеҳларсиз, бевосита асл маъносида келган сўз-образлар ҳам чуқур подтекстга эга бўлиши, маълум даражада рамзий маъно касб этиши, маълум даражада рамзий маъно касб этиши мумкин. Масалан,

“Аёл” шеъридаги: “Абадий фироқни, хайҳот дўстларим, абадий висол деб билди келинчак” мисраларида сўзлар ўз мисраларида сўзлар ўз маъносида қўллангани ҳолда, кутилмаганда фалсафий теранлик касб этади, “абадий фироқ” билан “абадий висол” ўртасидаги зиддиятли, ҳатто фожеали олам гўё чекинади - муҳаббат ва вафонинг беназир тимсоли пайдо бўлади. Бундан кўринадики, Абдулла энг яхши шеърларида поэтик тимсоллардан ҳам, предметлар тилидан ҳам ёрқин индивидуал образлар ярата олади. Шунга қарамай, бизнинг истагимиз шуки, “Баҳор”, “Саратон” типигаги тўла маънода образли тафаккур намунаси бўлган шеърлар, мисралар қанча кўп яратилса, шунча яхши. Қолаверса, тимсолларсиз образлилик - ўзининг асл маъноси заминида ишланган сўз-образлар ҳар доим ҳам юқоридаги ажойиб мисол даражасида бўлавермайди. Айниқса, поэзия санъатининг олами асосан тимсолларда кўриш, уни мумкин қадар ўзгача ранг, ўзгача оҳангларда ифодалаш принципи янада масъулиятлироқ бўлиб, шоирдан доимий изланишларни тақозо этади.

РУҲИЯТ ВА МОҲИЯТ ОБРАЗЛАРИ

Назар айла бу коргоҳ казъиға

Ки ортар тамошосида ҳайратим.

Навой

Рауф Парфи - оламнинг тарзига, ҳайъати - сувратига, сийрати - моҳиятига мусаввирона “назар айлаб”, уни уқиб идрок қилишда мусиқий тийраклиги билан ажралиб турадиган, муҳими, сўзнинг поэтик имкониятларини очишда ўзгача - оригинал йўлни топган шоир. У шеърият мулкига қўйган илк одимларидан эътиборан борлиқнинг турли садо ва акс-садолари, турли оҳанг тўлқинлари тасвирини чизишга, унинг оддий ва ғаройиб сувратлари, рангин жилоларига мусиқий сайқал беришга ўзида кучли ижодий зарурат сезади, воқеликнинг комил, бутун, нафас жиҳатларини, ички қатламларини, рухий оламнинг яширин, сокин ва туғёнли жараёнларини бадий тадқиқ қилишга интилади. Азалнинг чексиз, тинимсиз ҳодисалари қонуниятини, ҳатто унинг реал замон-макон, товуш-оҳанг, ранг-тус, шакл*шамойил каби ўлчовларга сиғмайдиган фавқулудда ҳолатларини, ботиний жараёнларини интуитив тарзда билмоқчи бўлиб, бунга поэтик меъёр, усул, восита, имкон, манба қидиради. Шеърият санъатининг мўъжизакор кучи билан излаганларини “топиш”га, шкнингдек, “қадимий сўзлар”нинг янги бадий-образли қирраларини инкишоф этишга муваффақ бўлади. Шоирнинг зоҳиран сукутли, аслида давомли ижодий изланишлари натижасида реал дунё таассуротлари руҳият манзараларига айланади, эпик элементли, предметли тасвирга нисбатан рамзий-мажозий характердаги ҳиссий образ, кечинма-образ, тимсол-образ катта устунликка эга бўлади.

Ҳақиқий поэтик истеъдоднинг муҳим қирраларидан бири шундаки, шоир оламга индивудиял муносабатда бўлиш, янги сўз айтиш, ўзгача образ яратишни фақат биринчи зарурат деб билади ва ҳаётдан олган таассуротларидан шеърий умумлашмалар ясашга- мумкин қадар кўпқиррали,

полисемик характердаги образлар яратишга интилади. Масалан, Р. Парфининг забардаст тенгдоши Абдулла Ориповнинг “Баҳор”, “Ўйларим”, “Асримиз одами”, “Юзма-юз”, “Комсомол”, “Генетика”, “Маломат тошлари”, “Қўриқхона” каби шеърлари ана шундай умумлашма образлари билан китобхонда шавқу ҳайрат уйғотибгина қолмай, унинг шуурига ҳам таъсир қилади, ўйга толдиради.

Рауф Парфида ҳам бундай теран шеърлар оз эмас. Шоирнинг поэтик оламини бутунлиги билан ўзида тажассум эта олган манзумалардан бири “Санъаткор”дир. Унда тақдирини драматик театр билан боғлаган ижодкор ва саховатли шахснинг руҳий ҳолати орқали санъатнинг жозиба кучи, гуманистик моҳияти ёрқин очиб берилган.

Хайр, мени ташлаб кетгайсиз бир-бир,

Парда туширилди, томоша тамом.

Бироқ сахна узра ҳал бўлган тақдир

Менинг юрагимда қилмоқда давом...

Шоир театр ҳаёти фонида (драматик ҳолатлар юқори нуқтага- трагизм даражасига етган қайсидир бир спектакль таассуроти орқали)санъаткорнинг эмоционал дунёсини бутун мураккаблиги билан кўрсатишга муваффақ бўлади. Томошабинлардан бир қанчасининг изтиробли қиёфаси қаҳрамонни безовта қилади: парда туширилиши билан кимдир “кўзини яшириб” ўзини эшикка отади, кимдир “совуқ сув сепгандек титрайди”, шоир аллақайси томошабин қизга қарата: “Оҳ , синглим, турибсан не учун маънос, ким ҳасрат суратин чизди кўзингга? - деса, бошқа бирининг кайфиятини шундай чизади: “Сиз эса не учун қотиб қолдингиз... Эҳтимол, виждонга бурув солдингиз?” Драматик театрнинг янв бир таъсирчан мухлиси “дардларига излайди шерик, кучиб ер шарига ўхшаган бошин...” Шу тарзда қаттиқ мутаассир бўлган бир неча томошабин тимсолида алам-армонли, кўнгли ярим ё виждон азобидаги қанча одамларни кўради, дунёнинг “бахти кемтик” (Зулфия) қисмат эгалари ҳақида оғир ўйга толади. Халбуки, у буларсиз ҳам ролини ўзи ижро этган қаҳрамоннинг фожиасидан таҳсирланиб, эндигина туширилган “парда ортида йиғлаб қолган” эди... Ниҳоят, Рауф санъаткорнинг борлигини банд қилган сахнадаги, сахнадан ташқаридаги “тақдир”лар ҳақида ўз зиддияти билан гўзал, ошкор ҳаққонийлиги билан пурмаъно бўлган умумлашма-лирик лавҳа яратади:

Ҳеч нарса кўтармас кўнглимни маним,

Сапчиб томоғимга осилади жон.

Додимга етмайди на дўст, на ғаним,

Санъаткор бахтиёр бўлмас ҳеч қачон...

Ҳозирги катта шеъриятимизнинг юқори талабларига бемалол жавоб бера оладиган бу ёлқинли, кучли драматизм билан йўғрилган сатрларда санъаткор ҳаёти фидойи ҳаёт эканлиги, унинг олижаноб мақсадга даъват этилганлиги ҳаққоний ифодаланган. Бошқа ижодкорлар каби шоир ҳам ўзини чинакам бахтиёрдебҳис этиши учун дунёнинг нотаомликларидан бири-инсон қисматининг кемтик жиҳатлари қачондир бартараф этилиши керак. Юқоридаги банднинг зоҳиран нажотсиз бир ҳолат ифодаланган сўнгги сатри замирида, менингча, шундай исёнкор руҳ бор: бахт, ўзининг эзгу кураш йўлида қандай кучли қаршиликларга учрамасин, ахир бир кун инсон тақдирига айланиши лозим-ку... Бу шоирнинг чуқур эътиқоди, муқаддас умид-армони. Рауф Абдулла Ориповга бағишланган “Шоир” шеърида бу ғояни янада очикроқ ифодалайди: “Ҳали яралмади у билган ҳаёт, ҳали туғилмади шоирнинг куни... Шоир юрагида очилмаган гул, шоир юрагида собит интиқом”. Ижодкор шахсига бундай юксак талабчанлик Рауф Парфи шеърятининг моҳиятини англашга ёрдам беради.

“Шоир” манзумаси “Санъаткор”да кўтарилган ғояни маълум жиҳатлардан тўлатади, чуқурлаштиради, аниқроғи, Рауф шеърятига хос руҳият ва моҳият бу гал янги миқёс, ўзгача характер касб этади.

Не эллар, ватанлар гулҳанда ёниб
Шоир кўз ўнгидан ўтади бир-бир.
Барчанинг дардини ўзига олиб
Мажнун бўлиб юрар шунингчун шоир.
Ҳали бўғизларда бўғилар нафас.
Эски яралардан чак-чак томар қон,
Шоирни куйлатган табиат эмас,
Шоирни куйлатган ҳазрати инсон.

Гарчи “Санъаткор”даги кучли драматизм “Шоир” учун характерли бўлмаса-да, бу шеърда қаҳрамон дунёси кенг, унинг ижтимоий салмоғи асримиз зиддиятлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам Рауфнинг қаҳрамони ижодкор бурчини бошқача тушунади, поэзия- гўзалликдан ҳайратланиш ва муҳаббат дардининг маҳсули деган, ҳали қимматини йўқотмалан тасаввур билан баҳсга киришади (“Шоирни куйлаган табиат эмас”) ва унинг чуқур эътиқоди бўйича, шеърятни, даставвал, умумбашарий дард - инсон тақдири, уни баркамол кўришдек улуғ ният яратиши лозим

(“Шоирни куйлаган ҳазрати инсон”). шу боисдан ҳам Рауф шоир зиммасига энг юқори, энг масъулиятли вазифалар юклашдан чўчимайди:

Кимдир ул жафокаш шу хилқат аро

Ҳамнишин тутинган оддий қаламга...

Кимдир ул, эрмак деб куйларимни наҳот,

Сохта эътирослар чулғами уни?..

Буюк эътиқоддир бу даҳр аро йўл.

Буюк эътиқоддир муборак илҳом.

Чиндан ҳам “буюк эътиқод” даъвати билан битилган бу безовта характердаги мисра-образлардан аниқ англашадик, шоир фақат гўзаллик куйчиси бўлиб қололмайди, унинг ижодий тақдири, аввало, Инқилоб ва Ватан биографияси, қолеверса, даврнинг таҳликали масалалари, башарий ўй-хаёллар билан чамбарчас боғланган. Рауф очиқ ва баралла: “Биз кимни шоир деб атаймиз бу кун?” - деган саволни ўртага ташлаши бежиз эмас. Бу жиҳатдан унинг “Она тилим” шеърисидаги: “Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат Улуғ Алишернинг қутлуғ тилида” мисралари шоир-ижодкор тақдири ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга ундайди. Қутлуғ қисматини шеърят илоҳаси Аторуд белгилаган ҳақиқий шоирлар ва ҳақиқий шеър “мулкининг султони” (Шайхзода) Навоийдек муборак бир ном тилга олиниси теран маънога эга. Бунда шеърятнинг даҳолар кўтарган юксак мавқеини эъзозлашга даъват этилаётгани, айниқса, муҳимдир. Рауфнинг “Шоир”, “Она тилим” шеърларида ҳақиқий шеър ижодкори ҳақида дили ёниб айтган сўзлари, беихтиёр, А. Ориповнинг “Усмон Носир ҳақида сўз” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1983 йил, 18 март) мақоласини, хусусан, ундаги мана бу сатрларни эсга олади: “...Усмон Носир шеърларини ўқиганимизда баъзи шоирларнинг мудроқ ва ғализ ижодиёти тарих учун не чоғли нозарур эканлигини пайқаб қоламиз”. Ошқора ҳаққонияти билан ибратли бўлган бу сўзлар Рауфнинг шеърят ва шоирлар ҳақидаги юқори талабчанлик руҳи сингдирилган ўйлари билан ҳамоҳандир.

Ҳаққоний поэтик истеъдод, поэтик эҳтирос меваси бўлган турли шеърда бадиий умумлаштириш характери, мушоҳада масштаби турлича бўлиши табиий ҳол. Масалан, Р. Парфининг “Бетховен” шеърисида мавзунинг ўзи фавқулудда мушоҳада миқёсини тақозо этганини кузатамиз:

Шивирлар, ҳайқирар бепоён денгиз,

Мен уни сипқормоқ истайман танҳо.

Фақат сен кўзингни бағишла, Зиё,

Фақат сен, Жасорат, қўлингин бер тез.

Балки бу Осмон - Орзу садоси,

Денгиз - хаёлларин садосидир бу...

Поэзиянинг хос, ғаройиб бадий мантиқ кучи олдида нафақат реал дунё имкониятлари, балки, эҳтимол, бошқа сўз санъаткорларининг ижодий фантазияси ҳам ожиз қолса керак. Поэтик хаёл уфқлари, теранликлари билан фақат гениал композиторларнинг асарлари рақобат қилса ажаб эмас. Шу маънода башариятнинг Бетховендек гигант сиймоси ҳақида ёзишга, унинг лирик портрет-оразини ишлашга журъат этиш катта масъулиятни талаб қилади. Р. Парфи чиндан ҳам Бетховендек музыка даҳосинининг тафаккур оламини шеърӣ образ оламига кўчира олган: осмон-осмон эмас, балки Бетховеннинг дунёда нисбати бўлмаган, гоҳ ҳайқирган бепоён денгиз - Бетховен хаёлларининг (фақат унинг ўзигина теран уқадиган) садосидир... Бундай ҳайратомуз бадий нисбатлаш усули соҳир ижодкорларгина муносиб ва мавзундир. Лекин Р. Парфи буюк санъаткор образини яратишда бу ҳали кифоя эмаслигини яхши билади ва бунинг учун зарур бадий-мантиқӣ замин ҳозирлайди: шоирнинг қаҳрамони табиатнинг Зиё, Жасорат отлик икки мўъжизакор қудратида мадад сўрайди, зеро, Бетховеннинг сеҳргар музыкага айланган оламини фақат Зиё кўзи билан кўриш, Жасорат қўли билан инкишоф этиш мумкин. Шу тарзда фақат Рауфга хос умумлашма-полифонӣ характердаги рамзӣ образлар силсиласи туғилади. Шоир “Ван Гог” шеърӣда буюк рассомнинг ўзгача образ-портретини чизар экан, гўё бу гал тасвирий санъат воситаларини сўз оламига кўчиради.

Буюк севги рангин излаб юарди...

Ёзар мовийликка рангин қасида.

Бироқ ҳайрат ичра қалқар юраги

Яхшилик, ёмонлик, чегарасида...

Бунча ғариб, разиллар кўп дунёда?!

Уни англамади кибор оломон...

Билмоқчи бўлди у, бу қандай замон?

Юрагин рангиникўрмоқчи бўлди...

Поэтик мушоҳада тиниқлиги, айниқса, ижодкор-мусаввир дунёсига монанд ҳамжинс ифода изланишлари бетакрор образларни (“буюк севги ранги...”, “мовийликка рангин қасида”, “юрагин ранги...”) туғдиради. Лекин шеър қаҳрамони гениал санъаткорнинг ҳар қандай ғубордан, таҳқир ва шитибохлардан холи бўлган бокира қалби ҳаётнинг азалий зиддиятлари

(“яхшилик, ёмонлик чегарасида”), давр фожиалари (“... бу қандай замон?”) билан тўқнашади. Аввал бошда гўзал хаёллар оғуида, фақат илҳомнинг илоҳий қанотида ҳаволанган бениҳоя нозиктаъб мусаввир “уни англамаган... оломон” - маънавий сўқирлар муҳитидан изтиробга тушиб, қаттиқ нафратлана бошлайди (“Бунча ғариб, разиллар кўп дунёда?”), оқибат шунга олиб борадики, қаҳрамон ундан бош олиб кетишга рози бўлади. Шу тариқа улуғ мусаввирнинг, асосан, ранглар символикаси, қисман, характерли турмуш тафсиллари билан йўғрилган образ-портрети чизгилари трагик руҳдаги нисбат - “юррак ранги” воситасида ниҳоясига етказилади.

Р. Парфи оламни фақат одатдан ташқари ранг ва оҳангларда сувратлаш билан кифояланмайди, ўзининг оригинал тасвирлаш усулига маҳлиё бўлмайди, балки бу ўзгача - рангин ифодани поэтик санъат даражсига кўтаришга интилади - ғоявий юксак, фалсафий теран маънолар учун хизмат қилишга бўйсундиради. Бу жиҳатдан, масалан, “Одамнинг боласи” шеъри, ундаги образлар характерли:

Юрагимнинг учтки қатлами балки

Совуқ, ичи турар ловуллаб...

Дунё, мен кўтариб юрибман ҳамон,

Сенинг қайғу-ғаминг бўлган бошимни...

Ижтимоий ва шахсий туйғуларнинг лирик шеъриятга хос бадиий йўғурмаси бўлган бу мисраларда объектив борлик муаммолари руҳий-маънавий оламнинг эҳтиёжлари тарзида инъикос этади: юракнинг суврати - сирти худди ернинг “устки қатламидай совуқ” туюлиши мумкин, ҳолбуки, унинг замин қаъри каби сийрати - “ини ловуллаб ёниб туради”. Демак, “юррак” фақат суюбъектив - руҳий оламгина эмас, балки ўзида битмас-туганмас муҳаббат оловини, муқаддас нафрат оловини жойлаган жонли вужуд - курашчан образидир. Худди шундай, шаклан мўъжазгина инсон боши моҳият эътибори билан дунёнинг бутун ғам-ташвишларини ўзига сиғдира олади, шу тарзда “”бош

Ҳам башарий саховат ва жасорат рамзи - “юррак” каби умумлашма образга айланади. Хусусан, кейинги икки мисранинг жозиба сири шундаки, “бошни кўтариб юрмоқ”дек оддий иборага шоир кутилмагани теран маъно жойлай олади, бу халқ тилида ижодий муносабат намунасидир.

Поэтик истеъдоднинг муҳим қирраларидан бири шунда намоён бўладики, шоир шахсий ва ижтимоий идеалнинг бир бутунлигини, ички алоқаларини тадқиқ қилади, гражданлик кенг кўламда ва чуқур талқин этади (уни фақа ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърлар билан чекланмайди), зарурат туғилганда, даврнинг башарий муаммоларига ҳам шахс тақдири орқали

жавоб қидиради. Бу, айниқса, Р.Парфининг аксари ҳиссиётини ботинида сақловчи - ички туғёни билан ажралиб турувчи қаҳрамониға хос хусусиятдир.

Юқорида таҳлил қилинган шеърлардан ҳам кўринадики, шоир гражданлик мотивларини, асосан, руҳий ҳолатлар орқали ифодалайди. Чунончи, “Шамоллар”да замон ва замондошларга баҳшида қилинган курашчи ҳаёти шундай теран руҳий образларда чизилади:

Бошимда одамларнинг
Ватанларнинг
Шамоллар шаклида
Ҳайқирган овози...
Қалбимни асримнинг
Томирига уларман
Майли ошсин қон босим
Шарт портласин
Кардиограмма
Кўзларимнинг деворига қараб ўларман
Сендан аямасман умримни асрим

Инсон боши, инсон қалбининг асрдошлар ва аср муаммоларига нисбатан қанчалар масшабли, айти чоғда қанчалар драматик образлар туғилади! Хусусан ассоциатив характердаги: “Қалбимни асримнинг томирига уларман майли ошсин қон босим” образида қаҳрамоннинг ғоявий эътиқоди, башарий ўй-ташвишлари, фидойи табиати бутунлиги ва ёрқинлиги билан ифодаланган.

Р. Парфи ижтимоий мавзудаги шеърларида (“Виктор Харанинг сўнги кўшиғи”, “Нозимнинг садоси”, “Лунс Моран” в. ҳ.) ўзининг ижодий таомилига - “сиёсий ҳаёт” (и. Бехер)нинг руҳий дунёга кўчирилган тасвирига, воқеликни унинг ички қатламлари - моҳияти орқали сувратлаш усулига содиқ қолади, лекин бу принцип сиёсий лирикаға хос ғоявий-мафкуравий ўткир, курашчан руҳни хиралаштирмайди, аксинча, кучайтиради. Масалан, Рауфнинг “Пабло Неруда ўлимига” шеърида асримиз даҳшатларининг замондош руҳиятида тажассум этган драматизми шундай образларда ифодаланади: “Сўнди озодликнинг сўнгсиз осмони Пабло... О, бугун қайғунинг қора суратин кўрдим. Нафратнинг қошида турдим юзма-юз... Нафасини ичиша ютиб юборган ҳаво Дим Нафасини ичига ютиб

юборган Паблосиз...” Шоир “Юрак” шеърида нотугал ва нотинч дунёнинг тақдири ҳақида, ҳатто унинг келажаги идеал даражаси - баркамоллиги ҳақида ўйлайди:

Даркор бўла қолсанг йиқилгил, майли,
Фақат йиқилмасин шўрлик дунёмиз
Майлига ҳайқирай имоним ҳаққи,
Кўкларга термулиб солайин уввос.
Мен фақат коммуна аталган ёрқин
Фархунда замона истайман холос.

Таҳликали дунёмиз ҳақидаги ҳаёллар зарур бўлганда “имон ҳайқирғи”га айланиши мумкин, бу башарий ғоя шоир қаҳрамонининг ўз қалби билан суҳбати тарзида берилиш гражданлик мавзусига чуқур кириш, унга эмоционал муносабат намунасидир.

Р. Парфи ижтимоий ва сиёсий ғояларни, ҳар бир шеърнинг мазмуни тақозо этган оригинал шаклда, аниқроғи, конкрет таассурот ё хотиротнинг характериға, кўламиға монанд тимсол-образлар орқали ифоддалайди. Масалан, “Ватан ҳақида Бернд иеншға мактубим” манзумаси поэтик мушоҳада, ҳаёл миқёси, фалсафий фикр теранлиги билан ажралиб туради. Шоир ватан тушунчасига ҳофиза образлари орқали шунчалар чуқур маъно берадики, уни бирданиға ва тўла тадқиқ қилиш осон гап эмас. Рауф ўзининг кўпдан қийнаган саволларға жавоб қидириб, ниҳоят, ташқарида бўралаб ёғаетган қордан бадиий фон сифатида фойдаланади; “эзгин-эзгин”, “лўппи-лўппи” ёғаетган қор дераза ёнида ўтирган қаҳрамонни ҳаёлан узоқларға олиб кетади.

Ватан ҳақида сенға Бернд
Бу мактубни ёзаётган пайтим
Ташқарида қор ёғмоқда эзгин-эзгин...
Тахайюл ёғар Тахайюл отига минган осмон.

“Тахайюл” - ҳаёл йўллари қанчалар узун, манзиллари ҳисобсиз бўлса, суръати шунчалар тез, шиддаткор. Лекин шоирнинг асосий мақсади - “Ватанни... тушуниш” шеърдан олган чуқур таассуротимизни бир қадар тартибға солиш имконини беради. Рауфнинг эътиқодича, ватанни тушуниш “унутиш мумкин бўлмаган нарсалар” хотиротидан бошланади. Мактуб немис шоириға қаратилгани учун ҳам “қор-тахайёул” тимсоли, даставвал, Освенцим фожиасида - газ юбориб ёндирилган оодамларнинг “чорқирра трубалардан шамолларға бўккан тутинлари” тарзида зухур этади.

Қор. Қор. Инсон товушларига тўлиқ қор
Сочларга тўла тутун Суяклар чанги...
Аччиқ бир шеър бўғзимга келиб тиқилди
Кўзларимга сачради Бехер шеърининг қони
Тўсиб қўйди қорларни

Хотиротнинг бунинг каби таърифдан ташқари даҳшатли лавҳалари шоир қахрамонини сергаклантиради, ғофиллик фожиасидан аламзада, авлодлар тақдири учун маъсул курашчилар сафига чорлайди: “Эҳтимол ечиб ташлашимиз керакдир қора рўмолини Дардли хотиротнинг мунгли бошидан эҳтимол бизни орзулар оҳангида алдаётганлар тўғрисида ўйлашимиз керакдир кўпроқ”, - дейди у Брендга. Қийноқли хаёл ўз уфқларини кенгайтира боради: Бернд Ватанининг фожеъ хотиралари тадрижий суратда шу кунларнинг таҳликали ўйларига ўтади - “йигирманчи аср деб номланган оғриқ”қа айланди, бу мисрадан-мисрага томон кучайиб, дунёнинг турли меридианларидаги ватанни, она тилини, виждонни, инсонлик қиёфасини “унутганлар”га нисбатан поэтик айбнома даражасига кўтарилади. Пировардида тахайюлқор ойнасида оғир дамларда “жаҳон тақдирига нажот” (Ҳ. Олимжон) тимсоли сифатида, “Нозим ҳикмат айтгани каби... Ватанларнинг Ватни... ҳурлик аталган Втан” бутун улуғворлиги билан жонланади. Лекин шоир “ватанни тушуниш”да ўз эътиқодига содиқ қолади: “Унутишга арзир шон-шуҳрат бошқа унутилмас нарса фақат фожеъ Ватандир” дея сўзни яна ўша муқаддас хотиротга қарата дейди:

Қор ёғмоқда, Тахайюл ёғар...

Улар йигирма миллионли шаҳид номидан сўзлар.

Бу - буюк миллат эди.

Бу - буюк Давлат эди.

Дунёнинг севиқли Ватани эди...

Мен шундай тушунаман Ватанни, Бернд.

Юксак гражданлик руҳи, эзгу идеалларимиз олдидаги бурчдорлик туйғулари, уруш қурбонларининг муқаддас хотироти йўғрилган бу мисралар Ватан ҳақида ўзгача мушоҳада - бетакрор образлар сифатида шууримизни ларзага солади, улар ўзининг теран фалсафаси, катта умумлашма кучи билан зиддиятли ўйларга толдиради.

А. Орипов оламнинг азалдан тоабад сирли сукунатидан ҳайратга тушиб, уни “соқов даҳо” деб атаган эди. Р. Парфи табиатнинг бошқа бир

ходисаси - туманни инсонийлаштириб, кутилмаганда бу образ-лавҳага умумбашарий маъно беради:

Туман - тамаки тутунидек,

Гўёки Дунёнинг қайғуси.

Қуёш сари кетмакда чекиб

Дунё хаёл суруб уйкусиз...

Бу ғаройиб рамзий образ Рауфнинг поэтик истеъдоди учун характерлидир: аввало, унинг моҳиятида “дунёнинг қайғуси” зухур этади, сўнгра, муҳими, дунё ўз қайғусини “тутунидек... чекиб”, қуёшга мардонавор интилиб боради. Борликни қуюқ туман босиб, ҳатто қуёш юзини бекитган пайтларда ҳам одамлар ёруғлик зулматни енгии муқаррарлигига ишонч туйғуси билан яшайдилар. Бугунги қалқиб турган дунёнинг уйқу ҳаловатини йўқотган, тинимсиз чекиб, хаёл суриб бораётган одамга қиёс қилиши ўзи обрах-лавҳага бадий-мантикий бутунлик бағишлайди. Туманли манзаранинг қуёшга нисбатига келсак, бу ҳам тасвирнинг табиийлиги, ҳам шеър замирида ётган ижтимоий оптимизм далолатидир.

Поэтик истеъдоднинг муҳим қирраларидан бири шунда намоён бўладики, ҳар бир “мустақил даҳо” (Лессинг) ўзига хос маънавий-ахлоқий концепция ишлаб чиқади, шу заминда давр муаммоларига, инсон-замондошнинг руҳий эҳтиёжларига фаол муносабат билдиради. Маълумки, бугунги катта поэзиямизнинг маънавий оламига қизиқиш ҳар қачонгидан кучли. Рауф Парфи ҳам юқорида таҳлил қилинган “Санъаткор”, “Юрак”, “Одамнинг боласи”, шунингдек, “Онамга хат”, “Соя”, “Ҳамлет”, “Туйғулар” каби шеърларида бу мавзуга ўзининг хос муносабатини билдиради. Чунончи, шоир “Соя” шеърида ўз-ўзи билан кескин мувоҳасага киришади, аниқроғи, у лирик қаҳрамони билан бирга гоҳ айбсиз айбдорлик жазосини - тақдир шафқатсизлиги туфайли юз берган тузатмас хато азобини тортади:

Муҳаббат, сен менга вафо қилмадинг,

Севги саҳросида осий, мосуво.

Мен сени билардим, мени билмадинг,

Балки у соямас, сенсан бевафо?

Гоҳ кимнингдир ҳаётини туфайли “қамчиланган виждони” қаршисида қийналади, гоҳ уни асоссиз иштибоҳу сохта, алдамчи тасаввурлар касри билан юз берган шабпарак кўркув кечирилмас гуноҳ бўлиб таъқиб этади:

Ортимдан эргашар билгисиз соя,

Пинжиғида бордир аъмолу асос.

Йўқдир паноҳ менга, йўқдир ҳимоя,

Дўстлар у қасосдир, муқаддас қасос.

Шоирнинг содир бўлган хатолар учун виждон Ҳаками олдида барча гуноҳларни ўз зиммасига олиши ва қачонир интиқом соати келишини кутиши - бу имон-эътиқоднинг бутунлиги, маънавий баркамоллик аломатидир. Лирик қаҳрамоннинг самимий изҳори дили моҳият эътибори билан илғор китобхон виждонига ҳам ҳавола этилаётган умуминсоний дарддир, зеро, лирик шеърнинг марказий образи - “мен” шоир шахси билан “коллектив даҳо” (Гёте)нинг ўзига хос синтездан иборат. Шоир дарди одамлар дарди билан, кенг маънода башарий ташвишлар билан ҳамоҳангдир, деган ҳақиқатнинг маъноси шунда.

Агар А. Орипов, масалан, “Қўриқхона” шеърида бугун табиатдаги камёб жонзодларга нисбатан маънавий дунё муҳофаза кўпроқ муҳтожлигига эътиборимизни жалб этиб, инсонфни, оқибатни, имонни, виждонни авайлашга даъват қилса, ҳатто: “Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун Ёвузликдан зада Қўриқхона” дея маънавиятга жиддий хавф пайдо бўлганидан қаттиқ ташвишланса, Р. Парфи “Ҳамлет” шеърида “виждон шеваси”нинг кадрсизланганидан руҳий изтироб чекади:

Бош эгиб тонглардан тонгларгача то

Виждон шевасига ташбеҳ излаймиз.

Одамга виждон ҳам бўлмасми ҳатто!

Сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлаймиз.

Бу киноявий оҳангдаги мисралар - ўткир полемик сўз-образлар замирида қанча жавоби мушкул саволлар жойланганини ҳис этиш қийин эмас. Сатрлар руҳидан мислсиз қурбонлар, йўқотишлар эвазига эришилган нурли манзилда, моддий фаровонлик турмуш тарзига айланган бир шароитда нечук маънавий тубанлашиш ҳоллари содир бўлиши керак, инсоннинг виждонидек буюк ҳаками нега мавқеини сусайтириши, гунгу лол бўлиши керак, деган оғир - нидо эшитилади.

Р. Парфи “ҳурлик макрабасига гулчамбар” шеърида улуғлар ичида улуғ, азизлардан азиз инсон хотирасини маънавиятнинг мўътабар манбаларидан бири сифатида талқин қилади. Шоир ўз қаҳрамонини замҳарир қор бўралаб ёғиб турган кунда “муқтадир издиҳом” иштирокчилари қаторида тасвирлайди. Шоир бу чуқур сукутли манзаранинг руҳини, моҳиятини ифодалашга айрича аҳамият беради: “Унинг мотамида бўлганман гўё, Кўксимда йиғлайди қадимий йиғи. Ўйларимни мен қорларга қораман. ҳурликнинг қошига бўзлаб бораман” Рауф қаҳрамонининг тасаввурида

хурликдек буюк ҳақпараст ва покдомон зотнинг вафоти инсоният тарихи учунҳамиша бемаҳал бўлиб қолаверади, бу мотам сира эскирмайди: “Уни елкасида олиб ўтади Тафаккур дунёси мақбара томон”. айниқса, бу муборак манзилда “қор ипи”дай чексиз ҳаёлларга чўмиб, хурлик ҳузурига бориш теран маънога эга.

Бу ерлан ҳақиқат овози келур...

Бу ер муқаддаслик тимсоли эрур,

Қалбим мақбарида олиб юрармен...

Бу ердан ўтадир имон излари.

Абаднинг кўксида юмиб кўзларин

У - дунё ҳақида суради ҳаёл

Бунда у кўзларни тангламоқ керак,

Покламоғи керак ҳар қандай юрак.

Шоир тасаввурича, хурлик мақбараси фақат буюк инсон хотираси учун азиз манзилгоҳ бўлиб қолаолмайди. Зотан, хурликнинг реал ҳаёт йўли, “қурашчан ҳаёли” башарият тақдири билан шунчалик чуқур боғланганки, у чиндан ҳам “барча тириклардан тирикрокдир” (Маяковский). шу жиҳатдан, масалан, “Абаднинг кўксида юмиб кўзларин У дунё ҳақида суради ҳаёл” образ-лавҳаси қанчалик шартли-рамзий маъно англатса, шунчалик бадий ҳаққоният ва мантиқ кучига эга. Демак, муқаддаслик тимсоли бўлмиш мақбарадан... “ҳақиқат овози келиши”, “имон излари ўтиши” ажабланарли ҳол эмас. Айниқса, “Бунда... ҳар қандай юракнинг покламоғи керак” деган афористик жумла-образда катта ғоявий-бадий ҳақиқат мужассамланган, бу маънавиятга эътибор кучайган бугунги шароитда янада ибратли бўлиб, шубҳасиз, муҳим ахлоқий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Р. Парфи “Талпинади, шундай кулади...” шеърисида ҳатто табиат ҳодисаларига хос ўзгача ҳам маънавий-эстетик қиммат беради:

Совуқ юракларга ўт қалаб,

Ўзи бериб ўзига баҳо,

Мангуликнинг нағмаси ила

Талпинади ўлкада баҳор.

Шоирнинг хос кўнгил нигоҳи, руҳий идроки баҳорга бетакрор бадий қирралар бағишлайди: баҳор ҳиссизлик ва бедардликка нафрат, ўзликни, қадр-қимматни эъзозлашга даъват, азал ва абадиятга мадҳия рамзига айланади.

Поэтик истеъдоднинг характерли қирраларидан бири шунда намоён бўладики, шоир воқеликни, инсоннинг руҳий оламини бутун мураккаблиги, драмаизми билан, рўй-рост акс эттиради, ҳаётдаги мураккаб вазиятлардан, кескин зиддиятлар билан тўқнашишдан чўчимайди, у ҳатто ҳал қилиниши мушкул бўлган башарий муаммоларга қандай бўлмасин жавоб топиш изтиробида ёнади. Р. Парфи ҳаётнинг мураккаб муаммоларига, давр зиддиятларига фаол ижодий муносабатда бўлади, чунончи, у ижодкор тақдири ҳақида ёзар экан, кескин драматик ҳолатлардан кўз юммайди. Мақсад - шоир дунёсига, кенг маънода, замондош дунёсига чуқурроқ разм солиш. “Пабло Неруда ўлимига”, “Нозимнинг садоси”, “Егуше Чаренц хотирасига”, “Байроннинг сўнгги сафари”, “Бетховен” каби шеърларда, табиий, трагизм устунлик қиладики, қатор улуғ ижодкорларнинг муштарак фикрича, бу санъатнинг чўққисидир. Булардан “Усмон Носир” алоҳида ажралиб туради. Шоир ҳудудсиз алам билан ёзади:

Кечирмасдан сени ҳеч қачон
Вужудимни ғижимлар оғир
Руҳим ичра яланғоч виждон...
Ён, шеърият, тутунга айлан...
Ўз шеърини ул ўзи билан
Ёндиргани рост бўлса агар!

Бу пурдard сатрлар шуни кўрсатадики, санъат фақат ғоявий курашчанлиги билангина эмас, балки зарур бўлганда ўз шаънини, номусини ҳимоя қила билиши, журъаткор рўй-ростлиги билан характерланади. Ҳақиқий поэзия табиатига хос бундай исёнкор хусусиятлар (улар шоир характерида чуқурроқ очиқ беришга хизмат қилади) оғир-ҳазин ноталарда ифодаланиши шеъриятнинг заифлигини эмас, аксинча, кучли, ҳар қандай синовларга чидамли жиҳатларини кўрсатиб туради, муҳими, шоирни шахс сифатида, инсон сифатида яхшироқ билишга, унинг мураккабликлардан холи бўлмаган ижодий йўлини объектив баҳолашга ёрдам беради.

Шоирнинг “Боқчасарой фонтани” шеърида ўтмишнинг чуқур ижтимоий зиддиятларидан бири акс этган, унда қанчадан-қанча бахтиқароларнинг шоҳиди бўлган тарихий фонтани тилга киритади. Шоир куйидаги мисралар орқали хонликларнинг “Хос ҳарамлари” қафасида баҳор умри ҳазон бўлган не-не гўзалларнинг унсиз нидоларини фаввора тимсолида ифодалайди:

Қаҳрли, бешафқат гаройлар...
Кечди аср, йиллар ва ойлар.

Ғамли фонтан, ҳамон йиғлайсан,
Ҳасратларда бўлмайсан адо.
Эҳтимол, кимнидир йўқлайсан,
Кимлардандир кутасан садо...

Илк дафъа Пушкин даҳосидан сеҳр-жозоба касб этган машҳур фонтан Р. Парфида “ҳасратларда бош эгиб йиғлаган”, “кўрганини айта билмаган” тутқунлар руҳининг поэтик рамзига айланади, унинг томчи зарралари “нечанеча малакнинг қонли ёши”га қиёс этилади.

Сен йиғлайсан балки ўшандан
Ғамли фонтан, эгиб бошингни.

Фонтаннинг кўриниши “бошини эгиб... йиғлаётган” мотамсаро кишининг ҳолатига қиёс этилиши бадиият эътибори билан қанчалик аниқ ватиниқ чизилган! Бу ҳарир лирик манзаранинг моҳиятида чуқур инсоний ддard ётади: худди шу фонтан “не-неча малак”нинг фожеъ қисматига бевосита шоҳид бўлган... Шоир машъум кунлар хотираси нафақат шахс эррки, муҳаббат эркидан баҳс очади, балки китобхона барча фожеъ қисматли маъсумларга нисбатан чуқур ҳамдard кайфият, дунёнинг турли қиёфадаги “гаройлари”га қарши нафрат туйғулари уйғотади. Рауф яна бир минниатюрасида фавворанинг ўзгача тимсолини чизади:

Дунёда йўқ эди ўхшашинг,
Гўё тиниқ, тоза гул эдинг.
Кўз ёшларинг тинган. Кул, энди...
Яхи эди сенинг йиғлашинг...
Нечун жимсан, ахир, фаввора.

Бу гал фақат Рауфнинг поэтик мушоҳадаси учун хос бўлган лирик манзара намоён бўлади, фонтан тўхтаса, унинг нафақат жозибаси, ҳатто маъноси ҳам йўқолади, шунинг учун шоирнинг: “дунёда йўқ эди ўхшашинг... Яхши эди сенинг йиғлашинг” каби зоҳиран оддий, аслида ўз зиддияти билан чуқур моҳият касб этган сўзлари жозиб руҳий-полемик образга айланади. Хусусан: “Кўз ёшларинг тинган. Кул, энди!” сатри инсон кечириши мумкин бўлган мураккаб драматик ҳолатни нисбатлаб келиши билан ажралиб туради, бу фақат Рауф қаҳрамонининг кайфиятига мос бўлиб тушгандай туюлади. Шунинг учун ҳам: “гўё тиниқ, тоза гул эдинг... Нечун жимсан, ахир фаввора...” мисралари кимгадир дахлдор бўлган, лирик қаҳрамоннинг ёлғиз “ўзи биладиган” (Миретмир) видо сўзларидай таассурот қолдиради.

Юқорида қайд этилганидек, жаҳоний ғам-ташвишларни, умуминсоний дард - фожеъ ҳолатларни, айниқса, шоир зоти юракдан кечирадики, буни оғир-ҳазин оҳангларнинг биринчи манбаи деб билсак, иккинчи манбани субъектив омиллардан, чунончи, алданган, таҳқирланган муҳаббат изтиробларидан ахтариш тўғри бўлур эди (бахтсиз муҳаббат қисмати ҳам, моҳият эътибори билан ўзининг маълум объектив сабабиятига эга).

Йирокларда ингранар Лист ҳам,

Қулоғимга бўзлайди Фуркат.

Ҳузуримга чиқмас бир одам

Мен барибир кутгайман фақат

Айтинг, нечун ташлаб кетди у?..

Бундай бахтсиз дақиқаларда ариқ ҳам “шиллик қуртдай тўлғонади”, “осмон юзи сариқ совуқлик” тусига киради, ҳатто ой “ҳаёсиз... яланғоч” қиёфасида таҳқирлаганнамо “кулиб”, кимнидир “алдаб балқиб бборади”. бундай кезларда бечора ошиқ йигитнинг бардошга тўзим тилашдан бошқа илож тополмай қоласан киши. Негаки, “юракка амр йўқ севгидан ўзга, табиат ўзи ҳам бу бобда ожиз” (Зулфия)...

Умуман, Р. Парфи шеъриятида чуқур ўйчанлик, баъзан қаттиқ изтиробли руҳ, жон, теран маъно бағишлаган, самимийлиги, ҳаққонийлиги биланбеихтиёр ўзига ром этувчи зиддиятли кечинмаларга шоир табиатида, характерида кучли тамойил бўлиши китобхонни ўйга толдиради. Зеро, бу - анъанавий маънодаги ҳазинлик эмас, балки “Санъаткор”да, “Шоир”да бутунлиги билан тажассум этган бўйсунмас ва мағрур руҳ изтироби... Махнавий юксакликларни кўзлаган эзгу армон, руҳан қониқишдан узок муҳаббат дарди, инсоннинг бахти учун даъват этилган фидойилик қийноқлари... Иродасизлик, журъатсизлик каби характер заифликлари ёки объектив ва субъектив сабаблар билан содир бўлган хатоликлар учун виждоназоби, имон маломати; қаллоблик ва хиёнат, шафқатсизлик ва бедардликкаби машъум иллатга қарши нафрат туйғулари... Қисқаси, бу - шоир истеъдоди тақозо қилган, шаклланган яхлит кайфият ва руҳият, уни ўзгартириш имконсиз. Бусиз ёрқин индивидуалликка эга бўлган Рауф Парфи шеъриятини тшла тасаввур қилолмаймиз.

Поэтик истеъдоднинг ёрқин қирраларидан бири беихтиёр - интиутив тарзда туғиладиган, ғойиб укув билан илғаб олинадиган учкур туйғуларнинг суврати, сирли кечинмалар образи тарзида шаклланадиган махсус лирик шеърларда намоён бўлади. Уларнинг шаклланишига хос аллақандай сирли назокат - ўзгача бадиалар, ўзгача лирик образлар нозиклигига айланади. Уларни тадқиқ қилиш осон эмас - ўшандай нозик

дидни тақозо этади. Шу жиҳатдан Р. Парфининг хос поэтик дунёсини (йирик талантларда бу алоҳида ажралиб туради), воқеликка индивидуал муносабатини тадқиқ қилишда анъанавий “соф” лирика, аксарият интим кечинмалар - бу оламнинг оний манзаралари, пинҳоний садолари, сирли тебранишлари чизилган манзума ва миниатюралар алоҳида аҳамиятга эга. Мана, шоирнинг “Оҳанг” шеърдан характерли сатрлар:

Менинг ўйчан, меҳрибон онам -

Ер шаридан олинган тасвир...

Ўйқ, сен оҳанг эмассан, ёлғон.

Сен қалбимда эшилган нида.

Сен ҳам менга ўхшаган инсон,

Сен ҳам дунё, шу ёруғ дунё!

Аввало, она меҳри, унинг “ўйчан” сиймоси ер куррасининг дард-ташвишларига, саховат ва заковатига қиёс этилиши ўзиёқ китобхонни чуқур ҳаёлга толдирмайдими? Ёки оҳангнинг фақат музыка садолари эмаслиги, унинг дунёга, инсонга, хусусан, инсон қалбидаги сирли нидоларга нисбат берилиши-чи? Қалб нидолари замирида қандай теран-пинҳоний маънолар жойланганини, эҳтимол, шоирнинг ўзи ҳам тўла англаб етмагандир... Зеро, дунёнинг моҳиятига, айниқса, руҳий олам - “қалб нидолари” моҳиятига етиш имкони борми? Бундай жавоби мушкул, лекин жазб этувчи саволлар замиридаги фикр-хаёл кенгликлари, теранликлари Р. Парфи шеърлятига бўлган қизиқишни орттиради.

Мен сенга ишонмайман энди,

Бир кун доғда қолдириб

Сени ташлаб кетаман, юрак.

Ажабо, инсон ўз юрагига ишонмаслиги ҳам мумкинми? Улуғ Гёте: “Мен ақлан билганларимни бошқаар ҳам билиши мумкин. Менинг ягона умидим, фаҳрим - сенсан, қалбим!” - деган экан. Лекин ҳаёт мураккаб, айниқса, шоир кечирган, унинг ижодий қисматига айланган ҳаёт шунчалар зиддиятлики, шоир қаҳрамонининг бу ғайриодатий мушоҳадаси - ҳатто ўз юрагига “ишонмас” даражага олиб борган сабаблар бизни мубоҳаса қилиш ҳам мумкин. Бу қадим дунёнинг не-не буюк шоирлари энг мушкул, фожеъ дақиқаларда ўз қалбини бирдан-бир дўсти содиқ, маҳрам сирдош, ягона умид чироғи деб билсинлар-да, бирдан Рауф бу муқаддас таомилга қарши борсин? Лекин биз у билан мубоҳаса қила туриб, айниқса бу “шафқатсиз аср”да шоир зотини тушуниш лозим, ўйланиб қоламиз (гўё Навоийдек даҳолар ҳам

шоирни қувватлагандай бўлади: “Элдин андоқ ёшурун истармен ул хилватником, Кўнглум андин воқифу жоним хабардор ўлмагай”)... Зотан, Рауф Парфининг қаҳрамони ўз “юраги” билан бундай қалтис мунозарага киришиши бежиз эмаслигини бошқа шеърлари, чунончи, “Бирга туғлдик-ку, юрагим” миниатюраси ҳам тасдиқлайди:

Сен яшайвер, сен мени кутма,

Мен-ку исмингман холос, лекин,

Юрагим, исмингни унутма,

Фақат Рауф Парфининг поэтик мушоҳадаси яратиши мумкин бўлган бундай сатрлардан бир қадар айдинлашадики, одамлар дарди, башарият дардидек оғир юкни кўтариб юрган баъзан беомон “лаҳзалик ситамлар” (“Бир лаҳза достони”) хужум қилганда, ягона сирдоши - “юраги” ҳам унга малол келиб қолса не ажаб!.. Бу бир лаҳзалик ҳолат ҳам, руҳий хасталик, нотавонлик эмас, фақат шоир саботи билан кечириладиган исёнкор кайфиятнинг қалтис бир нуқтасидир. Бу фақат ҳассос шоирларга хос “ўзига сиғмаслик” (Уитмен)нинг бир кўриниши десак яна дурустроқ бўлар...

Р. Парфи шеъриятида, масалан, классик музика асарларига хос сирли теранликни кузатамиз, ҳис этамиз. Мана, муҳаббат ҳақидаги энг мўъжаз икки миниатюра: “Сени топгунга қадар Қандай яшадим мен Наҳотки яшадим”. “Ер ўз ўқидан айрилар Инон осмонидан айрилар қуёш Агар биз айрилсак”. Биринчи шеърда табиатнинг инсон учун қилган буюк эҳсони - улўғ Навоий барча нарсадан азиз деб билган умр йўлининг энг гўзал бўлмиш муҳаббат манзилидаги мулоқот, унинг самовий маъноси бадий жихатдан мухтасар ифодааланган. Иккинчи шеърда эса, аксинча, севишганларнинг эътиқодига айланган бахтли тақдирга кутилмаганда ё хиёнатдан, ё разолатдан етадиган офатнинг машъум хавфи, бу кўрқинч ҳадик туфайли тасаввур қилинган фожиа даҳшатида поэтик нисбат берилади.

Р. Парфи шеъриятида санъатнинг турли соҳаларига оид бадийлик элементларини илғаб олиш қийин эмас. Унда ҳайратомиз ёрқин тасвирийлик - ранглар, язиқлар, жилолар тиниқлиги, нурлар, соялар, уларнинг одатий ва одатдан тақари кўринишларидан руҳият манзараларини чизиш, бугина эмас, оламнинг турли товуш-оҳанглари, садо ва акс-садоларини ҳам ўша тасвирий аниқлиги билан сувратлаш ажралиб туради. Фақат Рауфга хос поэтик тафаккур меъёри, мушоҳада тарзи гўё имконсиз туюлган жойда ажойиб бир имконият яширинганини бадий кашф этишга қодир. Характерли бир мисол: “Ўт ичидан термакдаман товушни. Куйиб бўлган нарса куймас қайтадан”. Шеърнинг туғулиш жараёнидек мураккаб руҳий меҳнатни ўт ичидан “товуш териш”га қиёс этиш (шеър Александр Блокка бағишланган, Блок ўз шеъриятида оламнинг товуш-оҳанг тебранишларига айрича қиммат бергани

маълум) қанчалик фавқулудда бўлса, бадиий жиҳатдан шунчалик мантикийдир. Умуман, товуш Рауф Парфи шеърларида нуктадон қирралари билан товланиб кўринади: “Абадий бир наво сингари само”, “Саболарда ўйнайди наво”, “Бу - ой тўккан шуъла эмас, йўқ, бу навога айланган сўзлар”, “Товушларнинг рангига қаранг Қаранг тез рангларнинг товушига. Бу шўрлик ой ҳам шоирми дейман”. “Аста тўхтар бу куй оғир. Куй бўлиб қолдинг ёдимда...”, “Товушга айланди ҳар бир ғишт ранги”, “Бунда у кўзларни тингламоқ керак...” “Кетди Нозим Қолди Ҳикмат кўзлари ила”. Худди шундай, шоир яратган кўз образи ҳам одатий ва одатдан ташқари бадиий қирралари билан ўзига тортади: “У пайт кўзинг эди - маъно. Сохта туюларди сўзлар”. “Кўзларига чанг ютган ҳаво”, “Ким яширди, ёлғизим, Тунни кўзингга...”, “Ким ҳасрат суратин чизди кўзингга...”, “Ким осмонидан учган юлдузлар. Мангулик осмони - бу теран кўзлар”, “Юлдузларнинг нурлари оғрир кўзларимга келиб санчилиб”, “Кўзларинг сўқирми, тун, нима бўлди. Бу ҳолда бировни босиб оласан. Мана, гугурт, ёндириб олгин кўзингни...” Турли шеърлардан олинган бу терма сатрларнинг ҳар бири кўзлар қорачиғига жойланган дунёни ҳар гал ўзгача бадиалар - янги нозик маъноларда инкишоф этадики, уларнинг лозим даражада чуқур таҳлилидан аввал, баҳоли қудрат шарҳини бериш ўзиёқ Р. Парфи шеърияти ҳақида, бу ўзига хос истеъдоднинг қанчалик теранлиги ҳақида ёрқин тасаввур туғдира олади. Мана ўша “кўз”нинг миниатюр-лирик образига жойланган субъектив-интим оламнинг яхлит бир намунаси - “Дилоромнинг кўзлари”дан айрим сатрлар:

Қора ёрқинликда шивирлар оят,
Кўзларингни тинглаяпман энтикиб...
Кўзларинг қаърида синиқ бир нола,
Балким қафас ичра уйғонган наво...
Кўзларингда ёниб битай, севгилим.

Бу мисраларнинг ҳар бири, ҳар бир сўз ё сўз бирикмаси жазб этувчи бадиий кучга эга, уларга чуқур эътибори билан озод бўлса-да, руҳан инсоний эрк, том маънодаги тенглик самаридан бебаҳра қолган қиз - Дилоромнинг пинҳоний орзулари, эзгу армонлари акс этади. Биргина “шивирлаш” эркак интиқ қалбнинг нидоси эмасми? Кўзларнинг “шивирлаши” - Рауф Парфи учун характерли фавқулудда тасвир усули. Хусусан, ўша кўзларнинг шивирлаб “оят” ўқиши - мазкур шеърга сингдирилган ғоянинг ўзгача нафислик ва теранлик касб этган бадиий ифодаси. Бу зоҳиран имконсиз туюлган моҳиятни нишонга олиш, образ теранлигига эришиш намунаси. Дилоромнинг кўзлари “қора ёрқинликда оят шивирлаши” “кўзлар қаъридаги синиқ бир нола... қафас ичра уйғонган наво”га нисбат берилиши ёки ошиқнинг маҳбуба “кўзларида ёниб битиш” хаёли - тугилмаган тимсол-

образлар мухаббатнинг илоҳий қудратини, айна вақтда ўзаро муносабатлардаги чуқур зиддиятни очиб беради. Аслида “Дилоромнинг кўзлари”да аниқ тасвирийликни кузатмаймиз ёки лирик персонаж - қизнинг кўнгил рози унинг бирор калима сўзи орқали ифодаланганига шохид бўламиз. Шунга қарамай, шоирнинг қаҳрамони - ошиқ бу севимли кўзлардан ўзи учун чуқур маънолар ўқийди, руҳий садолар тинглайди. Демак, кўзлар зоҳиран сукут сақлайди, шоир эса ўша сукутнинг нигоҳда инсоннинг қалб шивирлари орқали ифодаланганидан маъсум туйғуларини интуитив тарзда ўқиб олади ва бизга мухтасар шаклда тақдим этади. Бу Рауфнинг чинакам сўз-образ маҳоратидан далолат беради. “Рондо” шеърида бедорлик қийноқлари яна бошқача ҳиссий-лирик образга айланади: “Ўйку билмаган кеча Порлар яна туйғудан”. лекин ғафлатни енгиб, ёниқ кечинмалар билан ўтказилган туннинг тонг билан тўқнашуви бирдан оғир таассурот қолдиради:

Бу хафа кеча кечар,
Кечар кўнгилдан алам.
Ўл ўзи заҳар ичар -
Аламсиз қолгай олам.

Бунда ҳаётнинг бир зиддияти кутилмаганда бошқа чуқурроқ зиддиятни туғдириши инъикос этади, “оламни аламсиз” тасаввур этиб бўлмайди, деган ҳақиқатни одатдан ташқари контраст образ орқали шунчалик аниқ ифодалаш шоирнинг поэтик мушоҳадаси учун хос хусусият. Р. Парфи шеъриятида табиатнинг азалий ҳодисаларидан яна лоақал ёмғир ё қор тасвирига разм солайлик: “Деразадан боқар зулумот, Зулмот билан жанг қилар ёмғир”, “Ёз ёмғири илиқдир бирам, Шитир-шитир унинг қўшиғи. Бир ширин ҳид таралар ердан Ва юракка кетар қўшилиб...”, “Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар... Ёға бошлар қағозга кўнгил”. “Атрғулнинг қўллари синган. Ёмғир ёғар, оғрир чуқур из”, “Қор ипига осилмиш хаёл”, “Тахайюл ёраг Тахайюл отига минган чангини, Қайдан олсин бечора рассом. Бундай маънос севинч рангини...” Булар фақат бетакрор ва жозиб лирик манзараларгина эмас, балки дунёнинг моҳиятини - ички жараёнларини чинакам мушқий ўқув, мусаввир назари билан идрок қилувчи “таъби мавзун, зеҳни солим” (Навоий), табиатан ижодкор кишининг илҳомбах мастона кайфияти сувратланган, “қалб шивирлари” (М. Светлов)дан шаклланган ҳарир лавҳа-образлардир, уларни ўқиб, аниқроғи, дилдан ўқиб, хаёл кўзгусида жонлантириб ҳайратланамиз, руҳий ором оламиз, ўйга толамиз...

Шоирнинг хос поэтик дунёсини, унинг сўзга хос муносабатини очиб берувчи, оламнинг суврати орқали сийратига разм солиш маҳсули бўлган бетакрор лирик образлардан иккитасини махсус шарҳлаб ўтамиз. **“Шабнамнинг соф қадаҳи синди”**; биринчи қарашда, табиатнинг

мўъжазидек ҳодисаларидан бири, классикларнинг шоҳ сатрларида бадиий нисбат сифатида жилоланган шабнамнинг... қуёш чиққан паллада гўёки сирли равишда парчаланиб кетиши сўз лавҳасига кўчирилгандай таассурот қолдиради. Лекин бу лирик образни шеър контекстида олиб, унга чуқурроқ разм солганимизда, севишганлар бахтига бало чангал солган - адабий айрилиқ юз берган лаҳзанинг руҳий манзараси чизилганини англаб оламиз. Бу трагик характердаги образда сўзларнинг бадиий ўрни, ўзаро уйғунлиги бизни ҳайратга солади. Шабнамнинг софлиги қадаҳга нисбат берилиши бежиз эмас. Рауф қаҳрамонининг “синган соф қадаҳи” муҳаббатнинг бебаҳо ва бокира сурури ундан абадий узоқлашганини англатади... Шоирнинг яна бир миниатюр образини олиб кўрайлик. **“Кўзимга беркитай ва лекин ёшдай оқиб кетма, севгилим...”**, севишганлар кўзи кўзига тушадиган висол лаҳзаларининг ширин хаёли, беназир ардоқли образи, уни ниҳоятда эҳтиёт сақлаш, пинҳон тутиш нияти, айнаи замонда, бундай ғойибона бахтдан ногихонда бенасиб этиши, яна йиғлатиши мумкин бўлган ҳижрон дақиқалари ваҳми, иштибоҳлари, айрилиқ қисматининг олдини олиш умидида шикаста ҳол кўнгилнинг шафқатталаб илтижоси. Умуман, муҳаббат туйғуларини эътиқод деб билиш, унга хаёлий, илоҳий қиммат бериш... Бу ботиний маънолар кўз қорачиғидаги оламга жойланиши, кўз ёшлари воситасида ифодаланиши миниатюр-лирик образга бетакрор жозиба бағишлайди.

Хуллас, Рауф Парфи шеърляти, аввало, давр зиддиятлари ва замондошнинг мураккаб характери билан истиснод индивидуаллигининг бадиий синтездан иборат, қолаверса, бу Навоий ва халқ ижодий тимсолидаги миллий тил сарчашмасидан, Тагор ва Нуруда, Нозим ва Элюар, Усмон Носир ва Чингиз Айтматов, Верлен ва Фикрат, Бетховен ва Ван Гог каби сўз, куй мўйқалам даҳоларидан баҳраманд бўлишнинг ажойиб самаридир.

МУНДАРИЖА

Шеърятда рост сўз зарурати	3
1. Шеърый мантиқ тақозоси.....	10
2. “Қалб саховати керак”	19
3. Ҳозирги лирикада образ-портретлар.....	27
Сўзи алёр, қўшиғи сел санъаткор.....	48
1. Ёдгорлик. Эзгу хотирот образлари.....	48
2. Шеърятда ўтган ҳаёт.....	58
3. Ларзакор жанговар-лирик лавҳалар.....	80
4. Шеър яратиш дарди.....	91
Азал ва абадият образлари.....	101
1. Сукунат сири.....	101
2. Сўз лавҳасига чизилган олам.....	115
3. Бетакрор бадий-образли қирралар.....	128
Оламнинг бутунлиги.....	142
1. Курашчан ёшлик туйғулари.....	142
2. Хаёлнинг образли жилolari.....	156
Рухият ва моҳият образлари.....	169

